



*Samargand*

2020, №3 (95)

ISSN 2181-466X

*Doktor  
Axborotnomasi*





**Учредитель:**  
САМАРКАНДСКИЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

\*\*\*\*\*

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**ДОКТОР АХБОРОТНОМАСИ**  
**ВЕСТНИК ВРАЧА**  
**DOCTOR'S HERALD**

Журнал входит в перечень научных журналов  
и изданий, рекомендованных ВАК при  
Кабинете Министров Республики Узбекистан  
при защите докторских диссертаций

**UCH OYLIK**

**ILMIY-AMALIY JURNAL**

1997 yilda t.f.d. J. A. Ahtamov  
tomonidan tashkil etilgan

**ЕЖЕКВАРТАЛЬНЫЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ  
ЖУРНАЛ**

Основан в 1997 году  
д.м.н. Дж. А. Ахтамовым

**QUARTERLY SCIENTIFIC  
AND PRACTICAL JOURNAL**

Founded in 1997  
by ph.d. J. A. Akhtamov

**Адрес редакции:**

Республика Узбекистан, 140100, г.Самарканд,  
ул.Амира Темура, 18.  
**Тел.:** +998 97 9291009

**e-mail:** [vestnikvracha.vv@gmail.com](mailto:vestnikvracha.vv@gmail.com)

**Дополнительная информация:**  
[vestnikvracha.uz](http://vestnikvracha.uz)

Журнал перерегистрирован в  
Самаркандском областном  
управлении печати и информации  
01 июля 2016 года  
(регистрационный № 09-35).

Сдано в набор 23.09.2020.

Подписано в печать 30.09.2020.

Формат А 4. Гарнитура Times New Roman.

Объем 23,25 усл. п.л. Тираж 100 экз.

Отпечатано в типографии СамГосМИ.

Заказ № 79 (от 17.09.2020).

**№ 3 (95)**  
**2020 yil**

<http://doi.org/10.38095/2181-466X-2020953>

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Главный редактор:

Ж. А. Ризаев

Зам. главного редактора:

Б. Б. Негмаджанов

Ответственный секретарь:

В. О. Ким

А.А. Абдукадыров, Т.У. Арипова,  
Ю.М. Ахмедов, Ш.Х. Зиядуллаев,  
Ш.Б. Иргашев, З.Б. Курбаниязов,  
Г.У. Лутфуллаев, Р.Ю. Рузибаев,  
А.М. Хайдаров, Г.А. Хакимов,  
Н.М. Шавази, А.М. Шамсиев,  
Р.Х. Шарипов, К.Э. Шомуродов,  
А.А. Юсупов

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

А.А. Абдусаломов, Л.М. Абдуллаева,  
Л.Р. Агабабян, А.А. Ахмедов,  
Ж.А. Атакулов, А.Т. Джурабекова,  
З.С. Камалов, В.И. Лим,  
С.Э. Мамараджабов, С.Н. Пардаев,  
А.В. Полевщиков, Г.У. Самиева,  
А.Т. Сафаров, Э.С. Тоиров,  
Х.Т. Хамраев, Т.Р. Хегай,  
А.Ш. Шодиев, Н.А. Ярмухамедова

**СОДЕРЖАНИЕ**

**ЮБИЛЕИ**

К 60 - ЛЕТИЮ ПРОФЕССОРА ГОЛИБА  
АБДУЛЛАЕВИЧА ХАКИМОВА

**ОРИГИНАЛЬНЫЕ СТАТЬИ**

*С. А. Абдуллаев, А. С. Бабажанов,  
У. С. Рахмонов, Д. А. Джалолов*  
КОРИННИНГ ОЛД ДЕВОРИ ТАШКИ  
ЧУРРАЛАРИНИНГ АСОРАТЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШ ТАКТИКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА  
МУЛОҲАЗАЛАР

*А. М. Бабаханова*  
ПРЕЭКЛАМПСИЯ КУЗАТИЛГАН  
АЁЛЛАРДА ФЕТОПЛАЦЕТАР ҚОН  
АЙЛАНИНИНГ БУЗИЛИШИ

*Қ. Р. Бабаяров, А. К. Шахриев,  
Ж. Т. Дусяров*  
БОЛАЛАРДА ТАРҚАЛГАН  
АППЕНДИКУЛЯР ПЕРИТОНИТДА  
ИНТЕНСИВ ТЕРАПИЯ ЎТКАЗИШНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ

*С. И. Индиаминов, Р. А. Исмаилов*  
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
СЕКЦИОННОГО ИССЛЕДОВАНИЯ  
ПОЗВОНОЧНО-СПИННОМОЗГОВЫХ  
ПОВРЕЖДЕНИЙ ПРИ ТУПОЙ  
СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЕ

*Р. Н. Кадыров, Ю. М. Ахмедов,  
Ф. А. Даминов*  
ПОРТАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ  
ГЕМОРАГИК АСОРАТЛАРИ БЎЛГАН  
БЕМОРЛАРНИНГ ЭНДОСКОПИК ВА  
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШДАН КЕЙИНГИ  
УЗОҚ МУДДАТЛИ ДАВРДА ҲАЁТ  
СИФАТИ

*З. Б. Курбаниязов, Б. А. Марданов*  
ТАКТИКО-ТЕХНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ  
СИМУЛЬТАННЫХ ОПЕРАЦИЙ  
НА ОРГАНАХ БРЮШНОЙ ПОЛОСТИ И  
БРЮШНОЙ СТЕНКИ У БОЛЬНЫХ  
С ВЕНТРАЛЬНОЙ ГРЫЖЕЙ

*Ч. А. Кучимова, Н. И. Ходжаева,  
Ш. Х. Султанов*  
АЛКОГОЛИЗМДА СУБДЕПРЕССИВ  
БУЗИЛИШЛАРГА ТАШҲИС ҚЎЙИШ  
МЕЗОНЛАРИ

*М. М. Матлубов, Т. К. Нематуллоев,  
Э. Г. Хамдамова*  
СУБАРАХНОИДАЛЬНАЯ АНЕСТЕЗИЯ СО  
СНИЖЕННЫМИ ДОЗАМИ БУПИВАКАИНА

**CONTENT**

**ANNIVERSARIES**

6 TO THE 60TH ANNIVERSARY OF PROFES-  
SOR GOLIB ABDULLAEVICH KHAKIMOV

**ORIGINAL ARTICLES**

8 *S. A. Abdullaev, A. S. Babajanov,  
U. S. Raxmonov, D. A. Djalolov*  
REVIEWS OF COMPLICATIONS AND  
TREATMENT TACTICS FOR EXTERNAL  
HERNIAS OF THE ANTERIOR ABDOMINAL  
WALL

14 *A. M. Babakhanova*  
FETOPLACENTAL INSUFFICIENCY IN  
PREGNANT WOMEN WITH  
PREECLAMPSIA

17 *K. R. Babayarov, A. K. Shakhriev,  
J. T. Dusyarov*  
THE PECULIARITIES OF CARRYING OUT  
THE INTENSIVE THERAPY IN CHILDREN  
WITH COMMON APPENDICULAR  
PERETONITIS

23 *S. I. Indiaminoy, R. A. Ismailov*  
METHODOLOGICAL BASIS  
OF SECTIONAL STUDY OF  
SPINAL INJURIES IN CASE  
OF BLUNT CONCOMITANT  
INJURY

29 *R. N. Kadirov, Y. M. Ahmedov,  
F. A. Daminov*  
LIFE QUALITY OF PATIENTS  
WITH HEMORRHAGIC COMPLICATIONS  
OF PORTAL HYPERTENSION  
IN THE REMOTE PERIOD AFTER  
ENDOSCOPIC AND SURGICAL  
TREATMENT

41 *Z. B. Kurbaniyazov, B. A. Mardanov*  
TACTICAL AND TECHNICAL ASPECTS OF  
SIMULTANEOUS OPERATIONS ON THE  
ORGANS OF THE ABDOMINAL CAVITY  
AND ABDOMINAL WALL IN PATIENTS  
WITH VENTRAL HERNIA

46 *Ch. A. Kuchimova, N. I. Hodjaeva,  
Sh. X. Sultanov*  
DIAGNOSIS  
OF SUBDEPRESSIVE  
DISORDERS IN ALCOHOLISM

50 *M. M. Matlubov, T.K. Nematulloev,  
E. G. Khamdamova*  
SUBARACHNOID ANESTHESIA WITH  
REDUCED DOSES OF BUPIVACAINE IN

- У БОЛЬНЫХ С СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ ПРИ ПРОКТОЛОГИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЯХ
- М. Р. Расулова, Т. М. Мардонов, С. И. Индиамин*  
ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЙ КОМПЛЕКСА ГОРТАНИ ОТ СДАВЛЕНИЯ ШЕИ
- Ж. А. Ризаев, А. А. Садилов, Д. Ф. Раимкулова*  
ЁШ СПОРТЧИЛАРДА ЭНДОТЕЛИАЛ ХУЖАЙРАСИ ЎСИШ ОМИЛИ (VEGF) ҲОЛАТИГА ОКСИДЛОВЧИ СТРЕССНИНГ ТАЪСИРИ
- Ж. А. Ризаев, А. А. Садилов, Д. Ф. Раимкулова*  
СПОРТЧИЛАРДА ЛИПИД АЛМАШИНУВИ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ
- А. А. Саидов, Ш. Ш. Азимова, Х. К. Ахмедов*  
ТИШЛОВ АНОМАЛИЯЛАРИ ВА ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ
- Ф. И. Саломова, Д. С. Хакимова, Н. Ф. Ярмухамедова*  
МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ШАРОИТИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ
- С. Ф. Сулейманов*  
КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ У ВИЧ-ИНФИЦИРОВАННЫХ ДЕТЕЙ С ХРОНИЧЕСКИМ ТОНЗИЛЛИТОМ
- Х. А. Тилляков, Б. Т. Тилляков, А. Б. Тилляков*  
ЧАНОҚ ВА СОН СУЯКЛАРИ ШИКАСТЛАНИШЛАРИНИ ЖИДДИЙЛИГИ ВА ҲОЛАТНИНГ ОҒИРЛИЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ
- Б. Т. Тураев, У. У. Очиллов, Р. Ш. Абдуразакова*  
ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ПОЛИНЕЙРОПАТИЯСИ БОР БЕМОРЛАРДА АФФЕКТИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ
- Г. Ю. Тураева*  
ПРЕЖДЕВРЕМЕННЫЕ РОДЫ: ЧАСТОТА, ПРИЧИНЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ
- Ж. А. Шамсиев, К. Р. Бабаяров, С. С. Зайниев, Ж. Т. Дусяров*  
ТУҒМА РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОПЕРАЦИЯДАН ОЛДИНГИ ВА КЕЙИНГИ, ИНТРАОПЕРАЦИОН ДАВРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ
- PATIENTS WITH CARDIOVASCULAR FAILURE DURING PROCTOLOGIC OPERATIONS
- 56 *M. R. Rasulova, T. M. Mardonov, S. I. Indiamin*  
FEATURES OF FORMATION OF DAMAGES OF THE LARYNX COMPLEX FROM NECK PRESSURE
- 60 *J. A. Rizaev, A. A. Sodiqov, D. F. Raimkulova*  
EVALUATION OF ENDOTHELIAL DYSFUNCTION AND OXIDATIVE STRESS ATHLETES OF VARIOUS SPORTS
- 65 *J. A. Rizaev, A. A. Sodiqov, D. F. Raimkulova*  
FEATURES OF LIPID METABOLISM IN VARIOUS SPORTS ATHLETES
- 70 *A. A. Saidov, Sh. Sh. Azimova, X. K. Axmedov*  
ASSESSMENT OF ORAL HYGIENE IN CHILDREN WITH MALOCCLUSION AND TEMPOROMANDIBULAR JOINT DYSFUNCTION
- 74 *F. I. Salomova, D. S. Hakimova, N. F. Yarmuxamedova*  
CONDITIONS OF EDUCATION AT SCHOOLS AND HEALTH OF PUPILS
- 81 *S. F. Suleymanov*  
CLINICAL AND IMMUNOLOGICAL INDICATORS IN HIV-INFECTED CHILDREN WITH CHRONIC TONSILLITIS
- 85 *Kh. A. Tilyakov, B. T. Tilakov, A. B. Tilyakov*  
MODERN ASPECTS OF OPERATIONAL TREATMENT OF PELVIC AND FEMORAL INJURIES TAKING INTO ACCOUNT THE SEVERITY OF DAMAGE AND SEVERITY
- 91 *B. T. Turaev, U. U. Ochilov, R. Sh. Abdurazakova*  
PREVALENCE OF AFFECTIVE DISORDERS IN PATIENTS WITH POLYNEUROPATHY WITH DIABETES MELLITUS
- 94 *G. Yu. Turaeva*  
EARLY BIRTHS: FREQUENCY, CAUSES AND COMPLICATIONS
- 98 *J. A. Shamsiev, K. R. Babayarov, S. S. Zainiev, J. T. Dusyarov*  
FEATURES OF PRE-, INTRA- AND POSTOPERATIVE MANAGEMENT TACTICS FOR NEWBORNS WITH CONGENITAL MALFORMATIONS

**З. И. Шамсиева**  
СЕМИЗЛИК КУЗАТИЛГАН АЁЛЛАРДА  
ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
ЭҲТИМОЛИ

**Д. А. Шомиров**  
ПРОФИЛАКТИКА ОСЛОЖНЕНИИ  
ТОТАЛЬНОЙ ГИСТЕРЭКТОМИИ  
У ЖЕНЩИН С ОЖИРЕНИЕМ

**Ш. Н. Эранов, П. У. Уринбаев, Н. Ф. Эранов**  
ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К  
ОПЕРАТИВНЫМ ВМЕШАТЕЛЬСТВАМ  
У ДЕТЕЙ С ЗАСТАРЕЛЫМИ ВЫВИХАМИ  
ГОЛОВКИ ЛУЧЕВОЙ КОСТИ

### ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ

**Д. Б. Асранкулова, З. М. Назирова**  
ЭНДОМЕТРИЙНИНГ ГИПЕРПЛАСТИК  
ЖАРАЁНЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ  
МУАММОЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ҲОЛАТИ

**Р. И. Исроилов, О. А. Мирзабекова**  
ЧАҚАЛОҚЛАР НАФАС БУЗИЛИШИ  
СИНДРОМИ ВА ГИАЛИНЛИ МЕМБРАНА  
КАСАЛЛИГИНИНГ ЭТИОЛОГИЯ,  
ПАТОГЕНЕЗ ВА ПАТОМОРФОЛОГИК  
БЕЛГИЛАРИ

**Р. И. Исроилов, З. И. Рузиева**  
ЧАҚАЛОҚЛАР НАФАС БУЗИЛИШИ  
СИНДРОМИ ВА АТЕЛЕКТАЗНИНГ  
САБАБЛАРИ, ПАТОГЕНЕЗИ,  
МОРФОГЕНЕЗИ ВА ПАТОМОРФОЛОГИК  
БЕЛГИЛАРИ

**Ч. А. Кучимова, Н. И. Ходжаева**  
ЎСМИРЛАР ДИСТИМИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШ  
ТАҲЛИЛИ

**И. В. Ливерко, Э. А. Абдуганиева,  
Н. В. Гафнер, В. А. Абдуллаева**  
ХРОНИЧЕСКАЯ ОБСТРУКТИВНАЯ  
БОЛЕЗНЬ ЛЕГКИХ КАК МЕДИКО-  
СОЦИАЛЬНОЕ БРЕМЯ И ЗАБОЛЕВАНИЕ  
ВЫСОКОГО ТРОМБОГЕННОГО РИСКА

**Г. М. Нигматова, В. К. Дилмуратова**  
СОВРЕМЕННЫЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ  
О РОЛИ АЛИМЕНТАРНОГО ОЖИРЕНИЯ В  
ПАТОЛОГИИ РЕПРОДУКТИВНОЙ  
ФУНКЦИИ ДЕВУШЕК

**М. М. Рахматуллаева, Н. О. Нурханова**  
РОЛЬ ДИСБИОЗА ВЛАГАЛИЦА В  
РАЗВИТИИ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ  
ОСЛОЖНЕНИЙ В ГИНЕКОЛОГИЧЕСКОЙ  
ПРАКТИКЕ

102 **Z. I. Shamsieva**  
PROBABILITY OF PREECLAMPSIA  
DEVELOPMENT IN WOMEN  
WITH OBESITY

106 **D. A. Shomirov**  
PREVENTION OF COMPLICATION  
OF TOTAL HYSTERECTOMY IN WOMEN  
WITH OBESITY

111 **Sh. N. Eranov, P. U. Urinbayev, N. F. Eranov**  
PATHOGENETIC APPROACH TO  
OPERATIVE INTERVENTIONS IN  
CHILDREN WITH DISLOCATIONS  
OF THE RADIUS BONE HEAD.

### LITERATURE REVIEW

115 **D. B. Asrankulova, Z. M. Nazirova**  
CURRENT STATE  
OF THE DIAGNOSTIC PROBLEM  
HYPERPLASTIC ENDOMETRY  
PROCESSES

121 **R. I. Isroilov, O. A. Mirzabekova**  
ETIOLOGY, PATHOGENESIS AND  
PATOMORPHOLOGICAL SYMPTOMS  
OF RESPIRATORY DISORDER  
SYNDROME AND HYALINIC  
DISEASE OF NEWBORNS

130 **R. I. Isroilov, Z. I. Ruzieva**  
SYNDROME OF CHILD RESPIRATORY  
DISORDER AND CAUSES,  
PATHOGENESIS, MORPHOGENESIS  
AND PATOMORPHOLOGICAL SYMPTOMS  
OF ATELECTASIS

136 **Ch. A. Kuchimova, N. I. Xodjaeva**  
STRUCTURAL ANALYSYS OF JUVENILE  
DYSTHYMIA

141 **I. V. Liverko, E. A. Abduganieva,  
N. V. Gafner, V. A. Abdullaeva**  
CHRONIC OBSTRUCTIVE  
PULMONARY DISEASE AS A MEDICAL  
AND SOCIAL BURDEN AND  
HIGH TROMBOGENIC RISK DISEASE

146 **G. M. Nigmatova, V. K. Dilmuratova**  
MODERN PRESENTATIONS ABOUT  
THE ROLE OF ALIENTARY OBESITY IN  
THE PATHOLOGY OF REPRODUCTIVE  
FUNCTION OF GIRLS

153 **M. M. Rakhmatullaeva, N. O. Nurxanova**  
ROLE OF VAGINAL DYSBIOSIS IN THE  
DEVELOPMENT OF POSTOPERATIVE  
COMPLICATIONS IN GYNECOLOGICAL  
PRACTICE

*Г. А. Хакимов, М. Н. Ташметов,  
Д. З. Зикиржоджаев, Б. Б. Негмаджанов*  
СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ  
ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ  
РАКА ШЕЙКИ МАТКИ

**СЛУЧАЙ ИЗ ПРАКТИКИ**

*З. С. Насимова, Б. Б. Негмаджанов*  
ВТОРИЧНАЯ АМЕНОРЕЯ 3-Х ЛЕТНЕЙ  
ДАВНОСТИ У ПАЦИЕНТКИ ПОСЛЕ  
ОСЛОЖНЕННЫХ РОДОВ ЧЕРЕЗ  
ЕСТЕСТВЕННЫЕ РОДОВЫЕ ПУТИ

*Г. А. Хакимов, Г. Г. Хакимова,  
Х. И. Жуманиёзов*  
ЭФФЕКТИВНОСТЬ АНТИ-PD ТЕРАПИИ  
ПРИ НАСЛЕДСТВЕННОМ НЕПОЛИПОЗНОМ  
КОЛОРЕКТАЛЬНОМ РАКЕ

**В ПОМОЩЬ ПРАКТИЧЕСКОМУ  
ВРАЧУ**

*Г. М. Нигматова, В. К. Дилмуратова*  
АЛИМЕНТАРНОЕ ОЖИРЕНИЕ  
У ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ  
ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ШАГИ В ТЕРАПИИ

*С. К. Расулов*  
ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР “ШАЙТОНЛАШ  
ҲОЛАТЛАРИ”ГА ИЗОҲ

К СВЕДЕНИЮ АВТОРОВ

158 *G. A. Hakimov, M. N. Tashmetov,  
D. Z. Zikirjakhodjaev, B. B. Negmadjanov*  
THE CURRENT STATE OF THE SURGICAL  
TREATMENT PROBLEM OF CERVICAL  
CANCER

**CASE REPORT**

166 *Z.S. Nasimova, B. B. Negmadjanov*  
THREE-YEAR SECONDARY  
AMENORRHEA IN A PATIENT  
AFTER COMPLICATED  
VAGINAL LABOR

170 *G. A. Khakimov, G. G. Khakimova,  
X. I. Jumaniyozov*  
EFFICACY OF ANTI-PD THERAPY  
IN HEREDITARY NON-POLYPOSIS  
COLORECTAL CANCER

**HELP FOR A PRACTICAL  
DOCTOR**

177 *G. M. Nigmatova, V. K. Dilmuratova*  
ALIMENTARY OBESITY  
IN ADOLESCENT GIRLS  
PROSPECTIVE STEPS IN THERAPY

182 *S. K. Rasulov*  
COMMENTARY ON “PAROXYSMAL  
CONDITIONS” IN YOUNG CHILDREN

186 FOR AUTHORS

---

## ЮБИЛЕИ

## ANNIVERSARIES

## К 60 - ЛЕТИЮ ПРОФЕССОРА ГОЛИБА АБДУЛЛАЕВИЧА ХАКИМОВА.



Редакционная коллегия сердечно поздравляет Голиба Абдуллаевича с 60-летним юбилеем, желает крепкого здоровья, счастья, благополучия и дальнейшей активной творческой деятельности.

Г. А. Хакимов родился 20 сентября 1960 года, узбек, беспартийный, доктор медицинских наук, профессор. После окончания Таджикского государственного медицинского института в 1983 году Хакимов Г. А. был направлен хирургом – онкологом

в Республиканский онкологический центр в г. Душанбе. С 1985 по 1988 год проходил аспирантуру в ВОНЦ АМН СССР и в 1988 году он успешно защитил кандидатскую диссертацию на тему «Лимфосорбция в предоперационной детоксикации онкологических больных с механической желтухой». С 1989 года он работал ассистентом кафедры онкологии Таджикского государственного медицинского института Абу-али Ибн-Сино. С 1990 по 1993 гг.

Хакимов Г. А. проходил докторантуру в ВОНЦ АМН СССР и в 1993 году успешно защитил докторскую диссертацию на тему «Принципы хирургического лечения больных с осложненными и местнораспространенными формами рака пищеварительного тракта». С 1993 по 1996 года вернувшись в г. Душанбе он продолжал работать ассистентом кафедры онкологии Таджикского государственного медицинского института имени Абу-али Ибн-Сино. С 1996 года Хакимов Г. А. переезжает в город Ташкент, где работает заведующим хирургического отделения торакоабдоминальной онкологии Ташкентского городского онкологического диспансера. С 2004 по 2011 г.г. он занимал должность главного врача Ташкентского городского онкологического диспансера. С 2008 года по настоящее время Хакимов Г. А. заведует кафедрой онкологии и детской онкологии Ташкентского педиатрического медицинского института. В 2013 году Хакимов Г. А. получил звание профессора и в 2018 году назначен на должность директора Ташкентского городского филиала Республиканского специализированного научно-практического центра онкологии и радиологии.

Хакимов Голиб Абдуллаевич высококвалифицированный хирург - онколог, педагог и организатор науки. Помимо ежедневной активной хирургической деятельности, Хакимов Г. А. уделяет огромное внимание развитию онкологической службы Республики Узбекистан. Помимо педагогической деятельности его профессиональный взгляд на структуру онкологической службы и оказание высококвалифицированной помощи онкологическим больным способствует внедрению передовых достижений онкологической науки и практики в работу онкологического центра.

Будучи руководителем, Хакимов Г. А. всегда следует своему призванию и регулярно выполняет большие по объему и технически сложные оперативные вмешательства при раке легкого, пищевода, печени, поджелудочной железы, желудка, тонкой, толстой и прямой кишки, шейки матки, почки, мочевого пузыря, при опухолях забрюшинного пространства.

Хакимов Г.А. впервые в Узбекистане выполнил и внедрил в клиническую практику операцию Льюиса, операцию Вертгейма, расширенную пневмонэктомию, расширенную панкреатодуоденальную резекцию, чрезбрюшинную и чрезплевральную расширенно-комбинированную гастрэктомию, удаление гигантских опухолей забрюшинного пространства с одномоментным протезированием сосудов, переднюю, заднюю и тотальную экзенте-

рацию органов таза. Принципом и лейтмотивом его хирургической деятельности является разумный радикализм.

Хакимов Г. А. является членом редакционной коллегии научно-практического журнала «Вестник врача» и Ассоциации Директоров Центров и Институтов Онкологии и Рентгенрадиологии стран СНГ и Евразии.

Хакимов Г.А. является автором более 230 печатных работ, 2-х монографий, 12-ти авторских свидетельств, трёх учебно-методических фильмов, посвященных различным аспектам онкологии. Под его руководством защищены 3 кандидатские диссертации.



## ОРИГИНАЛЬНЫЕ СТАТЬИ

## ORIGINAL ARTICLES

DOI: 10.38095/2181-466X-2020953-8-13

УДК: 617.55-007.43-089

**ҚОРИННИНГ ОЛД ДЕВОРИ ТАШҚИ ЧУРРАЛАРИНИНГ АСОРАТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР****С. А. Абдуллаев, А. С. Бабажанов, У. С. Рахмонов, Д. А. Джалолов**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Самарқанд, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** чурра, копростаз, перитонит, операциядан кейинги рецидивлар.**Ключевые слова:** грыжа, копростаз, перитонит, послеоперационные рецидивы.**Key words:** hernia, coprostasis, peritonitis, postoperative relapses.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг 5% чурралар билан хасталанган бўлиб, қориннинг олд девори табиий тешиқларидан ҳосил бўлган (чов, сон, киндик) чурралари операциясидан кейинги рецидивлар 5-12% ни ташкил қилмоқдалар. Айниқса чурраларнинг асоратлари (қисилиб қолиши, чурра халтасининг яллиғланиши ва ҳоказо) ва қориннинг олд девори операцияларидан кейинги чурралар рецидиви 20-30% гача ошиб, уларнинг сони ўрта ва қари ёшдаги кишилар орасида кундан кунга ўсиб бормоқда.

Ана шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда бундай чурраларни даволашда мумкин бўлган диагностик маълумотларни ва уларни даволашда жарроҳлик усулларини ҳар бир беморга индивидуал ёндашган ҳолда такомиллаш долзарб масала ҳисобланади.

**ОБЗОРЫ ОСЛОЖНЕНИЙ И ТАКТИКА ЛЕЧЕНИЯ НАРУЖНЫХ ГРЫЖ ПЕРЕДНЕЙ СТЕНКИ ЖИВОТА****С. А. Абдуллаев, А. С. Бабажанов, У. С. Рахмонов, Д. А. Джалолов**

Самаркандский Государственный медицинский институт, Самарканд, Узбекистан

Самаркандское городское медицинское объединение, Самарканд, Узбекистан

В последние годы около 5% населения планеты являются грыженосителями. После операции паховых, пупочных, бедренных грыж рецидивы составляют 5-12% и больше. Удельный вес послеоперационных грыж передней брюшной стенки ежегодно растет и их рецидивы в настоящее время составляют 20-30% всех операций на органах брюшной полости. Увеличивается количество осложнений особенно послеоперационных грыж передней брюшной стенки среди пожилого и старческого возраста.

В связи с этим на сегодняшний день актуальными остаются вопросы индивидуального подхода к тактике оперативного лечения с учетом возможных диагностических данных и усовершенствование хирургического способа пластики передней брюшной стенки.

**REVIEWS OF COMPLICATIONS AND TREATMENT TACTICS FOR EXTERNAL HERNIAS OF THE ANTERIOR ABDOMINAL WALL****S. A. Abdullaev, A. S. Babajanov, U. S. Raxmonov, D. A. Djalolov**

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

Samarkand city medical association, Samarkand, Uzbekistan

In recent years, about 5% of the world's population is herniated. After the operation of inguinal, umbilical, and femoral hernias, relapses are 5-12% or more. The specific weight of postoperative hernias of the anterior abdominal wall is growing every year and their relapses currently account for 20-30% of all operations on the abdominal organs. The number of complications increases, especially postoperative hernias of the anterior abdominal wall among the elderly and senile.

In this regard, the issues of individual approach to the tactics of surgical treatment, taking into account possible diagnostic data, and improvement of the surgical method of anterior abdominal wall plasty remain relevant today.

**Илмий ишнинг мақсади:** Асоратланган ва операциядан кейинги чурраларининг рецидивлари сабабларини ўрганган ҳолда операция қилиш усулларини такомиллаш.

**Ишнинг материали ва текшириш усуллари:** Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли хирургия бўлимида 2018-2019 йилларда операция қилинган 4202 беморларнинг даволаш натижалари таҳлил қилинди. 4202 ўтказилган операциялардан 730 (17,3%) қориннинг ташқи ва олд девори чурралари билан операция қилинган эркаклар 209 (31,5%), аёллар 521 (68,5%) ни ташкил қилди. Беморлар 18 ёшдан 81 ёшгача бўлиб, ўртача 52,2±4,2 ёшни ташкил қилди.

Шундай қилиб 730 беморлардан чов чурралари билан 525 (72%), қориннинг олд девори ва операциядан кейинги вентрал чурралари билан 160 (21,9%), киндик чурраси -18 (2,46%), сон чурраси – 17 (2,3%) ва қориннинг оқ чизиги чурраси билан 10 (1,49%) беморларда операция қилинган.

Чурралар билан беморларни операция қилишдан олдин тўғри ташҳис қўйиш ўта муҳим. Маълумки чов чурраларида уларнинг турларига қараб (тўғри ёки қийшиқ чов чурралари) хирургик тактика аниқланади.

Чурраларнинг клиник белгилари типик характерга эга. Биринчи симптомлари бўлиб қориннинг олд деворида ёки қориннинг табиий анатомик кучсиз ҳисобланган бўлимларидаги унча кучли бўлмаган оғриқ ҳисобланади. Чов чурраларида оғриқ уруғ тизимчаси орқали қориннинг пастки қисмига, сон ва оралиқ соҳасига тарқалиши мумкин. Чурраларнинг ҳажмида катталаниши натижасида оғриқ маълум чурра ҳосил бўлган пайтларда локал характерга эга бўлади. Қорин деворининг маълум бир қисмида бўртиб чиқиш симптомининг пайдо бўлиши энг муҳим ҳисобланади. Беморларда кўнгил айнаши, зарда бўлиши ва рефлектор оғриқлар пайдо бўлади.

Чурра думпагининг пайдо бўлиши, бемор тик турганда катталашиши, ётган ҳолатда кичиклашиши ҳолатлари, пайпаслаганда ҳар хил консистенцияли, аускультацияда ичак ҳаракатининг эшитилиши, перкуссия қилинганда тимпаник товуш аниқланиши, бордию чурра ҳалтасида чарви бўлса бироз қаттиқлашиши ва тўмтоқ товушнинг аниқланиши мумкин.

Қориннинг олд деворида яъни чурра дарвозасининг ҳар хил катталиқда аниқланиши мумкин.

Йўтал турткиси белгисининг аниқланиши бу чурра ҳалтаси билан қорин бўшлиғи орасида эркин алоқа борлигидир. Туртки белгиси манфий бўлиб қолса кўпинча қисилиб қолган чурраларда аниқланади.

Сирпанувчи чурраларда ҳосил бўладиган белгилар – чурра ҳалтаси пайпаслаганда ҳамирсимон консистенция аниқланади ва чурра ҳалтасидаги қандай аъзоларнинг бўлишига қараб ҳар хил белгилар (дизурик ҳолатлар, ичак функциясининг бузилиши ва ҳоказо) пайдо бўлади.

Адабиётлардаги маълумотларга асосан сирпанувчи чурраларда ичак аъзоларининг жароҳатланиши 26,4%гача ташкил қилади, ўлим – 1-8,3% ҳолатларда кузатилмоқда. Ўлим сабаби операциядан кейинги перитонитнинг ривожланишидир. Чов чурраларининг хусусан сирпанувчи турларида махсус текшириш усуллари қўлланилади.

Бу чурраларни диагноз қўйишда цистоскопия қўлланилади. Сирпанувчи чурралар чап томонлама бўлса, йўғон ичак бунга тортилиши тахмин қилинганда ирригография, колоноскопия, цистоскопия, рентгеноскопия ва УТТ қўлланилди. Чов-ёрғоқ чурраларида мойлар истисқосини дифференциялаш учун диафаноскопия усули ишлатилади. Шунинг таъкидлаш зарурки аёлларда чурраларни аниқлашда гинекологик текширишлар ҳам ўтказилиши зарур.

Маълумки қорин чурраларининг амалиётда кўп учрайдиган қуйидаги 4 та асоратлари мавжуд:

1. Чурраларнинг тўғриланмай қолиши.
2. Чурра қопининг яллиғланиши.
3. Чурраларнинг қисилиб қолиши.
4. Копростаз.

**Ишнинг натижаси:** Чурраларнинг тўғриланмай қолишида жароҳатланиши натижасида ёки асептик яллиғланиши ҳисобига чурра қопи ва чурра таркибидаги аъзолар орасида чандиқларнинг ҳосил бўлиши билан бўлган асоратидир. Беморларни бундай асорат билан ўз вақтида аниқлаб, режали равишда оператив даволаш зарур. Бизнинг кузатувимизда 525 чов чурраси билан 153 беморда туғирланмайдиган чов чурралари аниқланди ва улар асосан кекса ёшдаги кишилар эди.

Чурра қопиниг яллиғланишида ички омиллар – чурранинг қисилиши, ўткир аппендицит ва Меккел дивертикулида юзага чиқади. Ташқи сабаблардан терининг яллиғланиши (фурункул, карбункул) касалликлари, терининг мацерацияси, тирналишлари ҳисобланадилар. Чурра қопининг яллиғланиши билан 17 беморда аниқланди ва улар асосан семиз аёлларда, қандли диабет билан хасталанган кишиларда ва айрим ҳолатларда қисилган чурраларда аниқланди.

Қисилган чурралар (*hernia incarcerata*) - ўта хавфли асорат бўлиб, зудлик билан операция қилиш талаб этилади. Чурра қопчасига чиққан аъзолар чурранинг бўйин қисмида қисилиб қолиб, қон ва лимфа айланишининг бузилиши аъзонинг некрозга учраш ҳавфини юзага келтиради. Статистик маълумотлар бўйича 8-10% беморларда қисилиб қолиш ҳолати кузатилади: операциядан кейинги ўлим 5-7% ташкил қилади, қари кишиларда 10-16% учрайди. Биз кузатган 730 та беморлардан 84 (10,5%) тасида чурраларнинг қисилиши белгилари билан шифохонага тушганлар.

Қисилиб қолиш механизми ҳар хил бўлади. Қорин бўшлиғида босимнинг ортиши (оғир юк кўтариш, тинимсиз йўтал, дефекациянинг узок муддатда содир бўлиши) билан чурра халтаси қисқа вақтга кенгаяди. Анна шу пайт ички аъзолар чурра қопчасига кириб қолади. Кейин чурра ҳалқаси тораяди ва ички аъзолар ўз ўрнига қайтишга улгурмай қолади. Шу йўсинда чурранинг қисилишига эластик қисилиш дейилади.

Чурранинг бошқача қисилиш хили ҳам бор, у ахлатли қисилиш, дейилади. Қисилишнинг бу шакли асосан қари кишиларда учрайди. Чурра қопчасига тушган чурра қовузлоғи ичидаги ахлат аста секинлик билан кўпайиб боради ва натижада аста-секин ичакнинг кетувчи сиртмоғи босилиб қолади. Ахлатли қисилиш чурра дарвозаси катта бўлган ҳолатларда кузатилади.

Қисилиб қолган ичак сиртмоқларининг тутқичлари босилиб қолганда аввало шиш пайдо бўлади. Чурра қопчасидаги вена томирларида димланиш ривожланиб, чурра қопчаси ичида тиниқ суюқлик йиғилади. Кейинчалик бу суюқлик геморрагик ҳолатга ўтади. Ичак деворидаги некротик ўзгаришлар ичак ичидаги бактерияларнинг ичак девори орқали ўтиб, чурра сувини ифлослантиради, чурра суви лойқалана бошлайди ва бемордан ахлат хиди келади. Чурра қопчаси флегмонасига айланади. Айрим ҳолатларда флегмона тешилиб, ичак оқмаси ҳосил бўлади.

Операция пайтида ичак деворларининг ҳаётлигини аниқлаш муҳимдир. Чунки некротик ҳолат ичакнинг ички шиллиқ каватидан бошланиб, ташқи кўриниши эса силлиқ, ўзгаришсиз бўлиши мумкин. Анна шундай ичак сиртмоқларини қорин бўшлиғига юбориб чурра дефектини пластика қилиш ўта хавфлидир.

Яна бир муҳим ҳолат, ичак деворидаги микроциркуляциянинг бузилиши чегарасини аниқлашдир. Макроскопик йўл билан аниқлаш қийин бўлганлиги учун операция пайтида ичак сиртмоқларини тегишли узунликда резекция қилинмаса, кейинчалик некроз ривожланиб, чоклар етишмовчилигига олиб келади. Натижада перитонит ривожланади ва у беморнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам келувчи ичак сиртмоғини 35-40 см ва кетувчи ичак сиртмоғини 15-20 см узунликда резекция қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари ичак деворининг бир қисми Рихтер қисилишини ҳам унутмаслик лозим. Бу хил қисилиш ҳам жуда оғир ўтади.

Ичак девори бир қисмининг қисилишининг диагностикаси ҳам қийин, чунки чурра буртмаси кичик бўлади. Айниқса семиз кишиларда ичак тутилиши белгилари бўлмайди ва уни аниқлаш қийин бўлади. Бундай қисилиш кўпинча чов ва сон чурраларида учрайди. Кўпчилик ҳолатларда ингичка ичак девори қисилади, аммо ошқозон девори (оқ чизик чуррасида) ҳамда сийдик пуфагининг девори (чов чуррасида) ҳам қисилиши мумкин.

Ретроград қисилиш жуда кам учрайди. Чурранинг бундай қисилишида чурра қопчасида нафақат қопча ичидаги ичак сиртмоқлари, балки қорин бўшлиғидаги ичак сиртмоқлари тутқичлари ҳам қисилиши мумкин. Бундай қисилиш W-симон қисилиш ҳам

дейлади.

Қориннинг олд девори ва операциядан кейинги катта чурралар кўп камерали бўлганида ичак сиртмоқлари ва чарви шу камералардан бирига кириб, қисилиб қолиши мумкин. Қолган камералардаги ичак сиртмоқлари ва чарви бемалол эркин ҳолда қорин бўшлиғига кетади. Бундай ҳолатларда қисман ичак тутилиши белгиси ривожланиб, беморни узоқ вақт консерватив даволаш натижасида, ҳар хил оғир асоратларга олиб келиш мумкин.

Меккел дивертикули қисилиб қолса – Литре чурраси (hernia Littre), дейлади. Адабиётларда келтирилишича бундай чурралар кам ҳолатларда (0,5%) учрайди.

Беморлар кўпчилик ҳолатларда қорин бўшлиғининг битишма касаллиги, ўткир гастрит, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллигининг хуружи, буйрак санчиғи, ўткир ичак тутилиши ва ҳатто ўткир аппендицит ташхислари билан стационарга юборилган.

Шифохонагача бўлган этапда асосий диагностик ҳаттоларга йўл қўйилиши сабабларидан энг муҳими беморларни текширишдаги эътиборсизлик, беморларни текшириш қоидаларининг бузилиши бўлиб, чурра ҳосил бўлиши эҳтимоли бор соҳаларни яхшилаб кўрмасликдир.

Узоқ вақт бандаж боғлаган ёки корсет кийиб юрган беморлар чурра соҳасида пайдо бўлган оғриққа унча эътибор бермайдилар, доимо тўғирланиб юрувчи чурранинг тўғирланмайдиган бўлиб қолганлигини ва чурра ҳажмининг катталашганлигини сезмайдилар ва натижада қисилган чуррани ўтказиб юборадилар. Кекса беморларда йўлдош касаллиги оғир бўлганда, яхши эшитмаслик ва мия қон томирлари етишмовчилигининг борлиги улардан тўлиқ анамнез йиғишга тўсқинлик қилади. Бундан ташқари семиз беморларда ҳам қисилган чуррани аниқлаш қийинчилик туғдиради.

Бизнинг фикримизча кекса ёшдаги беморларнинг узоқ йил чурра билан, яъни «эски» чуррани кўтариб юрганларни алоҳида гуруҳ қилиб ўрганмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўпчилик беморларда йўлдош касалликлардан: умумий атеросклероз ва коронар кардиосклероз, юракнинг ишемик касаллиги, хафақонлик, қандли диабет, пневмосклероз ва бошқа нафас йўллари касалликлари кузатилган.

Бундай гуруҳ беморлар орасида операциядан кейинги ўлим юқоридир.

Касалликнинг натижаси яна чурра қопчасида қайси аъзонинг қисилишга ҳам боғлиқ. Бизнинг кузатувимизда ингичка ичак, катта чарви, йўғон ичак, бачадон ўсимтаси, чувалчангсимон ўсимта ва йўғон ичакнинг ёғли тасмаси қисилиши ҳолатлари учраган.

Қисилган ингичка ичак сиртмоғининг некрози 7 нафар беморда кузатилган ва шулардан тўрттасида ичак сиртмоқлари гангренаси бўлиб, перитонит ривожланган ва ичак резекция қилинган. Шулардан учтаси операциядан кейинги перитонитнинг ривожланиши ва ичак тутқич томирлари тромбози натижасида вафот этган. Ўлган беморнинг учаласи ҳам 65 ёшдан юқори кишилар бўлган.

Яна бир энг муҳим муаммо – бу қисилган ичак сиртмоқларидаги ҳаётийликни аниқлашдир. Беморлар навбатчилик пайтида, зудлик билан ўтказилган операцияларда, айниқса кечаси бўлганда уларни аниқлаш қийин бўлади. Ичак сиртмоқларини қисилган жойидан чиқариб иссиқ изотоник эритмалар билан хулланган салфеткалар билан ураш, уларни шундай иссиқ эритмалар билан ювишдан кейин девори қизариб, томирлар пульсацияси аниқланса ва ичаклар ҳаракати тикланса унинг ҳаётийлиги сақланганлигидан далолат беради.

Бордию шу ҳолатлар пайдо бўлмай, улар ҳаётийлигига аниқ ишонч ҳосил қилинмаганда ичаклар сиртмоғи резекция қилиниб, унча физиологик ҳолат бўлмаса ҳам «ёнбош-ёнбош» анастамоз қўйиш буюрилади.

Операция учун оғриқсизлантириш усулини танлашда ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш зарур. Мушаклар релаксацияси билан эндотрохеал наркоз операцияни муваффақиятли яқунлаш учун яхши шароит яратади. Ваҳоланки, 82% ҳолатларда маҳаллий оғриқсизлантириш усули қўлланилиб, 18% ҳолатдагина наркоз ишлатилган.

Операциядан кейин оғир беморларга, айниқса кекса ёшдаги кишиларга 7500 ЕД дан,

бир кунда уч маҳал гепарин, қоннинг реологик хусусиятини яхшилайдиган суюқлилар, албатта юрак-қон томирлари ва нафас олиш тизими фаолиятини стимуллайдиган муолажалар ўтказилади. Перитонит белгилари пайдо бўлганда ингичка ичакка узун назоинтестинал-Меллори-Эбот зонди билан ва йўғон ичаклар трансректал интубация қилинади.

Чурраси бор беморларни режали ўз вақтида операция қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

Охири йилларда қориннинг ташқи (чов, киндик, сон ва оқ чизиғи) чурраларини Лихтейнштейн усулида пластика қилишни йўлга қўйганмиз. Қисилган чов чурраларини зудлик билан операция қилиш зарур. Ичак сиртмоқлари ёки чарви қисилиб, улар ҳаётга нолайиқ деб топилганда резекция қилинади.

Чурра қопи яллиғланиб флегмона ҳосил бўлганда зудлик билан флегмона очилиши зарур. Агар чурра қопи флегмонаси (киндик чурраларида) унча катта бўлмаса, батамом чурра қопи билан бир блок ҳолатида И.М. Греков усулида резекция қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Йўғон ичакда нажаснинг туриб қолиши билан боғлиқ асорат копростаз дейилади. Копростазни аввало консерватив даволаш усуллари кўллаш зарур. Йўғон ичакни ўз ичидаги маҳсулотдан бўшатиш, тўғриланувчи чурраларда чуррани тўғриланган ҳолатда ушлаш, кичик ҳуқналар қилиш керак. Консерватив даволаш яхши натижа бермаса, оператив даволаш зарур, айрим ҳолатларда сунъий ичак оқамлари қўйилиши мумкин.

Бизнинг таҳлилларимизда қориннинг ташқи чурралари билан 730 бемордан 160 тасида қориннинг олд девори чурралари билан операция қилинган. 160 бемордан 49 (31%) беморларда операциядан кейинги вентрал чурралар аниқланди. Шулардан 32 тасини аёллар ташкил қилди.

Бу асоратларнинг кенг тарқалиши қорин бўшлиғида қилинадиган операциялар миқдорининг кўпайиши, қайта операциялар (релапоратомиялар) сонининг ошиши, шунингдек операция қилинаётган беморларнинг орасида ўрта ва қари ёшли кишилар эканлиги билан боғлиқдир.



Охири йилларда чурра соҳасида тўқималарнинг ёшига боғлиқ дегенератив ўзгаришларга олиб келувчи қандли диабет, семизлик каби йўлдош касалликлар кўпаймоқда. Бундай ҳолатларда маҳаллий тўқималарни тортмасдан (таранглаштирмасдан) туриб катта дефектларнинг ёпишининг иложи бўлмайди. Қориннинг олд деворини таранглашган пластикасидан (тензион) кейин қорин ичи босимининг ошиши – Abdominal Compartment Syndrome) натижасида юрак, ўпка етишмовчилиги, операциядан кейинги яранинг йиринглаши, чокларнинг бўшаб кетиши ва



Рис. 1. Касал М. 51 ёшида. Диагноз: Чурра халтаси флегмонаси. Қандли диабет II тип. Асоратлар: Некротик фасциит. Қориннинг олд девори анаэроб флегмонаси. Сепсис.

рецидив чурралар ҳосил бўлиши каби асоратларига олиб келди. Шунинг учун ҳам бундай беморларни операция қилишдан олдин қориннинг ички босимини аниқлаш ва мўътадил ҳолатда 12 мм сим. уст.дан ошмаслик керак.

Ҳозирги вақтда вентрал чурраларни даволашда пластиканинг атензион усуллари қўллаш концепцияси қабул қилинган. Бундай принципни қўллаш натижасида биологик тўқималар орасида синтетик эндопротезларни ишлатиш имкони пайдо бўлди. Вентрал чурраси бор беморларни даволашда имплантатни атензион усулда onlay, sublay, inlay жойлаштириш мумкин.

**Хулоса:** Шундай қилиб, қориннинг олд девори чурраларининг асоратларини операция қилишда индивидуал ёндашган ҳолда Лихтенштейн усулида ва операциядан кейинги вентрал чурраларни атензион усулда эндопротезларнинг қўлланилиши рецидивлар суръатини пасайтиришда муҳим омил ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев С.А. Қорин чурралари // Услубий тавсиянома. 56 бет. Самарқанд. 2008 й.
2. Абдуллаев С.А., Тоиров А.С. ва бошқалар. Қориннинг олд девори операциядан кейинги чурраларини замонавий хирургик даволаш технологиялари // Доктор ахборотномаси. –2012й. –№2. –С. 9-12.
3. Ахтамов Ж.А., Карабаев Х.К. и др. Полимерные аллотрансплантаты в лечении послеоперационных вентральных грыж // Актуальные вопросы специализированной хирургии. Ташкент – 2007 г. –С. 183.
4. Белоконов В.И. и соавторы. Передняя протезирующая герниопластика комбинированным способом при больших и гигантских вентральных грыжах // Хирургия. –2018г. –№5. –С. 45-50.
5. Ермолов А.С. и соавторы. Послеоперационные вентральные грыжи - нерешенные вопросы хирургической тактики // Хирургия. –2018г. – №10. –С. 81-86.
6. Савельев В.С. Кириенко А.И. Хирургические болезни. Москва, 2006 г.

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ КУЗАТИЛГАН АЁЛЛАРДА ФЕТОПЛАЦЕНТАР ҚОН  
АЙЛАНИНИНГ БУЗИЛИШИ****А. М. Бабаханова**Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт  
маркази, Тошкент, Ўзбекистон**Таянч сўзлар:** артериал қон босими ошиши, преэклампсия, ҳомиладорлик.**Ключевые слова:** артериальная гипертензия, преэклампсия, беременность.**Key words:** arterial hypertension, preeclampsia, pregnancy.

Ҳозирги кунда преэклампсия акушерлик амалиётида оналар ва болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлгани учун преэклампсияни олдиндан башорат қилиш ва эрта ташхислаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Мақолада преэклампсиянинг олдини олиш ва кун давомида артериал қон босимини ўлчаш натижасида эрта ташхислаш кўрсатиб ўтилган.

**ФЕТОПЛАЦЕНТАРНАЯ НЕДОСТАТОЧНОСТЬ У БЕРЕМЕННЫХ С ПРЕЭКЛАМПСИЕЙ****А. М. Бабаханова**Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии,  
Ташкент, Узбекистан

Прогнозирование и ранняя диагностика преэклампсии обусловлена тем, что в настоящее время преэклампсия продолжает оставаться сложнейшим разделом акушерства, являясь одной из ведущих причин высокой материнской и перинатальной заболеваемости и смертности. В статье представлены профилактика и суточное мониторирование уровня артериального давления для ранней диагностики преэклампсии.

**FETOPLACENTAL INSUFFICIENCY IN PREGNANT WOMEN WITH PREECLAMPSIA****A. M. Babakhanova**

Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Obstetrics and Gynecology, Tashkent, Uzbekistan

Prediction and early diagnosis of preeclampsia is due to the fact that preeclampsia continues to be the most difficult section of obstetrics, being one of the leading causes of high maternal and perinatal morbidity and mortality. The article presents the prevention of preeclampsia and daily monitoring of blood pressure for early diagnosis of preeclampsia.

**Кириш.** Замонавий акушерликнинг устувор вазифаси – преэклампсия профилактикаси ва даволаш самарадорлигини ошириш орқали она ва ҳомила учун ҳомиладорлик кечишини яхшилаш. Ушбу ҳолатни клиник олди ташхислаш зарурати биринчи ўринни эгаллайди. Преэклампсия предиктор белгиларини қидириш ўн йилдан ортиқ вақтдан бери давом этмоқда, аммо таклиф қилинган тестларнинг ҳеч бири етарлича сезгирлик ва ўзига хосликка эга эмас [1], бу кейинги изланишларни талаб қилади. Терапевтик амалиётда артериал қон босимининг юқори ўзгарувчанлиги коронар ва мия – қон томирлари ҳолатининг предиктори эканлиги аниқланди [1,3,4]. Преэклампсия юрак қон – томир касалликларини ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлганлиги ва унинг намоён бўлишидан бири артериал гипертензия (АГ) [2], бўлгани учун, ҳомиладорлик даврида аёлларда қон босимининг ўзгарувчанлигини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Артериал қон босимининг ўзгарувчанлигига бағишланган кўпгина тадқиқотлар, сўнги йилларда ушбу кўрсаткич ҳақида фикрларни кенгайтириш имконини яратди. Бугунги кунга келиб қон босимининг ўзгарувчанлиги тасодифий параметр сифатида кўриб чиқилмайди. Унинг ўткир коронар синдром ва инсульт ривожланишига нисбатан прогностик аҳамияти исботланган [3,4].

Ҳомиладорлик даврида кузатилган гипертензив касалликлар оналар ва янги туғилган чақалоқлар ўлимига олиб келадиган асосий сабаблардан биридир [2,3]. Улар оналар ўлими структурасида учинчи ўринни эгаллайди [5]. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар етти дақиқада преэклампсиянинг асоратлари натижасида битта аёл вафот этади [4]. Шу билан бирга, агар акушерлик қон кетиши ва йирингли – септик асоратлар натижасида оналар ўлими камайса, преэклампсия сабабли ўлим даражаси барқарор турғунликка эга эмас. Ҳанузга-

ча унинг оғир формалари кузатилиши камаяётгани йўқ, аммо ўлимга олиб келадиган оқибатларнинг олдини олиш ва қисман олдини олиш имконияти мавжуд [4,5].

Қон босими ўзгарувчанлигининг ўсиши ҳақида турли маълумотлар мавжуд, преэклампсия ва ҳомиладорлик гипертензиясининг намоён бўлиш манифестацияси [1,2]. Бироқ, истиқболли тадқиқотлар сони ҳали кўп эмас. Ҳозирги вақтда, терапевтик амалиётда фаол қўлланилаётган антигипертензив дори воситаларининг артериал қон босимининг ўзгарувчанлигига таъсири жадал ўрганилмоқда [3]. Преэклампсиянинг олдини олиш учун ишлатиладиган аспириининг таъсири бугунги кунда ҳам тўлиқ ўрганилмаганлигича қолмоқда.

**Тадқиқот мақсади:** преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёлларда фетоплацентар қон айланиши бузилишини ўрганиш.

**Тадқиқот материали ва усуллари:** Тадқиқот объекти 2 та гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳ – 50 нафар аёллар преэклампсия юқори хавф гуруҳи, ҳомиладорлик даврида кичик дозада аспириин (75–100 мг/суткада) қабул қилмаганлар.

2-гуруҳ – 23 нафар ҳомиладор аёллар преэклампсия юқори хавф гуруҳи, ҳомиладорлик даврида преэклампсия профилактикаси учун кичик дозада аспириин (75–100 мг/суткада) қабул қилганлар.

Преэклампсия ривожланиш прогнози бўлиб – артериал қон босими ўзгарувчанлиги ва бачадон томирлари қон оқимининг резистентлиги маълумотлари хизмат қилди. Преэклампсия профилактикаси мақсадида 2-гуруҳ беморларига 14 дан 36 ҳафтагача кичик дозадаги аспириин берилган. 1-гуруҳ ҳомиладорларнинг ўртача ёши  $27,1 \pm 4,1$ , 2-гуруҳда  $27,2 \pm 4$ . Гуруҳлар ўртача ёшини солиштиришда ҳаққоний фарқ кузатилмади ( $p > 0,05$ ).

Текширилаётган беморлар паритети 1-жадвалда келтирилган. Преэклампсия билан биринчи туғувчи аёллар юқори фоизни ташкил қилди (52%). Аммо бу статистик тасдиқланмади ( $p > 0,05$ ).

**1 жадвал.**

**Паритетга қараб беморлар тақсимланиши.**

Паритет	1 гуруҳ n=50	2 гуруҳ n=23
Биринчи маротаба туғувчи аёллар	27 (54%)	11 (48%)
Қайта туғувчи аёллар	23 (46%)	12 (52%)

**Киритиш меъзонлари:**

1. «Ҳомиладорлик даврида гипертензив бузилишлар» клиник тавсияларига мувофиқ преэклампсия ривожланишида бир нечта хавф омилининг мавжудлиги;

2. Аёллар маслаҳатхонасига эрта мурожаат қилиш (8 ҳафта);

3. Тиббий қарши кўрсатмалар ёки ацетилсалицил кислотаси (аспириин) қабул қилишдан бош тортиш;

4. Ёши 18 дан кичик ва 45 ёшдан катта бўлмаслиги, шунингдек тана вазни индекси  $30 \text{ кг/м}^2$  дан кўп бўлмаган.

**Истисно меъзонлари:**

1. Чекиш,

2. Тана вазни индекси  $30 \text{ кг/м}^2$  дан кўп бўлмаган,

3. Кўп ҳомилалик.

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси:** Артериал қон босимнинг суткалик назорати (АҚБСН) оддий шароитда артериал босим ва пульс частотаси мониторида CONTEC «Ambulatory Blood Pressure Monitor» амалга оширилади.

Гуруҳлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланди ( $p < 0,05$ ).

АҚБСН таҳлилида (2-жадвал) преэклампсия профилактикасини олган беморларда, АҚБ, преэклампсия частотаси ва оғирлигининг сезиларли пасайиши аниқланди.

2 жадвал.

**Артериал қон босимининг суткалик назорати текширилаётган гуруҳларда.**

АБ назорати	1 гуруҳ n=50	2 гуруҳ n=23
<i>Кундузги вақт</i>		
Систолик АБ	152±5,2	139±2,4
Диастолик АБ	101±2,5	89±1,9
<i>Тунги вақт</i>		
Систолик АБ	149±3,1	129±2,1
Диастолик АБ	90±1,9	84±1,2

1-гуруҳда преэклампсия ҳолати 60% (30 аёл) да кузатилди, улардан 40% (12) оғир преэклампсия. 2-гуруҳда 47,8% преэклампсия ҳолати кузатилди, фақат 1 та аёлда оғир преэклампсия кузатилди. Олинган натижалар таҳлиliga кўра (3-жадвал) акушерлик патологиясида аспириинни қабул қилган беморларда преэклампсия частотаси ва оғирлик даражаси сезиларли пасайиши аниқланди.

3 жадвал.

**Артериал қон босимининг суткалик назорати текширилаётган гуруҳларда.**

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ n=50	2 гуруҳ n=23
Бачадон йўлдош ҳомила қон оқимининг бузилиши 1а даражаси	13 (26%)	16 (69,5%)
Бачадон йўлдош ҳомила қон оқимининг бузилиши 1б даражаси	5 (10%)	2 (8,7%)
Бачадон йўлдош ҳомила қон оқимининг бузилиши 2 даражаси	22 (44%)	1 (4,3%)
Бачадон йўлдош ҳомила қон оқимининг бузилиши 3 даражаси	4 (8%)	-
Ҳомила ўсиши чекланиш синдроми 1 даражаси	9 (18%)	2 (8,7%)
Ҳомила ўсиши чекланиш синдроми 2 даражаси	6 (12%)	-
Ҳомила ўсиши чекланиш синдроми 3 даражаси	-	-

**Хулоса:** Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатадики, преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёлларда кўп ҳолларда босим ёки кечаю кундуз ошган. Бу ҳомиладорликнинг асоратлари прогнозига нисбатан яхши бўлмаган омилдир ва йўлдош етишмовчилиги, ҳомила гипоксияси ва ҳомила ўсиши чекланиш синдроми ривожланишига олиб келади. Аспирииннинг кичик дозалари билан профилактикаси қанчалик тезроқ бошланса, преэклампсия ва ҳомила ўсиши чекланиш синдроми профилактикаси шунчалик самарали бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Адамян Л.В. Гипертензивные расстройства по время беременности, в родах и послеродовом периоде. Преэклампсия. Эклампсия /Л.В. Адамян, Н.В. Артымюк, Н.В. Башмакова [и др.] // Клинические рекомендации. Протокол лечения. 2016. – 72 с.
2. ACOG Practice Bulletin No. 202: Gestational Hypertension and Preeclampsia / Obstetrics & Gynecology. - 2019. – Vol. 133. – P. 1-25.
3. ACOG Practice Bulletin No. 203: Chronic Hypertension in Pregnancy / Obstetrics & Gynecology. - 2019. – Vol. 133. – P. 26-50.
4. Ananth C.V. Neonatal mortality in relation to preeclampsia: the impact of gestational age and obstetrical interventions / C.V. Ananth, J.A. Lavery, T.J. VanderWeele // AJOG. – 2016. - Volume 214. – P. S379–S380
5. The FIGO Textbook of Pregnancy Hypertension. An evidence-based guide to monitoring, prevention and management / L. Magee, P. Dadelszen, W. Stones [et al.] // The Global Library of Women’s Medicine. – 2016. – 456 p.

## БОЛАЛАРДА ТАРҚАЛГАН АППЕНДИКУЛЯР ПЕРИТОНИТДА ИНТЕНСИВ ТЕРАПИЯ ЎТҚАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қ. Р. Бабаяров, А. К. Шахриев, Ж. Т. Дусяров

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** тарқалган аппендикуляр перитонит, операция олди тайёргарлик даври, инфузион терапия, интраоперацион давр, операциядан кейинги давр.

**Ключевые слова:** диссеминированный аппендикулярный перитонит, период предоперационной подготовки, инфузионная терапия, интраоперационный период, послеоперационный период.

**Key words:** disseminated appendicular peritonitis, preoperative preparation period, infusion therapy, intraoperative period, postoperative period.

Ушбу мақолада тарқалган аппендикуляр перитонит билан касалланган 402 нафар боланинг тиббий кўрик ва даволаниш натижалари таҳлил қилинди. Барча беморларга умумий қабул қилинган клиник текширувлар рўйхати ўтказилди. Ушбу беморларга тўқималарнинг нормал перфузиясини таъминлаш ва томир ичи суюқлигини адекват ҳажмини сақлашга қаратилган инфузион терапия ўтказилди; кислота-асос, электролитлар балансини, қон таркибидаги газлар миқдорини ва гемостазни яхшилаш.

## ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ ИНТЕНСИВНОЙ ТЕРАПИИ ПРИ РАСПРОСТРАНЁННОМ АППЕНДИКУЛЯРНОМ ПЕРИТОНИТЕ У ДЕТЕЙ

Қ. Р. Бабаяров, А. К. Шахриев, Ж. Т. Дусяров

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд, Узбекистан

В данной статье анализируются результаты медицинского обследования и лечения у 402 детей с распространенным аппендикулярным перитонитом. Список общепринятых клинических исследований был проведен для всех пациентов. Этим пациентам была проведена инфузионная терапия, направленная на обеспечение нормальной перфузии тканей и поддержание достаточного объема внутривенной жидкости; кислотно-щелочной, улучшение электролитного баланса, газосодержания в крови и гемостаза.

## THE PECULIARITIES OF CARRYING OUT THE INTENSIVE THERAPY IN CHILDREN WITH COMMON APPENDICULAR PERITONITIS

Q. R. Babayarov, A. K. Shakhriev, J. T. Dusyarov

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

This article, analyzes the results of medical examination and treatment of 402 children with common appendicular peritonitis. A list of generally accepted clinical trials has been performed for all patients. These patients underwent infusion therapy aimed at ensuring normal tissue perfusion and maintaining a sufficient volume of intravenous fluid; acid-base, improvement of electrolyte balance, gas content in the blood and hemostasis.

**Долзарблиги.** Болаларда ўткир аппендицитнинг энг кенг тарқалган ва хавфли асоратлари тарқоқ аппендикуляр перитонитдир (ТАП), бу касалликлар барча ҳолатларининг 8-10% ташкил этади. Шунини таъкидлаш керакки, ҳаётининг биринчи уч йилидаги болаларда ТАП катта ёшдаги болаларга қараганда 4-5 марта тез-тез учрайди [1,4,6,14].

Сўнгги йилларда тиббиёт фанининг ютуқлари туфайли касалликнинг дастлабки босқичлари билан беморларнинг ўлимини камайтириш мумкин эди, аммо ТАП нинг ўтказиб юборилган шаклларида ўлим даражаси юқори даражада сақланиб қолмоқда [2,7]. Кўпгина тадқиқотлар диффуз перитонит билан кузатиладиган мураккаб патофизиологик силжишлар ва ушбу бузилишларни тузатишнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ [1,15]. Яққол моддалар алмашинувининг бузилиши ва организмнинг ҳаётий функцияларини кўпинча суб- ёки декомпенсацияси сабабли, тарқоқ перитонит билан оғриган барча беморларда албатта операциядан олдин тайёргарлик ўтказиш шарт. Унинг тавсифи, интенсивлиги ва давомийлиги жараённинг тарқалиши, унинг босқичи ва интоксикация синдромининг оғирлиги билан белгиланади [7]. Қоида тариқасида, ушбу даврда нафақат мураккаб диагностика масалаларини ҳал қилиш, балки етарли интенсив дори терапиясини ўтказиш керак. Беморларни даволаш натижаси кўп жиҳатдан ушбу чораларнинг пухта ўтказилганлига боғлиқ [11,14].

**Тадқиқот мақсади:** ТАП билан болаларни периоператив даволашнинг мақбул схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** 1990 йилдан 2014 йилгача Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 2-клиникасида 402 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволанди. 1998 йилдан 2014 йилгача ишлаган беморлар асосий гуруҳни -264 (65,7%) ташкил этди. Такқослаш гуруҳига 1990 йилдан 1997 йилгача операция қилинган ва анъанавий қабул қилинган ёндашувлар бўйича даволанган 138 (34,3%) болалар киритилган. Улардан 248 ўғил (61,7%) ва 154 қиз (38,3%) бор эди. Кузатилган беморларнинг орасида перитонитнинг диффуз шакли асосий гуруҳнинг 134 (50,8%) болаларида ва такқослаш гуруҳидан 73 (52,9%) болаларда аниқланди; диффуз перитонит асосий гуруҳдаги 130 (49,2%) беморларда ва такқослаш гуруҳида 65 (47,1%). Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳнинг 70 (26,5%) болалари ва такқослаш гуруҳининг 32 (23,2%) болалари юқори даражадаги ўлим кўрсаткичи билан ажралиб турадиган ТАП нинг терминал босқичига қабул қилинди.

Барча беморларга умумий қабул қилинган клиник тадқиқотлар рўйхати ўтказилди: қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қон гуруҳини аниқлаш, қоннинг биокимёвий текшируви, ЭКГ, агар кўрсатма бўлса кўкрак ва қорин бўшлиғининг рентгенографияси, иммунологик ва микробиологик текширишлар. Барча беморларда қорин бўшлиғи ультратовуш текшируви ўтказилди.

**Тадқиқот натижалари:** Такқослаш гуруҳида тарқоқ перитонит ташҳиси беморларни операция хонасида қисқа муддатли тайёргарлик билан шошилиш операция қилиш учун кўрсатма бўлди. Ушбу оғир тоифадаги беморларни бошқариш бўйича кўп йиллик клиник тажрибани танқидий таҳлил қилиш ТАП бўлган болаларни периоператив даволашнинг барча босқичларини кўриб чиқишга имкон берди. Бизнинг фикримизча ТАП да бола организмида эндотоксемия, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми каби жиддий патологик ҳолатлар пайдо бўлганда, қисқа муддатли инфузион терапия билан тезкор жарроҳлик аралашуви жиддий тактик хатодир. Юқоридаги фикрларга асосланиб, асосий гуруҳдаги барча болалар ўтқир аппендицитнинг асоратланган шакли аниқлагандан сўнг, интенсив терапия ва реанимация бўлимига ётқизилди. Ушбу беморларга тўқималарнинг нормал пefузиясини таъминлаш ва томир ичига суюқлигини адекват ҳажмини сақлашга қаратилган инфузион терапия ўтказилди; кислота-асос, электролитлар балансини, қон газлари ва гемостазни яхшилаш.

Назорат гуруҳидаги барча шахслар ва спортчилар қон зардобидидаги липидлар учун «ROSH» компаниясининг «COBAS-311» анализатори ёрдамида ферментатив усул ёрдамида синовдан ўтказилди. Қуйидагилар ўрганилди: умумий холестерин (ОХС), юқори зичликдаги липопротеинлар (ЛПВП), паст зичликдаги липопротеинлар (ЛПНП), атерогенлик коэффициенти (КА) ва триглицеридлар (ТГ). Қон плазмасидаги липопротеинлипазасининг фаоллиги Т. Olivecrona (1992) усули билан В. Н. Титов (2003) томонидан ўзгартирилган (модификациясида) титрлаш йўли ёрдамида гепаринни 50 МЕ/кг «Биолек» (Украина) дозада венасига юборгандан сўнг 15 дақиқа ўтгач аниқланган. Фермент фаоллигининг кўрсаткичи бўлиб, 1 соат давомида триглицеридлардан ажралиб чиққан ёғ кислоталарининг миқдори (ммоль/л-ч) ҳисобланади. Тадқиқот ўқув циклининг тайёргарлик даврида ўтказилди. Статистик маълумотларни қайта ишлаш Microsoft Office Excel ёрдамида амалга оширилди. Ўртача қийматлар ва уларнинг стандарт хатолари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги Стъюдент мезони ёрдамида баҳоланди.

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.** Профессional спорт туркуми, спортчининг организмига турли хил стресс омилларини: психоэмоционал стресс, оксидатив стресс ва дисгормонал ҳолатлар, пластик ва энергия алмашинувининг тезлашиши натижасида юзага келадиган метаболик стрессни таъсирини комбинацияси уйғунлашиши сифатида қаралиши мумкин. Ушбу тадқиқот жисмоний юкламага мослашиш механизмларини ва спорт фаолиятида липид метаболизмини нейроэндокрин тартибга солиш хусусиятларини ёритишга қаратилган. I-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, эркак спортчиларда спорт турига қараб қон липид спектрининг барча кўрсаткич қийматлари мос ёзувлар қийматларидан ошмайди. Бироқ, гуруҳлар учун ўртача кўрсаткичлар назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилади. Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, I ва II гуруҳ спортчиларида умумий холестерин миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлди. Шу билан бирга II гуруҳ спортчилари учун I гуруҳ спортчиларига нисбатан пастроқ. Маълумки, липопротеин липазанинг фаолияти қондан ёғларни парчалаш қобилятига тўғри пропорционалдир. Ёғларни парчаланиши бу фермент ёрдамида асосан ёғ тўқималарининг, скелет мушаклари ва юрак мушакларининг капиллярлари ичида содир бўлади. Қондаги ёғлар хужайраларга кириб, турли метаболик йўллар билан ишлатилади: адипоцитларда-ёғлар синтези ва уларнинг бирикиши учун, миокард ва скелет мускулларида эса бу тўқималарнинг ишлаши учун зарур бўлган АТФ

хосил қилиб оксидланади. Шунинг учун мушак тўқимасида ЛПЛ қанча кўп бўлса, энергия хосил бўлиш жараёни шунча кучли бўлади. Тизимли жисмоний машқлар скелет мушакларидаги фермент таркибининг ошишига олиб келади ва иккаласи ҳам ЛПВП холестеринининг ошиши билан боғлиқ. Маълумки, одам организмида липид алмашинувининг бошқарилишида липопропротеинлипаза (ЛПЛ) муҳим роль ўйнайди, унинг фаоллиги ошиши қон плазмасида ёғ кислоталари концентрациясининг ошишига олиб келади. ЛПЛ гепаран сульфатнинг протеогликан занжирлари билан бириктирилган томирларнинг эндотелийсида жойлашган. ЛПЛ триглицеридга бой липопропротеинларнинг катаболизмида фаолроқ бўлиб, триглицерид гидролизи асосан ёғ тўқимаси, скелет мушаклари ва юрак мушакларининг капиллярлари ичида содир бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, гепарин ЛПЛ билан махсус боғланиши ва унинг фаоллашувига олиб келиши мумкин. Бироқ спортчиларда ЛПЛ фаоллиги билан липид ташиш тизимининг ҳолати ўртасидаги муносабатлар механизми ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган. Бизнинг таҳлилимиз турли спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларда ЛПЛ фаолиятининг кўп томонлама хусусиятини кўрсатди. Шу билан бирга, I-гурух спортчилар ва назорат гуруҳи билан таққослаганда II-гурух спортчиларда ЛПЛ фаоллигининг сезиларли ўсиши кузатилди. Кўриниб турибдики, ЛПЛ нинг иккинчи гуруҳдаги юқори қийматлари эндоген гепариннинг юқори даражасига боғлиқ бўлиб, спортчилар қонида липид ташиш тизимининг фаолиятини фаоллаштиради. Ушбу вазиятда тестостерон миқдори муҳим аҳамият ўйнайди, унинг юқори концентрациясида ЛПЛ фаолияти камаяди. Кўпгина тадқиқотлар шунини кўрсатадики, ЛПНП/ЛПОНП қон даражасининг ошиши ва ЛПВП нинг даражасининг пасайиши систолик ва диастолик юрак дисфункциясининг ривожланиши билан бирга келади. Шунингдек, юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи "умумий холестерин/ЛПВП" ва ёки "ЛПНП/ЛПВП" нисбати ортиши билан ортади. Паст ва юқори зичликдаги липопропротеинлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги ёки нисбати - "умумий холестерин/ХДЛ", "ЛДЛ/ХДЛ" ва бошқалар – кўпинча "атероген индекс" сифатида қаралади ва юракнинг коронар касаллиги ривожланиш хавфини баҳолаш учун муҳим стандарт мезонлар деб ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимизда спортчиларнинг II-гурухида юрак хасталиги ривожланиш хавфи аниқланмаган. Шундай қилиб, мураккаб спорт турлари ҳам ва чидамлилиқни ўргатадиган спорт турлари бўйича ҳам эркак спортчилар назорат гуруҳига нисбатан юқори ЛПВП даражасига эга эканлиги аниқланган. Асосан чидамлилиқ учун машқ қиладиган спортчиларда оғир жисмоний фаоллик липидларнинг мушак фаолиятини энергия билан таъминлаш жараёнларига боғланишига сабаб бўлади, деб тахмин қилиш мумкин.

Қон липидограммаси қиз бола спортчиларда машғулот жараёнининг йўналганлигига қараб ўрганилди, (2-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, текширилган гуруҳлардаги

1 жадвал.

**Турли спорт турлари спортчиларида қон липидограммаси (ўғил болалар).**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ n=14	1 гуруҳ спортчилар n=38	2 гуруҳ спортчилар n=31
Умумий холестерин, ммоль/л	4,03 ± 0,07	4,97 ± 0,09	4,21 ± 0,06
Триглицеридлар, ммоль/л	0,81 ± 0,04	0,72 ± 0,08	0,64 ± 0,04*
Липопропротеинлипаза активлиги, ммоль/л/ч	8,76 ± 0,51	10,96 ± 0,63	12,53 ± 0,73*
ЛПВП, ммоль/л	0,86 ± 0,04	1,51 ± 0,07*	1,68 ± 0,05*
ЛПНП, ммоль/л	1,67 ± 0,11	2,48 ± 0,18*	2,64 ± 0,19*
ОБХ/ЛПВП	4,68 ± 0,06	3,30 ± 0,06*	2,51 ± 0,04*
ЛПНП/ЛПВП = ИА	1,94 ± 0,05	1,64 ± 0,08*	1,57 ± 0,06*

Изоҳ: ЛПВП — юқори зичликдаги липопропротеинлар; ЛПНП -паст зичликдаги липопропротеинлар;  
ИА- атерогенлик индекси.

умумий қон холестеринининг барча кўрсаткичлари ушбу ёш учун мос келадиган кўрсаткичлардан ошмайди. Шу билан бирга, машғулотнинг турли йўналишларига эга бўлган спортчилар гуруҳларида сезиларли фарқлар аниқланди. Шундай қилиб, III-гуруҳдаги қиз болаларда ОХС даражаси (бадий гимнастика) назорат гуруҳига нисбатан паст бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, III гуруҳ қиз болаларда ЛПВП кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори ва ЛПНП назорат гуруҳига нисбатан паст. Триглицеридларга келадиган бўлсак, уларнинг даражаси назоратга нисбатан II ва III-гуруҳларда юқори бўлди.

2 жадвал.

**Спортнинг турли хил спортчиларида қон липидограммаси (қиз болалар).**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ n=14	I гуруҳ спортчилар n=14	2 гуруҳ спортчилар n=6	3 гуруҳ спортчилар n=12
Умумий холестерин, ммоль/л	4,03 ± 0,07	4,31 ± 0,19	4,61 ± 0,09	3,43 ± 0,08
Триглицеридлар, ммоль/л	0,81 ± 0,04	0,83 ± 0,05	1,53 ± 0,09*	1,41 ± 0,08*
Липопротеидлипаза активлиги, ммоль/л/ч	8,76 ± 0,51	11,12 ± 0,63	10,28 ± 0,63	8,81 ± 0,63
ЛПВП, ммоль/л	0,86 ± 0,04	1,68 ± 0,06	1,41 ± 0,04	2,43 ± 0,03*
ЛПНП, ммоль/л	1,67 ± 0,11	0,98 ± 0,08	1,24 ± 0,20	0,72 ± 0,06*
ОБХ/ЛПВП	4,69 ± 0,09	2,57 ± 0,08*	3,27 ± 0,09*	1,41 ± 0,04*
ЛПНП/ЛПВП = ИА	1,94 ± 0,11	0,58 ± 0,06*	0,88 ± 0,07*	0,30 ± 0,02*

Изоҳ: ЛПВП — юқори зичликдаги липопротеинлар; ЛПНП -паст зичликдаги липопротеинлар;  
ИА- атерогенлик индекси.

Бизнинг таҳлилимиз турли спорт турлари бўйича қиз бола спортчиларда ЛПЛ фаолиятининг кўп томонлама хусусиятини кўрсатди. Шу билан бирга, II ва III-гуруҳ спортчилари ва назорат гуруҳи билан таққослаганда ЛПЛ нинг I-гуруҳ спортчилардаги фаоллиги сезиларли даражада ошиши кузатилади. Кўрииб турибдики, спортчиларнинг биринчи гуруҳдаги юқори ЛПЛ қийматлари эндоген гепериннинг миқдорига боғлиқ бўлиб, у спортчиларда қон липид ташиш тизимининг фаолиятини фаоллаштиради. Ушбу вазиятда тестостероннинг таркиби муҳим роль ўйнайди, унинг юқори концентрасияларда ЛПЛ фаолияти ортади, буни биз футболчиларда кузатамиз, гимнастикачиларда эса камайди. Қиз бола спортчиларда, турли спорт турларида бўлгани каби, назорат гуруҳига нисбатан ЛПВП нинг миқдори юқори эканлиги аниқланди. Асосан чидамлик учун машқ қиладиган спортчиларда оғир жисмоний фаоллик липидларнинг мушак фаолиятини энергия билан таъминлаш жараёнларига боғланишига сабаб бўлади, деб тахмин қилиш мумкин. Шу билан бирга бу гуруҳ спортчиларида атерогенлик индекси жуда паст эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, I-гуруҳ спортчилари (комплекс спорт— футбол) қонда ЛПЛ фаоллиги даражаси бошқа спортчиларнинг гуруҳларига нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланди. II-гуруҳ спортчиларида (чидамликни ривожлантирувчи-академик елканчи) назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда ТГЛ ва ЛПНП даражасининг ошиши аниқланади. III-гуруҳ спортчиларида (мураккаб координацион тури-бадий гимнастика) ОХС даражасининг пасайиши кузатилса-да, бироқ ЛПВП юқори, ИА эса назорат гуруҳи ва I ва II-гуруҳ спортчилариг нисбатан пастроқ бўлади.

**Хулоса:**

1. Турли типдаги спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар қон липидограммаси машғулот жараёнинг йўналганлигига боғлиқ эканлиги аниқланди.
2. ОХС ва ЛПВП даражасининг пасайиши, асосан, чидамликни ривожлантирадиган циклик спорт турлари бўйича эркалар ва қиз болаларда ҳам кузатилди.
3. Мураккаб координацион спорт турларида қиз болаларда ЛПЛ фаоллигининг пасайиши билан бирга ЛПВП нинг ортиши ва ИА нинг камайиши кузатилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Василенко В.С., Семенова Ю.Б. Патогенетические механизмы развития стрессорной кардиомиопатии у высококвалифицированных спортсменов // Педиатр. - 2013. - Т. 4. - № 2. - С. 57-61.
2. Гоженко А. И. Липопротеинлипаза в патологии липидного обмена / А. И. Гоженко, С. Г. Котюжинская // Актуальные проблемы транспортной медицины. - 2011. - № 2. - С. 8-13.
3. Каунина Д.В., Викулов А.Д. Физическая работоспособность и липидный обмен спортсменов-пловцов высокой квалификации // Ярославский педагогический вестник. - 2012. - Т 4. - № 3. - С. 141-144.
4. Климов А.Н., Никульчева Н.Г. Обмен липидов и липопротеидов и его нарушения / Руководство для врачей. - Спб.: Питер, 2009. - 234 с.
5. Кремер УДж., Рогол А.Д. Эндокринная система, спорт и двигательная активность: Пер. с англ. - Киев: Олимпийская литература, 2008.
6. Стаценко Е.А. Эндогенная интоксикация как проявление дезадаптации у высококвалифицированных спортсменов // Физиотерапия, бальнеология и реабилитация. - 2011. - № 6. - С. 43-46.
7. Суздальницкий Р.С., Меньшиков И.В., Модера Е.А. Специфические изменения в метаболизме спортсменов, тренирующихся в разных биоэнергетических режимах, в ответ на стандартную физическую нагрузку // Теория и практика физической культуры. - 2000. - № 3. - С. 16-20.
8. Yasuda T. Update on the role of endothelial lipase in high-density lipoprotein metabolism, reverse cholesterol transport, and atherosclerosis / T. Yasuda, T. Ishida, D. J. Rader // Circ. J. - 2010. - Vol. 74. - P. 2263-2270.

## ТИШЛОВ АНОМАЛИЯЛАРИ ВА ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

А. А. Саидов, Ш. Ш. Азимова, Х. К. Ахмедов

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** чакка пастки жағ бўғими, тишлов, оғиз бўшлиғи, гигиеник машғулотлар.

**Ключевые слова:** височно-нижнечелюстной сустав, прикус, полость рта, гигиеническое состояние.

**Key words:** temporomandibular joint, bite, oral cavity, hygienic condition.

Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларда ортодонтик даволашни бошлашдан олдин кенг қамровли клиник текширувлар ўтказилди. Асосий гуруҳдаги 45 нафар болаларда ортодонтик аппаратлар тайёрланди ва ўрнатилди, гигиеник машғулотлар ўтказилди, ортодонтик аппаратларни парвариш қилиш бўйича тавсиялар берилди. Ортодонтик даволаш ташхисга мувофиқ равишда олинган механик-фаол аппаратлар ва аралаш таъсир қилувчи аппаратлар ёрдамида амалга оширилди. Асосий гуруҳда тиш тошлари 73,3% ва назорат гуруҳида – 46,6% да аниқланди. Ортодонтик аппаратлар ёрдамида фаол даволашни бошлашдан олдин ва даволаш жараёнларида профилактик чора-тадбирлар ўтказиш зарурлигини оқлади.

### ОЦЕНКА ГИГИЕНЫ ПОЛОСТИ РТА У ДЕТЕЙ С АНОМАЛИЯМИ ПРИКУСА И ДИСФУНКЦИЕЙ ВИСОЧНО-НИЖНЕЧЕЛЮСТНОГО СУСТАВА

А. А. Саидов, Ш. Ш. Азимова, Х. К. Ахмедов

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

До начала ортодонтического лечения у детей с аномалиями прикуса и дисфункцией нижней челюсти были проведены обширные клинические исследования. 45 детям в основной группе были подготовлены и установлены ортодонтические аппараты, проведено гигиеническое обучение, даны рекомендации по уходу за ортодонтическими аппаратами. Ортодонтическое лечение проводилось с использованием механически активированных аппаратов и аппаратов смешанного действия, которые были получены в соответствии с диагнозом. В основной группе зубной камень выявлен у 73,3%, а в контрольной группе—у 46,6%. Он обосновал необходимость принятия профилактических мер до и во время активного лечения с использованием ортодонтических аппаратов.

### ASSESSMENT OF ORAL HYGIENE IN CHILDREN WITH MALOCCLUSION AND TEMPOROMANDIBULAR JOINT DYSFUNCTION

А. А. Saidov, Sh. Sh. Azimova, X. K. Axmedov

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Prior to the start of orthodontic treatment, extensive clinical studies were conducted in children with malocclusion and lower jaw dysfunction. 45 children in the main group, orthodontic devices were prepared and installed, hygiene training was conducted, and recommendations were given for the care of orthodontic devices. Orthodontic treatment was performed using mechanically activated devices and mixed-action devices that were obtained in accordance with the diagnosis. In the main group, calculus was detected in 73.3%, and in the control group—in 46.6%. He justified the need to take preventive measures before and during active treatment using orthodontic devices.

Чакка-пастки жағ бўғими касалликлари жуда хилма-хилдир. Олимлар текширишича [Дмитриева С.В., Иванов Л.П., Миликевич В.Ю., Лободина Л.А. 1994] ҳозирги кунда стоматологларга мурожаат қилаётган беморларнинг 27-67% ЧПЖБ касалликлари кузатилади. ЧПЖБ касалликларини келтириб чиқарадиган омиллар куйидагилардан иборат: моддалар алмашинувининг бузилиши, эндокрин ва психик ўзгаришлар ва асаб системаси касалликлари, тишлов ва тиш қаторлари бузилишлари.

Мушак-бўғим дисфункцияси – бунда пастки жағ синхрон ҳаракатининг бузилиши кузатилади. Чайнов мушакларида оғрик бўғимда қирсиллаш, пастки жағ ҳаракати чегараланиб, пастки жағ мажбурий окклюзия ҳолатида бўғим бошчаси кам ёки серҳаракат, бош ва юзнинг атипик оғриғи, невралгия, глоссалгия ва эшитиш бузилади. Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар - окклюзия ва тишловнинг бузилиши, тиш қаторлари аномалияси, қисман тишсизлик, патологик едирилиш - тишловнинг пасайиши, нотўғри

тайёрланган протезлар оқибатида пастки жағнинг ва чайнов мушакларининг нормал фаолияти бузилади. Бундан ташқари эндокрин ва психоэмоционал ўзгаришлар ҳам муҳим рол ўйнайди [Добыш Н.И.1994].

Аксарият ҳолатларда болалар ўртасида тиш-жағ тизими аномалияларини эрта ташҳиси ва даволаш муолажалар олиб борилмаслиги натижасида, ушбу нуқсонларнинг келиб чиқиши ва асоратларнинг олдини олиш масаллари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [Минаева Р.Н. 1994; Малыгин Ю.М., Берсенева Е.Л. 2000; Bardsley P.F.2004].

Турли хил окклюзия аномалиялари мавжуд беморларни ретроспектив таҳлил қилиш орқали, болалар орасида тиш-жағ аномалияларининг тарқалганлик даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, эрта тиш алмашилиш даврида орофациал дисфункция тарқалганлик даражаси юқори бўлади. Ёши катталашиб бориши билан болаларда орофациал дисфункцияни ўрнини тиш-жағ аномалиялари эгаллайди ва юз-жағ соҳаси функционал бузилишларига ва чакка-пастки жағ бўғими ўзгаришларига олиб келади [Маннанова Ф.Ф. 1996; Гаффаров С.А., Олимов С.Ш., Саидов А.А 2018].

**Илмий изланишлар мақсади.** Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болалар оғиз бўшлиғи ва пародонт тўқималарининг гигиеник ҳолатини текширишлар асосида баҳолаш.

**Тадқиқот объекти ва усуллари.** Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларда ортодонтик даволашни бошлашдан олдин кенг қамровли клиник текширувлар ўтказилди. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари пайдо бўлиш хавфи бўлган болаларни ўрганиш ва аниқлаш учун биз томондан 2018-2020 йиллар мобайнида Бухоро вилоят стоматология поликлиникасида амбулатор даволанишда бўлган ва Бухоро давлат тиббиёт институтига қарашли стоматология ўқув-илмий-амалий марказига мурожаат қилган тишлов турли аномалиялари бўлган 202 нафар болалардан 45 нафари асосий гуруҳимизга олинди.

Клиник текширувлар умумий қоидаларга асосан стандарт стоматологик жиҳозлар тўплами ёрдамида олиб борилди: сўров, кўрик, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, тиш ва тиш қаторлари, пародонт тўқималари, чайнов мушаклари, чакка пастки жағ бўғими текшируви. Сўровда беморларнинг ёши, ҳаёт тарзи, овқатланиш хусусияти тўғрисидаги умумий маълумотлардан ташқари, ирсий ва мавжуд умумий соматик касалликлари, тиш-жағ соҳаси жароҳатлари, зарарли одатлари, тишларнинг чиқиш муддати ва алмашилиши ҳақидаги маълумотлар инобатга олинди. Сут тишларининг муддатидан олдин йўқотилиши ва тишларнинг олинган вақти ҳамда унинг сабаблари аниқланди. Юмшоқ тўқималарни кўриқдан ўтказишда лаб қизил хошияси, тил, лаб, лунж шиллиқ қаватлари, милк сўрғичи, пародонтнинг маргинал қисми, оғиз даҳлизи чуқурлиги, тил ва лаб юганчалари бирикиши, лунж бурмалари, танглай муртаги ҳолати ва ўлчамига эътибор қаратилди. Оғиз очилиши ва ёпилишида пастки жағнинг бир меёрдаги ҳаракати, бўғим бошчасининг ҳаракати ва бўғим чуқурчасидаги жойлашуви баҳоланди. Сагитал, вертикал ва трансверзал йўналишларда тиш қаторлари жипслашув хусусияти баҳоланди. Функционал ташҳислаш жараёнида динамик синовлар ўтказилди (нафас олиш, нутқ, ютиниш). Кўрсатмага мувофиқ Эшлер-Битнер, Ильино-Маркосяннинг клиник функционал синамалари ўтказилди.

Клиник текширувдан сўнг болаларга ортодонтик аппаратлар тайёрланди ва ўрнатилди, гигиеник машғулотлар ўтказилди, ортодонтик аппаратларни парвариш қилиш бўйича тавсиялар берилди. Ортодонтик даволаш ташҳисга мувофиқ равишда олинадиган механик-фаол аппаратлар ва аралаш таъсир қилувчи аппаратлар ёрдамида амалга оширилди. Асосий гуруҳдаги болалар бу аппаратлардан кундузи, миофункционал трейнерлар (LM-активатор) дан кечаси фойдаланишди.

Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болалар оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ва пародонт тўқималарининг ҳолатини дастлабки ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал.

**Тишлов аномалиялари ва чаккка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларни ортодонтик даволашгача оғиз бўшлиғи ва парадонт тўқималарининг гигиена ҳолати.**

Текшириш гуруҳлари Кўрсаткич	РМА%	Шиллер-Писарев синамаси	Қонаш	Тиш тошлари	СРІТN
Асосий гуруҳ (n=45)	29,11±1,79	1,66±0,05	0,44±0,07	0,26±0,04	0,73±0,04
Назорат гуруҳи (n=15)	14,01±2,04	1,08±0,16	0,155±0,04	0,17±0,02	0,31±0,1

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болалар ортодонтик даволаш режалаштирилган болаларда дастлабки гигиена ҳолати "қоникарсиз" ҳолатга мос келганлигини кўрсатади ва миқдорий ва сифат жиҳатидан статистик сезиларли фарқ аниқланмади. Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларда парадонт тўқималарда РМА (папилла-маргина-альвеоляр) индексининг қиймати ва Шиллер-Писаревнинг синамаси бўйича яллиғланиш ўзгариши деярли соғлом гуруҳнинг тегишли маълумотлари билан янада аниқ ва ишончли фарқланади. Асосий гуруҳдаги болаларда қон кетиш белгилари 65% ҳолларда 29 кишида кузатилди. Асосий гуруҳда тиш тошлари 73,3% ва назорат гуруҳида – 46,6% да аниқланди. Назорат гуруҳида милк ости тиш тошлари 8 нафар болаларда аниқланди, бу 53,3% ни ташкил эди. Асосий гуруҳнинг болалари ҳам СРІТN индексига кўра, гигиеник кўникмаларни ўрганишни, мотивацияни, "профессионал" тишларни тозалашни тишларни тозалашни назорат қилишни ўз ичига оладиган профессионал оғиз гигиенасини ўтказишга муҳтож эдилар. СРІТN индексига кўра асосий гуруҳда ушбу тадбирларга бўлган эҳтиёж 82,2%, назорат гуруҳида - 60% ни ташкил этди. Ортодонтик даволаниш жараёнида баҳолаш мезонлари сифатида пародонтал тўқималарнинг ҳолатини акс эттирувчи гигиеник индекслардаги ўзгаришлар динамикаси аниқланди.

Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларни ортодонтик даволаш бошланишидан 6 ой ўтгандан кейинги клиник текшириш натижалари 2 -жадвалда келтирилган.

2 жадвал.

**Тишлов аномалиялари ва чаккка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларни ортодонтик даволашдан 6 ой кейин оғиз бўшлиғи ва парадонт тўқималарининг гигиена ҳолати.**

Текшириш гуруҳлари Кўрсаткич	РМА%	Шиллер-Писарев синамаси	Қонаш	Тиш тошлари	СРІТN
Асосий гуруҳ (n=45)	15,5±0,61	1,2±0,03	0,13± 00,5	0,04±0,01	0,19±0,04
Назорат гуруҳи (n=15)	13,3±1,03	1,0±0,08	0,13±0,05	0,05±0,02	0,19±0,05

Жадвалнинг рақамли маълумотлари барча беморларда гигиена индекслари ва пародонтал индексларнинг ошиши тенденциясини кўрсатади. Гингивитнинг белгилари РМА ва Шиллер-Писаревнинг пародонтал синамаси кўрсаткичларининг ортиши билан назорат гуруҳи ва асосий гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (P<0,01) даражада ташхисланди. Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган асосий гуруҳ ва соғлом гуруҳ болаларида Шиллер-Писарев синамасининг кўрсаткичларида сезиларли фарқ кузатилмади. Асосий гуруҳдаги болаларда милклар қонашининг аломати 24,4% ҳолларда аниқланди. Милк усти тиш тошлари асосий гуруҳда 15,5% болаларда аниқланди.

**Хулоса.** Барча гуруҳлардаги болаларда оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси амалга оширилди: “Тушунарли стоматология” дастуридан фойдаланган ҳолда мотивация пайдо қилиш, оғиз бўшлиғининг индивидуал гигиенасини ўргатиш, тиш тошларини

инструментал олиб ташлаш билан тишларни профессионал тозалаш, гигиена воситалари ва усуллари танлаш. Такдим этилган маълумотлар ортодонтик аппаратлар ёрдамида фаол даволашни бошлашдан олдин ва даволаш жараёнларида профилактик чора-тадбирлар ўтказиш зарурлигини оқлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алиев З.У. Региональные особенности распространенности зубочелюстно-лицевых аномалий у детей // Вестник проблем биологии и медицины. – 2012. – Т. 2, № 2. – С. 237–240.
2. Булычева Е.А. Дифференцированный подход к разработке патогенетической терапии больных с дисфункцией височно-нижнечелюстного сустава, осложненной гипертонией жевательных мышц: дис. ... д-ра мед. наук : 14.00.14. - СПб, 2010. - 392 с.
3. Брагин А. В. и др. Онтогенетическая оценка общих механизмов устойчивости организма к патологии зубочелюстной системы // Рос. стоматол. журн. – 2008. – №. 5. – С. 23-27.
4. Егоров П.М., Карапетян И.С. Болевая дисфункция височно-нижнечелюстного сустава. М, Издательство медицина, 1996.-122 с
5. Каменева Л.А. Оптимизация диагностики и лечения больных с синдромом болевой дисфункции височно-нижнечелюстного сустава: дис. ...канд/д-ра медицинских наук. Саратовский государственный медицинский университет, Саратов, 2014г.
6. Лепилин А.В., Коннов В.В., Багарян Е.А., Арушанян А.Р. Клинические проявления патологии височно-нижнечелюстных суставов и жевательных мышц у пациентов с нарушениями окклюзии зубов и зубных рядов // Саратовский медицинский журнал. 2010. Т.6 №2.- С. 405-409.
7. Семенов Р.Р., Карпов С.М., Хатуева А.А., Карпов А.С. Этиологические и патогенетические механизмы формирования дисфункции височно-нижнечелюстного сустава. 2014.
8. Сотникова М.В., Забелин А.С., Грибова Н.П. Значение электро-нейромиографического исследования в диагностике и выборе методов лечения пациентов с синдромом болевой дисфункции височно-нижнечелюстного сустава // Российский стоматологический журнал. - 2009. - № 2. - С. 28-31.
9. Шипика Д.В. Совершенствование диагностики и лечения заболеваний ВНЧС у пациентов с аномалиями прикуса: автореф. дис. канд. мед. наук. М., 2012. 26 с.
10. Roberts M.W. Dental health of children: where we are today and remaining challenges / M.W. Roberts // J. Clin. Pediatr. Dent. – 2008. – Vol. 32, № 3. – P. 231–234.
11. Gaffarov S.A., Saidov A.A The importance of matrix metalloproteases in the pathology of the tempo-mandibular joint in children // International journal on Integrated Education, Volume-3, Issue-V, may 2020. 65-68.
12. Olimov S.Sh., Saidov A.A, Gaffarov S.A., Akmaliev N.N Assessment of hepatobiliary system with dentoalveolar anomalies in school children // International journal of Research (IJR), Volume-06, Issue-03 march 2019. 576-583.
13. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temior-lower under jaw joint // Asian Journal of Multidimensional Research, Volume-09, Issue-01 january 2020. 59-63.

## МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ШАРОИТИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ

**Ф. И. Саломова, Д. С. Хакимова, Н. Ф. Ярмухамедова**  
Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** мактаб ўқувчилари, ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиши, дарс жадвали, мактаб мебели.

**Ключевые слова:** школьники, физическое развитие и состояние здоровья школьников, учебное расписание, школьная мебель.

**Key words:** schoolchildren, physical development and health status of schoolchildren, curriculum, school furniture.

Назорат остига олинган мактаб ўқувчиларининг асосий қисми ўртача жисмоний ривожланиш даражасига эга бўлиб, болалар организми етакчи тизимларининг функционал кўрсаткичлари учун ёшга оид динамика ва жинсга оид тафовутлар аниқланди ва улар адабиёт маълумотларига мос келади. Ўқувчиларнинг тахминан учдан бир қисми саломатликнинг иккинчи гуруҳига киритилиб, улар ўртасида ҳазм аъзолари, нафас аъзолари касалликлари кенг тарқалган. Ўқув жараёнини қониқарсиз ташкил қилиниши, яъни 1-синфларда “босқичли” ўқитиш тартибининг йўқлиги, жисмоний тарбия дарсларини нораціонал ташкил қилиниши, танаффуслар давомийлигининг қисқартирилиши, кунлик ва ҳафталик ўқув юкласининг меъёрдан кўплиги, ўқувчиларнинг кунлик ва ҳафталик ишчанлик қобилиятли динамикаси нуктаи назаридан дарс жадвалининг нораціонал тuzилганлиги аниқланди. Умумтаълим муассасаларининг маъмуриятлари бирламчи ва иккиламчи профилактика масалаларини такомиллаштириш мақсадида асосий куч ва саъйҳаракатларини ўқитиш шароитларини яхшилашга, мактаб ўқувчилари саломатлигини яхшилашга қаратишлари керак.

### СОСТОЯНИЕ ЗДОРОВЬЯ И УСЛОВИЯ ОБУЧЕНИЯ ШКОЛЬНИКОВ

**Ф. И. Саломова, Д. С. Хакимова, Н. Ф. Ярмухамедова**

Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

При анализе результатов исследования, антрометрических показателей школьников сравниваемых групп, было отмечено, что основная часть школьников имела средний уровень физического развития. Для физиометрических параметров школьников закономерными являются положительная возрастная динамика и половые различия, что соответствует литературным данным. По результатам медицинских осмотров около трети школьников были включены во вторую группу здоровья, среди которых широко распространены заболевания органов пищеварения и органов дыхания. Имеет место неудовлетворительная организация учебного процесса: отсутствие «ступенчатого» режима обучения в 1-х классах; нерациональная организация уроков физического воспитания; сокращение длительности «больших» и «маленьких» перемен; превышение дневной и недельной учебной нагрузки; нерациональное расписание уроков с позиций дневной и недельной динамики работоспособности учащихся. Администрации общеобразовательных учреждений в целях совершенствования вопросов первичной и вторичной профилактики целесообразно сосредоточить основные усилия на улучшении условий обучения и коррекции здоровья школьников.

### CONDITIONS OF EDUCATION AT SCHOOLS AND HEALTH OF PUPILS

**F. I. Salomova, D. S. Hakimova, N. F. Yarmuxamedova**

Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

During analyzing the results of the study of the anthropometric indicators of schoolchildren of the compared groups, it was noted that the majority of the schoolchildren had an average level of physical development. For physiometric parameters of schoolchildren, positive age dynamics and gender differences are natural, which corresponds to literature data. According to the results of medical research, about a third of schoolchildren were included in the second group of health, among which diseases of the digestive and respiratory organs are widespread. There is an unsatisfactory organization of the educational process: the absence of a “step-by-step” mode of instruction in the 1st grade; irrational organization of physical education lessons; shorter duration of “big” and “small” breaks; excess daily and weekly workload; irrational lesson schedule from the standpoint of daily and weekly dynamics of schoolchildrens' performance. In order to improve the issues of primary and secondary prevention, it is advisable to the administration of educational institutions to focus on improving the learning environment and health correction of schoolchildrens.

Бутун дунёда ёш авлоднинг саломатлик ҳолати олимларни жиддий ташвишга солмоқда. Сўнгги ўн йилликда ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари болалар ва ўсмирлар саломатлигида салбий силжишга оид тенденциялар мавжудлигини кўрсатмоқда [4, 7, 18]. Мактаб ўқувчилари - болалар популяциясининг энг кўп ёш гуруҳидир. Етакчи хо-

рижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, умумтаълим мактабларининг биринчи синфларига келган болаларнинг 25-30 фоизи саломатлик ҳолатида муайян оғишларга эга, мактаб битирувчилари орасида эса 80 %дан ортиғини мутлақо соғлом деб бўлмайди. Мактаб даврида сурункали касалликларга чалинган болалар сони 20% га ошади [4, 11, 14, 15].

Адабиёт маълумотларига кўра, болаларда ҳаракат фаоллигининг пастлиги, нотўғри жисмоний тарбия, мос бўлмаган кийимбош, овқатланишнинг бузилиши, уйда дарс тайёрлаш жойининг ноқулайлиги, иш жойининг етарлича ёритилмаганлиги, мактаб мебелининг боланинг бўйига номувофиклиги, ўқув материалларининг кўплиги, кун тартибига риоя қилмаслик ва ҳаказолар болалар ва ўсмирлар саломатлигида салбий силжишлар ривожланишига олиб келади [3, 13, 17].

**Тадқиқот мақсади** муҳим ижтимоий аҳамиятга молик муаммо, яъни болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг касалланишини олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар комплексини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот ишининг биринчи босқичида болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, улар организмнинг етакчи тизим параметрларини ўрганилди ва саломатлик ҳолатига гигиеник баҳо берилди. Кейинги босқичда назорат остига олинган умумтаълим мактаблари таълим-тарбия шароитларини ўрганиш, дарс жадвали ва мактаб жиҳозларининг ўқувчилар бўйига мослигини баҳолаш ишлари ўтказилди. Тошкент шаҳри 29 ва 249 сонли ўрта умумтаълим мактаблари 1-9 синфларининг 2017 нафар ўқувчилари текшириш объектлари бўлдилар. Текшириш дастури гигиеник, соматометрик, соматоскопик, физиометрик, тиббий-ижтимоий, статистик текшириш усулларида фойдаланилди.

Оёқ панжаси шакли ва узунлигини ўлчаш плантография усулида А.В. Сидоров методикаси бўйича ўтказилди. Плантограммаларни баҳолаш В.А. Яролава-Яраланц усули бўйича ўтказилди [4, 6]. Соматометрия ва соматоскопия умумқабул қилинган усуллар асосида ўтказилди. Ўлчов ишлари антропометр (бўй ўлчагич), сантиметрли тасма, тиббиёт тарозиси, кўл ва бел динамометрларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилди.

Таълим-тарбия шароитлари ва ўқув жараёнини ташкил қилишни гигиеник баҳолаш умумқабул қилинган усуллар ёрдамида ўтказилди. Амалдаги меъёрий ҳужжатларидан фойдаланиб натижалари баҳоланди (ҚМҚ 2.07.01-94 “Шаҳар қурилиши. Шаҳар ва қишлоқ турар жойларини режалаштириш ва қуриш”, ҚМҚ 2.08.02-96 “Жамоат бинолари ва иншоотлари”). Мактаблар асосий ўқув хоналарининг майдонлари ва уларнинг санитар-эпидемиологик ҳолатларига, микроклим параметрлари ва асосий хоналарнинг ёритилишига гигиеник баҳо берилди. Текшириш ва шахсий кузатув натижалари материаллари СанҚваМ 01.02–2000 “Мактаб ўқувчиларини умумтаълим мактабларида ўқитиш шароитларига қўйиладиган гигиеник талаблар” ва ҚМҚ 2.01.05 -98 “Таббий ва сунъий ёритилганлик” гигиеник талабаларига биноан баҳо берилди.

Ўқув жараёнини ташкиллаштиришни баҳолаш дарс жадвалларини тузишнинг рационаллиги ва унинг гигиеник талабларга мувофиқлигининг таҳлили, танаффуслар жадвали ва синфлардаги болалар сонини баҳолашни ўз ичига олган эди. Болаларнинг ёши бўйича тегишли синфларда дарслар сони, ўқув фанлари ҳафталик ва кунлик юкламаларининг оғирлиги, танаффуслар вақти ва танаффуслар давомийлигининг дарслар умумий давомийлигига нисбати баҳоланди (И.Г. Сивков бўйича балларда, 1975) [1, 3].

Мактаб жиҳозлари (мебеллари) СанҚваМ 01.59-04 талабаларига мувоқлиги жиҳатдан “Ўқув мебелларига қўйиладиган санитар талаблар” бўйича ўрганилди: мебелларнинг асосий ўқув хоналарига ва ўқувчиларнинг бўйига мослиги баҳоланди, ўлчами мувофиқ келмаган мебел билан жиҳозланган ўқув хоналарининг фоизи ҳисоблаб чиқилди.

Бирламчи материаллар «STATISTIKA» пакетидан фойдаланиб қайта ишланди. Умумқабул қилинган вариацион статистика методлари қўлланилиб, Стъюдент мезони бўйича тафовутларнинг ишончилигига баҳо берилди.

1 жадвал.

Таққосланаётган мактаб ўқувчиларининг антропометрик кўрсаткичлари (7-16 ёш),  $M \pm m$

Ёши	Кўрсаткич	Ўғил болалар		Қиз болалар	
		249-мактаб	29-мактаб	249-мактаб	29-мактаб
7	Бўйи, см	123,8±0,6	127,2±0,3*	119,9±0,5	120,8±0,4
	Вазни, кг	23,0±0,2	26,7±0,2*	21,2±0,3	20,3±0,08*
	КҚА, см	58,5±0,3	58,6±0,8	57,9±0,3	56,0±0,3***
8	Бўйи, см	125,5±0,7	124,1±1,3	124,9±0,5	123,4±1,9
	Вазни, кг	24,5±0,4	22,1±0,7*	23,1±0,3	22,9±0,9
	КҚА, см	60,7±0,4	62,2±0,4**	59,5±0,3	58,8±0,7
9	Бўйи, см	132,9±0,6	129,2±1,0*	131,9±0,5	133,4±0,7
	Вазни, кг	27,9±0,5	27,4±0,5	26,9±0,4	24,3±0,3*
	КҚА, см	63,1±0,4	63,4±0,6	63,1±0,4	63,2±0,6
10	Бўйи, см	137,7±0,6	139,2±0,9	138,0±0,6	140,8±2,2
	Вазни, кг	30,4±0,4	28,7±0,7*	30,0±0,5	32,1±2,2
	КҚА, см	65,4±0,4	65,1±1,3	65,0±0,6	65,0±1,8
11	Бўйи, см	143,6±0,7	141,2±2,3	142,1±0,6	141,9±1,4
	Вазни, кг	33,6±0,5	32,4±1,4	34,6±0,9	31,0±1,8
	КҚА, см	67,5±0,4	67,2±0,5	66,8±0,5	66,8±2,4
12	Бўйи, см	147,5±0,9	146,±1,2	150,1±0,6	147,8±1,3
	Вазни, кг	37,4±1,0	35,1±0,9	37,1±0,5	34,8±1,3
	КҚА, см	70,4±0,8	67,8±0,7*	70,2±0,4	68,9±1,6
13	Бўйи, см	152,7±0,9	160,3±1,7*	155,8±0,6	161,0±2,0*
	Вазни, кг	39,7±0,8	45,9±1,8*	44,1±0,8	45,4±1,5
	КҚА, см	73,9±1,1	71,5±0,5*	76,3±0,7	76,1±1,3
14	Бўйи, см	159,5±0,7	159,2±2,2	157,9±0,7	161,4±1,5*
	Вазни, кг	45,5±0,9	46,1±1,4	45,5±0,7	47,4±1,7
	КҚА, см	75,9±0,9	74,6±0,7	77,9±0,6	79,0±1,4
15	Бўйи, см	167,0±1,2	170,2±1,0*	161,2±0,5	168,0±2,2*
	Вазни, кг	49,0±1,1	52,8±0,7*	50,1±0,7	56,1±2,8*
	КҚА, см	77,2±0,9	75,2±0,7	81,1±0,5	79,1±1,2
16	Бўйи, см	167,0±1,3	167,3±1,1	160,1±0,6	158,3±2,5
	Вазни, кг	57,2±1,7	53,1±1,5	51,7±0,5	51,7±1,2
	КҚА, см	79,5±1,1	79,1±0,5	83,7±1,5	82,6±0,5

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$ , \*\* -  $p < 0,01$ , \*\*\* -  $p < 0,001$

**Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Антропометрик кўрсаткичларни текшириш натижалари таҳлил қилинганда бу кўрсаткичлар учун ҳамма гуруҳларда ёшга оид динамика ва жинсга оид тафовутлар характерли эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Жисмоний ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича энг юқори йиллик ўсиш балоғат олди ва балоғат даврига тўғри келиб, қизларда 1-2 йил олдин содир бўлади. Ўғил болаларда йиллик ўсишнинг бўй ўсиши ва КҚА бўйича ўсиши 14-15 ёшда, тана вазни учун 1 йилдан сўнг 15-16 ёш орасида қайд этилди.

29-сонли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишига комплекс баҳо берилганда 69,4% болалар ўртача жисмоний ривожланиш даражасига эга эканликлари аниқланди. 15% ҳолларда- ўртадан юқори ва юқори жисмоний ривожланишга эга эканликлари, 15,6% ҳолларда эса ўртадан паст ва паст жисмоний ривожланишга эга эканликлари аниқланди. 249-мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткичлар тегишлича 71,6, 12,9 ва 15,5% ларни ташкил қилди.

29-сонли мактаб ўқувчиларининг сурункали касалликлар структурасида биринчи ўринларни: ҳазм аъзолари касалликлари - 28,6% (290,2%), нафас аъзолари касалликлари - 25,4% (257,6 %), яссиоёқлик - 24,4% (247,1%), кўриш органлари касалликлари - 10,2% (104,1%), юқумли ва паразитар касалликлар - 3,6% (36,8%) ва эндокрин тизими касалликла-

ри - 2,3% (23,1 %) эгаллаган. 249-сонли мактаб ўқувчилари ўртасида дастлабки учта ўрин ҳам, муҳимлиги нуқтаи назаридан, ҳазм аъзолари, нафас аъзолари касалликларига ва яссио-ёқликга таълуқли, бироқ 4 –ўринда - эндокрин тизими касалликлари - 6,5% (67,4%), 5 – ўринда кўриш органлари касалликлари - 5,4% (52,4%) эгаллади.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг натижалари бўйича олинган маълумотлар иккала мактаб ўқувчиларининг саломатлик гуруҳлари структурасида сезиларли фарқлар борлигини кўрсатди. Чунончи, 29-сонли мактабда 13,7% болалар ва 249-сонли мактабда 29,5% болалар амалий соғлом бўлганлар (I саломатлик гуруҳи), 30,9% ва 35,9%ида – функционал силжишлар ва мослашув имкониятлари пасайган болалар (II саломатлик гуруҳи), 51,6% ва 30,8%ида компенсация босқичидаги сурункали касалликлари бўлган болалар (III саломатлик гуруҳи) ташкил қилди. Қолган болаларнинг субкомпенсация босқичидаги сурункали касалликлари бўлганлиги сабабли уларни IV саломатлик гуруҳига киритилди. Натижалар болалар орасида соғломлаштириш ва профилактик тадбирлар тизимини режалаштиришга комплекс ёндашув зарурлиги муҳимлигини кўрсатди.

Мактаб ўқувчиларининг таққосланаётган гуруҳларида болалар организми етакчи тизимлари физиологик кўрсаткичларини ўрганиш натижаларини таҳлил қилишда куйидагилар қайд этилди: ушбу параметрлар учун барча гуруҳларда ижобий ёш динамикаси ва жинсий фарқлар мавжуд ва бу табиийдир. Иккала мактаб учун умумий бўлган ҳолат, бу ўрганилаётган болалар гуруҳлари қўл мушакларининг кучи ва чидамлилиқ кўрсаткичлари деярли бир хил, турли ёш ва жинсий гуруҳлардаги индивидуал кўрсаткичлардан ташқари.

Мактаб ичи таълим шароитини текшириш натижалари мавжуд санитария талаблари ва меъёрларида қатор силжишлар борлигини кўрсатди: мактабларнинг амалдаги сиғимининг лойиҳавий сиғимдан ошиб кетганлиги (249-мактабда 222,4%га ва 29-сонли мактабда 138% етганлиги); мактаб ер участкаларининг етарлича кўкаламзорлаштирилмаганлиги (хусусан 29-сонли мактабда кўкаламзорлаштириш зонаси ер участкасининг фақат 20% ини эгаллайди). Таълим муассасаларини мактаб мебели билан жиҳозлашда ва улардан фойдаланишда камчиликлар мавжудлиги, чунончи 249-мактабда кичик синфларда ўқув мебелининг 23,1% ҳолларда, ўрта ва катта синфларда - 40,9% ҳолларда (29-мактабда, тегишлича 28,7 ва 46,8% ҳолларда) ўқувчиларнинг антропометрик кўрсаткичлари номувофиқлиги, мактаб столларининг тамғаланмаганлиги ва партага ўтқазиб қоидаларининг бузилганлиги аниқланди.

Таълим муассасалари асосий хоналарининг ёритилиши ўрганилганда табиий ёритилганликнинг номувофиқ параметрлари аниқланди, ва бу айниқса 29-сонли мактаб учун жуда хослиги қайд этилди. Текшириб чиқилган мактабларнинг 50% ўқув хоналарида ёритилганлик коэффиценти (ЁК) 1:4 нисбати ўрнига 1:5 ни ташкил қилади. Табиий ёритилганлик коэффиценти (ТЁК) ҳам гигиеник талабларга жавоб бермайди. Чунончи, 249-сонли мактабда ТЁК фақат 3 тагина синфларда 1% (1,2-1,5%) дан ошган бўлса, 29-мактабда эса фақат битта синфда (1,3%) 1% дан ошганлиги аниқланди. Иккала мактабларнинг қолган ўқув хоналарида ТЁК талаб этиладиган даражадан (1,5%) 5-15 марта паст бўлганлиги аниқланган. Иккала мактабларда ёритилганликнинг энг ёмон кўрсаткичлари парталарнинг 3 -қаторлари учун характерли бўлиб, бу ўринда ТЁК қиймати ҳатто 249-сонли мактабда 0,4% дан ошмайди. Текширишлар даврида 25%гача лампалар ишламаган, синф доскаси ёритгич чироклар билан таъминланмаган. Шунинг ҳисобига ёритилганлик талаб этиладиган даражасида эмас. Сунъий ёритилганлик даражаси 249-сонли мактабда айниқса паст. Бу мактабда ўқув хоналарининг 75 фоизида сунъий ёритилганлик даражаси 200 ЛКдан паст эди, гигиеник меъёр эса 300 ЛКни ташкил этади.

Мактаб дарс жадвалининг ўқувчилар саломатлиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда [2, 5], биз дарс жадвалини (18 вариант) ва унинг гигиеник талабларига мувофиқлигини таҳлил қилдик, дарслар ва танаффусларнинг рационаллиги ва давомийлиги, ҳамда танаффуслар вақтининг дарсларнинг умумий давомийлигига нисбатини

баҳоладик. Шунингдек синфлар бўйича дарсларнинг сони ва қийинлик даражаси, ҳафта ва ўқув куни давомида фанларнинг умумий оғирлиги баҳоланди.

Тадқиқот остига олинган мактабларда дарслар икки сменада ташкил этилганлиги аниқланди. 1-сменада дарслар соат 08:00 да, 2-сменада эса соат 13:30 да бошланади. Машғулотлар стандарт схема бўйича олиб борилади ва ҳар бири 45 минут давом этади.

Болаларни мактабда ўқиш жараёнига мослаштириш жараёнини осонлаштириш учун гигиенистлар 1-синфда дарсларни "босқичма-босқич" ўқитиш усулини қўллаб, аста-секинлик билан юкламаларни ошириб боришни тавсия қиладилар: сентябрда - 35 дақиқалик 3 та дарс, иккинчи чорақдан бошлаб - ҳар бири 35 дақиқадан 4 та дарс [3, 8, 12]. Аммо биз ўрганилган мактабларда бундай тартиб амалда эмаслигини аниқладик.

Таққосланилаётган ҳар иккала мактабнинг ҳафталик ўқув юкламаси амалдаги санитар қоида ва меъёрлар (Сан Қ ва М 01.02 – 2000) билан солиштирилганда деярли барча синфларда гигиеник меъёрдан 1-2 соатга кўплиги аниқланди. Шунинг учун деярли барча ёш гуруҳларида ҳафталик ва кунлик ўқув юкламанинг оғирлиги тавсия этилган меъёрдан юқори. Дарс жадвалларида ҳафтада атиги 2 соатдан жисмоний тарбия дарслари бор бўлиб, натижада барча мактабларнинг қуйи синфларида "руҳсат этилган" жисмоний тарбия машғулотларининг умумтаълим фанлари соатларига нисбати 1:11, ўрта ва юқори синфларда - 1:16 - 1:18 (нормада 1: 5 - 1:7). Шу билан бирга, жисмоний тарбия дарслари "дарсларини алмаштириш" сифатида фойдаланилмаслигини қайд этилди: дарсларнинг жадвалдаги ўрни кун ва ҳафта давомида ақлий ишчанлик қобиляти динамикасига тўлиқ мос келмайди. Дарсларнинг тузилиши ва ташкил этувчи қисмларининг давомийлиги гигиеник талабларига жавоб бермайди: 249-мактабда жисмоний тарбия дарсларининг умумий зичлиги 70% (нормада 80-90%), мотор зичлиги - 55% (нормада 60-80%); 29-мактабда мос равишда 75 ва 55%.

Кўпгина илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мактаб ёшидаги болаларда оптимал ақлий ишчанлик қобилятининг юқори даражаси биоритм бўйича соат 10-12 оралиғига тўғри келади. Ушбу соатларда, материални ўзлаштиришнинг энг катта самарадорлиги организмнинг энг кам психофизиологик қийматларида қайд этилади. Шу сабабли, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун дарс жадвалида энг мураккаб мавзулар 2-3 дарс соатларида, ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун - 2, 3, 4 дарс соатларида бўлиши мақсадга мувофиқ [3, 5]. Ўқувчилар дарс жадвалини гигиеник баҳолашда 249-мактабда 44,7% ҳолатда (2а, 4а, 6а ва 9а синфлар), 29-мактабда 64,9% (2б, 4б, 6б, 7б, 8б ва 9б) ҳолатда кунлик ўқув юклама ноқулай динамикаси аниқланди. Кўп синфларда жуфтлаштирилган дарслар ҳам бор бўлиб, энг қийин дарслар - математика, физика, кимё, чет тили – кўпинча биринчи ва охириги дарс соатларига қўйилган, яъни, ишга киришиш вақтида ёки ишлаш қобилятининг пасайиши даврига тўғри келган, ҳамда улар ҳам кетма-кет қўйилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, барча кунларда табиий-математик ва гуманитар фанлар бир-бири билан алмаштирилмаган. Ҳозирги шароитда кўплаб синфларда дарс жадвалини тузишда ўқитувчиларнинг имконияти ва хоҳишини инобатга олиб қўйиш ҳисобланади.

Олимлар томонидан ҳафта давомида ўқувчиларнинг ақлий иш қобиляти бир хил бўлмаслиги аниқланган. Ақлий иш қобиляти ҳафтанинг ўртасида кўтарилади ва ҳафтанинг бошида ва охирида пастлигича қолади. Агар дарс жадвал тўғри тузилган бўлса, "оғирлик" даражаси бўйича дарсларнинг "асосий"лари сешанба ва чоршанба кунларига тўғри келиши керак. Ҳафталик иш ҳажмининг бундай тақсимланиши катта мактаб ёшидаги болалар учун режалаштирилган бўлиши керак. Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун ҳафталик ўқув юкларини тақсимлаш, унинг энг юқори интенсивлиги сешанба ва пайшанба кунларига тўғри келиши, ҳамда чоршанба куни бироз энгил бўлиши керак [4, 10]. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, биз ҳафтанинг кунларида ўқув фанларини тақсимланишини ҳам таҳлил қилдик. Тадқиқот ўтказилган мактабларда 37% ҳолларда энг юқори ишчанлик қобиляти кузатиладиган куни -сешанба кунида - энг кам ўқув юклама қўйилганлиги аниқланди. Кўпгина дарсларда максимал ўқув юкламаси энг кам ақлий ишчанлик қобилятига мос келадиган кунларга (душанба ва шанба) тўғри келди. Ҳафталик дарс жадваллари таҳлил қилинганда

249-мактабда 9 та синфдан 4 тасида (4, 7, 8, 9-синфлар), 29-мактабда эса тўққиз синфдан олтитаси (66,7%, яъни ярмидан кўпи)да гигиеник талабларга жавоб бермаслиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, бу 2-сменали режимда ортиқча юк билан ишлайдиган мактабларда ҳафталик жадвалларни тузишнинг катта мураккаблиги билан боғлиқдир.

Дарс жадваллари баҳоланганда танаффуслар давомийлиги ва уларнинг дарсларнинг умумий давомийлигига нисбатига ҳам катта эътибор қаратдик. Танаффус давомийлиги камида 10 дақиқа бўлса, илгари кўзғалиш ҳолатида бўлган кортикал ҳужайралар функцияси қайта тикланади, бу эса уларнинг самарали ишлашини таъминлайди. Кичкина танаффуслар вақтида бола тоза ҳавода бўлиши ва дам олиши керак ва катта танаффус вақтида овқатланиши керак. Гигиеник талабларга мувофиқ одатдаги мактабларда танаффусларнинг давомийлиги қуйидагича белгиланади: 10-30-10-10 дақиқа ёки 10-20-20-10 дақиқа, бу 45 дақиқали дарс давомийлиги билан танаффуслар вақтининг дарс вақтига нисбати 0,28 га тенг [1, 9]. Ўрганилган мактабларнинг барча синфларида 5 дақиқали танаффусларнинг мавжудлиги сабабли бу кўрсаткич 0,13 дан 0,14 гача, "катта" танаффуслар эса 15 дақиқাগача камайган (2-жадвал). Танаффуслар вақтининг камлиги натижасида мактаб ўқувчиларининг организми етарли дам олалмайди, бу эса иш кунининг охирига келиб чарчоқ тўпланишига олиб келади.

Шундай қилиб, мактаб ичидаги муҳитни текшириш натижалари мавжуд санитария талаблари ва меъёрларидан бир қатор четланишларни аниқлашга имкон берди, яъни ўқув жараёнинини қониқарсиз ташкил қилиниши (1-синфларда ўқитишнинг “босқичли” тартиби йўқлиги, жисмоний тарбия дарсларини нораціонал ташкил қилиниши, “катта” ва “кичик” танаффуслар давомийлигини қисқартирилиши, кунлик ва ҳафталик ўқув юкламасининг меъёрдан ошиб кетганлиги, ўқувчиларининг кунлик ва ҳафталик иш қобилияти динамикаси нуқтаи назаридан, дарслар жадвалини нораціонал тузилиши) аниқланди. Булар мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолати ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.

#### **Хулоса.**

1. Мактаб ўқувчиларининг асосий қисми ўртача жисмоний ривожланиш даражасига эга эканликлари аниқланди (29-мактаб 69,4%; 249-мактаб 71,6,%). Болалар организми етакчи тизимларининг функционал кўрсаткичлари учун ёшга оид динамика ва жинсга оид тафовутлар аниқланди ва улар адабиёт маълумотларига мос келади.

2. Иккала мактаб ўқувчилари ўртасида касалланиш бўйича дастлабки учта ўринни, муҳимлиги нуқтаи назаридан, ҳазм аъзолари, нафас аъзолари касалликларига ва ясси оёқлик эгаллаган. Назорат остига олинган мактаб ўқувчиларининг тахминан учдан бир қисми саломатликнинг иккинчи гуруҳига киритилиши улар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини ўтказилиши муҳимлигидан далолат беради.

3. Мактаб ичи муҳитини текшириш натижалари мавжуд санитария талаблари ва меъёрларидан четланишлар борлигидан далолат беради. Мактабларнинг фактик тўлиқлиги лойиҳавий сиғимдан 222,4% га ошганлиги, мактаб ер участкаларининг етарли даражада кўкаламзорлаштирилмаганлиги, ўқув хоналарининг меъёрдан кам ва сифатсиз ёритилиши билан характерланади. 23,1-46,8 % ҳолларда ўқув мебелининг ўқувчиларнинг антропометрик кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги, мактаб столларининг тамғаланмаганлиги ва болаларни партага ўтқазиб қоидаларининг бузилиши аниқланди.

4. Ўқув жараёнини қониқарсиз ташкил қилиш ҳоллари ҳам мавжудлиги аниқланди: 1-синфларда “босқичли” ўқитиш тартибининг йўқлиги, жисмоний тарбия дарсларини нораціонал ташкил қилиниши, “катта” ва “кичик” танаффуслар давомийлигининг қисқартирилиши, кунлик ва ҳафталик ўқув юкламасининг меъёрдан кўплиги, ўқувчиларнинг кундалик ва ҳафталик иш қобилиятли динамикаси нуқтаи назаридан дарслар жадвалининг нораціонал тузилганлиги аниқланди.

5. Умумтаълим муассасаларининг маъмуриятилари бирламчи ва иккиламчи профилактика масалаларини такомиллаштириш мақсадида асосий куч ва саъй-ҳаракатларини ўқитиш

шароитларини яхшилашга, мактаб ўқувчилари саломатлигини яхшилашга қаратишлари керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аветисян Л.Р., Кочарова С.Г. Изучение влияния повышенной учебной нагрузки на состояние здоровья учащихся // Гигиена и санитария. – М., 2001. №6. 48-49б
2. Гайдук А. А., Потапчук А. А. Физическая реабилитация детей школьного возраста со статическими нарушениями опорно-двигательного аппарата // Учёные записки СПГМУ им. Академика И.П. Павлова. – 2012. – Т. 19, № 1. – С. 116-118.
3. Кучма И.В., Ефимова Н.В., Ткачук Е.А., Мыльникова И.В. Гигиеническая оценка напряженности учебной деятельности обучающихся 5-10 классов общеобразовательных школ // Гигиена и санитария Науки о здоровье - «Пресса России» 2016г 95(6) 552-558б
4. Саломова Ф.И., Шайхова Г.И. Ўқув жараёнини ташкиллаштиришни гигиеник текшириш натижалари // Патология.- Тошкент, 2007. - №1.- 86-87 б.
5. Саломова Ф.И. Гигиенические особенности организации учебного процесса // Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана.- Тошкент, 2008.- №2.- 84-88 б.
6. Саломова Ф.И. Особенности физического развития школьников с нарушениями осанки // Вестник Санкт-Петербургской ГМА им. Мечникова.- Санкт-Петербург, 2008.- №4.- 48-50 б.
7. Саломова Ф.И. Условия обучения и воспитания в образовательных учреждениях // Мониторинг гигиенического состояния окружающей среды: Материалы науч-прак. конф.- Тошкент, 2006.- 72 б.
8. Сетко А.Г., Терехова Е.А., Тюрин А.В. Социально психологическая адаптация детей и подростков как критерий риска воздействия факторов внутришкольной среды // Здоровье населения и среда обитания Науки о здоровье – Москва 2018г. №9(306) 39-41б
9. Сетко И.М., Сетко Н.П. Современные проблемы состояния здоровья школьников в условиях комплексного влияния факторов среды обитания // Оренбургский медицинский вестник: Науки о здоровье- Оренбург №2(22) 2018г 4-11б
Билак суяги бошчасининг чиқишлари билан даволанган 83 нафар беморлар натижаларининг таҳлили келтирилган. Узуксимон бойламини тиклашда бугим капсуласи ҳамда узилган узуксимон бойлам элементларидан фойдаланилган бўлиб, ушбу усул тирсак бугими учун анатомо-физиологик ҳисобланади. Натижаларни баҳолашда 5 баллик тизимда тирсак бугими функцияси ва қўл ўқининг туғрилиги инобатга олинди [П.У.Уринбаев, 1995]. Яхши ва аъло натижалар 6,12 ойдан сўнг (4-5 балл) 56 беморларда (57,4%), кониқарли натижалар (3 балл) 26 беморларда (31,3%) олинган.

## PATHOGENETIC APPROACH TO OPERATIVE INTERVENTIONS IN CHILDREN WITH DISLOCATIONS OF THE RADIUS BONE HEAD.

Sh. N. Eranov, P. U. Urinbayev, N. F. Eranov

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

The treatment outcome of 83 patients with dislocations of the radial head was analyzed. To recreate the annular ligament, the joint capsule itself and segments of the annular ligament, which is more anatomical and physiological with respect to the elbow joint, were used. The results were evaluated using a 5-point system, which includes joint functions and the axis of the upper limb [P.U. Urinbayev, 1995]. Good and excellent results when evaluated after 6, 12 months (4-5 points) were obtained in 56 patients, which amounted to 57.4%, satisfactory results (3 points) were observed in 26 (31.3%).

**Актуальность.** Повреждения локтевого сустава у детей, по данным различных авторов, составляют от 40 до 50% всех травм опорно-двигательного аппарата. А посттравматические осложнения как следствие повреждений локтевого сустава занимают первое место и в 29,9% случаев приводят к стойкой инвалидизации пациентов [1,3]. По частоте ошибок и осложнений, по трудности лечения повреждения данной области занимают первое место относительно других сочленений, что диктует о необходимости в более тщательном и детальном изучении данных вопросов [2,4,5]. Неудовлетворительные результаты лечения повреждений локтевого сустава до настоящего времени остаются высокими, достигают 21% и не имеют тенденции к уменьшению [2,6]. Нередко лечение повреждений локтевого сустава, как сопутствующих повреждений, производится в отдаленные сроки, когда получить хорошие результаты уже не представляется возможным [8,9,10]. Научная литература, освещающая тактику лечения застарелых повреждений плече-лучевого сустава, доступная нам остается малочисленной. Все это свидетельствует о необходимости дальнейшего изыскания более оптимальных вариантов оперативного восстановления кольцевидной связки при ее повреждениях.

**Цель:** описать клинические, рентгенологические, УЗИ особенности застарелых вывихов головки лучевой кости и показания к операции от вида вывиха лучевой кости.

**Материалы и методы.** Наше сообщение основано на изучении результатов лечения у 83 детей, которые находились в стационаре с 2015 по 2020 гг. Из них изолированные вывихи у 62 больных (74,6%), с повреждениями Монтеджа у 21 больных (25,4%). Мальчиков было – 54 (65,1%), девочек – 29 (34,9%). Повреждения локализовались справа у 41, слева у 39 и двусторонние у 3 больных. По возрасту: до 5 лет – 22 больных, 6-12 лет – 46 больные, 13-18 лет – 15 больных. По давности травмы: из 62 больных с изолированными вывихами только у одного больного была несвежего характера, а у всех остальных - застарелого характера. Клинически: у всех больных были деформации локтевого сустава, в виде выступания головки луча из под кожи (рис.1), 67 больных сгибательно-разгибательные контрактуры локтевого сустава и у 72 больных пронационно-супинационные контрактуры предплечья. Рентгенологически: подвывих головки лучевой кости у 16 больных и у 67 полный вывих головки луча. Вывих головки луча кпереди был – у 19 больных, передне-медиальные – у 48 больных. Ось лучевой кости была нарушена у 38 больных и ось локтевой кости нарушена у 12 больных.

*Оперативные вмешательства и показания к ним.*

1-группа больных.

1.а. Застарелые вывихи головки лучевой кости. Обычно наблюдаются передне-медиальные вывихи головки луча. Им показана: операция открытое вправление головки луча, пластика кольцевидной связки по методике П.У. Уринбаева, Ш.Н. Эранова (Рац.предл. №1899 – 13.12.2019г).

1.б. Не очень запущенных случаях, возможно образование лоскута и фиксация его в латеральной области локтевой кости к остаткам фиброзноизмененной латерально-задней части кольцевидной связки.

1.в. В очень запущенных случаях: удержание и фиксация головки луча костным швом через проделанный канал локтевой кости лавсаном, шелком.

2-группа больных: застарелые повреждения Монтеджа.

2.а. В случаях, когда перелом локтевой кости срастался без деформаций, но вывих головки луча остается, при этом выполняли операцию открытое вправление головки луча, пластика кольцевидной связки по нашей методике.

2.б. При сращении перелома локтевой кости с угловой девиацией показана остеотомия локтевой кости, открытое вправление головки луча, пластика кольцевидной связки по нашей методике. Применение аппарата по показаниям.

3-группа больных: врожденные дефекты, дисплазии локтевой кости и вывих головки лучевой кости.

3.а. Остеотомия и удлинение локтевой кости на аппарате Илизарова, открытое вправление головки луча.

3.б. Низведение головки луча на аппарате, открытое вправление головки луча и замещение дефекта локтевой кости аутооттрансплантатом.

4-группе больным – удаление хондромы, артролиз сустава, моделирование головки лучевой кости, вправление и воссоздание кольцевидной связки.

**Результаты:** Анализ результатов лечения проводили с помощью клинического и рентгенологического методов. Результаты оценивали по 5 бальной системе включающей в себя функции сустава и ось верхней конечности (П.У. Уринбаев, 1995). Хорошие и отличные результаты при оценке через 6, 12 месяцев (4-5 баллов) получены у 56 больных, что составило 57,4% , удовлетворительные результаты (3 балла) наблюдалось у 26 (31,3%). Рецидив в виде подвывиха наблюдался у 7 больных, им была проведена повторная операция.

**Обсуждение:** При выполнении открытого вправления головки лучевой кости у детей, с застарелой травмой мы считаем целесообразным, обратить внимание на следующие моменты:

-воссоздание кольцевидной связки лучевой кости из передней капсулы локтевого сустава;

-иссечение рубцовой ткани из лучевой вырезки локтевой кости.

Так, при изменении плече-лучевого сустава во время оперативного вмешательства показало нахождение прослойки капсулы сустава между головкой лучевой кости и суставным концом плеча. Подобные изменения наблюдались у 80% и более больных. Такие изменения освещаются по-новому: патологии застарелых вывихов головки луча и обосновывают предложенную тактику оперативного лечения больных.

*Клиническое наблюдение.* Больная З., 2011 г.р. поступила в стационар с диагнозом: застарелый вывих головки правой лучевой кости, давность больше года (рис 1).

*Операция* выполнялась под общим наркозом открытое вправление головки правой лучевой кости с восстановлением кольцевидной связки из капсулы сустава и трансартикулярная фиксация спицей. Послеоперационный период протекал без осложнений. После иммобилизации гипсовой лонгетой в положении супинации больная была выписана на амбулаторное лечение на 3 недели. Через 3 недели у больной была удалена спица, на 4 недели снята гипсовая лонгета и назначен курс реабилитационного лечения.

*Анатомо-функциональный результат* лечения изучен через 1 год после окончания лечения, при этом у больной ограничение движения в локтевом суставе 200 (амплитуда движения - 1200), вальгусное отклонение предплечья до 50 , исходя из этих данных, результат был признан хорошим (Рис 2).




Рис. 1. Деформация локтевого сустава у больной с передним вывихом головки лучевой кости.




Рис 2. Рентгенограмма правого локтевого сустава больной З., 8 лет, до и после операции.

**Заключение:** Причины застарелых вывихов головки луча объясняются ошибками диагностики, несвоевременной медицинской помощи из-за позднего обращения пациентов, когда родители больных расценивали травму несерьезной. Для воссоздания кольцевидной связки, мы использовали саму капсулу сустава и отрезки кольцевидной связки, которая является более анатомо-физиологической по отношению к локтевому суставу. Хирургическое лечение детей с застарелыми вывихами головки лучевой кости, воссоздание кольцевидной связки, позволило нам добиться хороших и удовлетворительных функциональных результатов в 91,8% случаев, а анатомических – в 89,3% случаев.

#### Использованная литература:

1. Капанджи А.И. «Верхняя конечность» 6 издание – 2014.
2. Меркулов В.Н., Дергачев Д.А., Дорохин А.И. Артропластика при лечении посттравматических контрактур и анкилозов локтевого сустава у детей // Детская хирургия, № 4, 2014 34-38.
3. Мельцин И.И., Павлов В.А., Афауков И.В., Котлубаев Р.С., Лященко О.А. Повреждения плечелучевого сочленения у детей // Детская хирургия, 2016; 20 (1) 23-26.
4. Овсянкин Н.А., Наумочкина Н.А., Поздеева Н.А. Оперативное лечение пациентов с вывихами головки луча и ротационной контрактурой предплечья с родовым параличом верхней конечности // Ортопедия, травматология и восстановительная хирургия детского возраста. Том 2. выпуск 1. 2014 32-38.
5. Прошенко Я.Н. Причины развития нестабильности в дистальном лучелоктевом суставе у детей // Детская хирургия, № 1, 2015 28-30
6. Уринбаев П.У. Лечение переломов и их последствий дистального конца плечевой кости у детей. Дисс. докт. мед. наук. Ташкент, 1995.С.-266-267.
7. Хужаназаров И.Э., Ходжанов И.Ю. Роль рентгенографии и МСКТ локтевого сустава при хирургической коррекции посттравматической деформации локтевого сустава у детей // Журнал клинической и экспериментальной ортопедии им. Г.А.Илизарова №3, 2016 43-49.
8. Эранов Ш.Н., Пардаев С.Н., Жураев И.Г., Шопулатов И.Б., Холхужаев Ф.И. К вопросу хирургического лечения застарелого вывиха головки лучевой кости у детей. Ж.Вопросы науки и образования №26(75) 58-70.
9. Eranov Sh.N., Eranov N.F. Experience of surgical restoration of annular ligament with dislocations of radial bone head in children. Ж. Достижения науки и образования №6(60), 2020 74-76.
10. Goyal T, Arora SS, Banerjee S, Kandwal P, Neglected Monteggia fracture dislocations in children: a systematic review. J Pediatr Orthop B. 2015 24(3) 191-199.

## ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ

## LITERATURE REVIEW

DOI: 10.38095/2181-466X-2020953-115-120

УДК: 618.1-019

**ЭНДОМЕТРИЙНИНГ ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ  
МУАММОЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ****Д. Б. Асранкулова, З. М. Назирова**

Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** гиперплазия, эндометрий, атипик хужайралар.**Ключевые слова:** гиперплазия, эндометрий, атипичные клетки.**Key words:** hyperplasia, endometrium, atypical cells.

Гинекологик касалликлар тузилишида эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари (ЭГЖ) сезиларли аҳамияга эга. Эндометрий – камдан кам учрайдиган функционал-морфологик нишон тузилиши бўлиб, бу ҳолат жинсий гормонларнинг ўзаро таъсирига, биринчи навбатда репродуктив ёшда доимий цикл ўзгаришларига дучор бўлувчи эстрадиол ва гестагенга боғлиқ ҳолат.

**СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ ДИАГНОСТИКИ  
ГИПЕРПЛАСТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ЭНДОМЕТРИЯ****Д. Б. Асранкулова, З. М. Назирова**

Андижанский государственный медицинский институт, Андижан, Узбекистан

В структуре гинекологической заболеваемости значимое место занимают гиперпластические процессы эндометрия. Эндометрий – уникальная функционально-морфологическая структура-мишень, состояние которой – это зеркало взаимосвязанных воздействий половых гормонов, в первую очередь эстрадиола и гестагенов, подвергающаяся в репродуктивном возрасте регулярным циклическим изменениям.

**CURRENT STATE OF THE DIAGNOSTIC PROBLEM HYPERPLASTIC ENDOMETRY PROCESSES****D. B. Asrankulova, Z. M. Nazirova**

Andijan state medical institute, Andijan, Uzbekistan

In the structure of gynecological morbidity, the endometrial hyperplastic processes occupy a significant place. The endometrium is a unique functional morphological target structure, the state of which is a mirror of the interconnected effects of sex hormones, primarily estradiol and gestagens, which undergoes regular cyclic changes in the reproductive age.

Тиббиётда жаҳон олимлари томонидан олиб борилаётган ЭГЖга бағишланган кенг қўламдаги клиник ва экспериментал тадқиқот ишлари янги технологияларга асосланганлигига қарамай, ЭГЖ муаммоси гинекологлар, онкологлар, морфологлар, эндокринологлар ва бошқа мутахассислар эътиборини жалб қилишдан давом этмоқда. Бунга нафақат уларнинг охириги пайтда тез-тез учраб туриши, балки унда хавфли ўсма ривожланиши учун преморбид фон шакилланиши сабаб бўлади [14, 20-22]. ЭГЖнинг бемор ёши, касалликнинг клиник кечиши, шунингдек гормонал ва алмашинув бузилишларига боғлиқ ҳолда баҳолаш зарурлиги кераклигини аниқлаш мумкин эмас. Ундан ташқари, Г. М. Савельевава В. Н. Серов (1980) маълумотларига кўра, бунга қуйидагилар киради:

1. Ҳар қайси ёшдаги аёлларда аденоматоз ва аденоматоз полиплар;

2. Гипоталамик нейроэндокрин-алмашинуви синдроми билан қайталанувчи гиперплазия бирикиши (мазкур симптомокомплексга диэнцефал семизлик, ациклик қон кетиш, ановуляция, углевод алмашинуви бузилиши, буйрак усти пўстлоғи глюкокортикоид вазифасининг ошиши, гипофизнинг соматотроп вазифасининг пасайиши ва гонадотроп вафизифасининг кучайиши);

3. Менопаузадан кейинги эндометрий гиперплазияси.

Эндометрий ўзини мураккаб нейро-гуморал занжир ва бўлғуси гормон сезувчи тўқима звеносида тасаввур қилади, тўлиқ организм даражасига гормонал таъсир ўзгаришида морфологиянинг бузилишини енгил бошқаради [1-6, 13, 16]. Эндометрийнинг гиперпластик ва саратон олди жараёнлари этиологияси етарлича ўрганилган бўлиб, терминологиядаги фарқ ва улар интерпретациясидаги қийинчиликлар сингари морфологлар ҳамда клиник ходимлар орасидаги ўзаро тушунчани қийинлаштиради [17].

Маълумки, БДССТ таснифи (1975) ЭГЖ ҳар хил турдаги гистологик тадқиқотлар: 1) эндометриал гиперплазия (безли, без-кистали-ўчоқли ва диффуз); 2) эндометрийполиплари (эндометрийнинг базал ёки функционал қатламидан ажралувчи безли; бириктирувчи тўқима стромалари ва безнинг чекланган миқдоридан ташкил толувчи без-фиброз; бириктирувчи тўқимали ҳосила фиброз, кўпинча коллагенлашган; эпителиал қатлам ва эндометрий қопламидан ўсувчи ва 3) атипик гиперплазия ёки аденоматоз ( аденоматоз полипни ҳам ичига олувчи ўчоқли ёки диффуз)ни ўз ичига олади.

Б.И. Железнов (1987) унга айрим базал қатламли гиперплазия, секретор ўзгаришли безли (без-кистали) гиперплазия ажралмаларни ҳам киритишни таклиф қилади.

Гинекологларнинг интернационал жамияти гиперплазиянинг янги таснифи (1994 йилги БДССТ таснифи); оддий ва комплексли (мураккаб) гиперплазия; атипияли ва атипиясиз гиперплазияни қўллаб қувватлашни талаб қилади [7-12, 18]. Эндометрий гиперплазия таснифининг БДССТ 1975 ва 1974 йиллардаги натижаларини таққослашда гистопатологлар унинг спецификациясини соддалаштирилиши зарурлиги ҳақидаги хулосага келишди [19].

Ундан ташқари, безли гиперплазия (БГ) ва без кистали гиперплазия (БКГ) моҳияти бўйича бир хил бўлмаган даражада ифодаланган аниқ жараён. Улар орасидаги фарқ шундаки, оддий безли гиперплазияда кистанинг мавжуд эмаслиги, патологиянинг без-кистали шаклида кистали кенгайган безнинг мавжудлигидадир. Гиперплазиялашган эндометрийнинг юзасида кенг асосда полип турларига (гиперплазиянинг полип шакли) эга турли ҳажмдаги шилимшиқ тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Атипик гиперплазия (аденоматоз) гиперплазиянинг бошқа турлари билан таққосланганда безларнинг ўта тезкор пролиферацияси ва тузилишли қайта

ЭГЖ этиологиясида организмда гормонал дисбаланс ривожланишига, қисман репродуктив тизимда гиперэстроген кўриниши, эстроген/прогестерон нисбатида дисбаланс; шунингдек нейроэндокрин, метаболит ва иммун бузилишлар комплекси намоён бўлишига асосий ўринни беради [15, 16].

Гормонал дисбаланс намоён бўлиши ҳисобланиб, эндометрий гиперплазияси сариқ тана ҳосил бўлиши, овуляция, фолликулалар етилиши жараёнининг бузилиши натижасида; фолликуляр киста (ўсма, шиш) мавжудлигида; стромал гиперплазия; тескари-хужайра ўсмаси (шиши); буйрақусти парда гиперплазияси; гипофизнинг гонадотроп фаолиятининг бузилиши; эстрогенларнинг нотўғри қўлланиши; метаболизмда гормонлар (семизлик, жигар циррози, гипотиреоз) ўзгариши натижасида келиб чиқади [3, 14, 16, 22].

О.К. Хмельницкий ва унинг ҳаммуаллифлари (1999) клиник, биокимёвий ва гистологик мезонлар асосида гиперэстрогениянинг бир неча шакллари кўрсатади:

- эстроген ёки улар метаболизми секрецияси бошқарилиш механизмларининг тартибсизлиги оқибатида ривожланувчи функционал ёки метаболит гиперэстрогения;
- тухумдон ва буйрақусти ўсмалари билан тухумдонда маҳсулот берувчи эстроген, хужайраларнинг ҳар хил турда катталанишида цикли бўлмаган тартибда катта дозадаги эстрогенлар таъсири натижасида юзага келадиган гиперэстрогения;
- эстрогенларнинг нормал ёки ҳатто камайган секрециясида эндометрийнинг ортган рецептив сезувчанлигида кузатилувчи тўқимали гиперэстрогения;
- катта дозада ва узоқ вақт давомида эстрогенларни қуйиш билан даволаш натижасидаги ятроген гиперэстрогения.

Тадқиқотларда менструал фаолиятнинг бузилиши, эрта ёки кечки менархе, эрта ёки тартибсиз жинсий ҳаёт, бепуштлиқ ёки кеч туғиш, тез-тез аборт (ҳомила олдириш) билан гиперпластик жараёнларнинг боғлиқлиги аниқланди [10, 12].

Репродуктив даврдаги аёлларда гиперэстрогениянинг асосий сабаби ановуляция бўлса, менопаузаолди аёлларда эса тухумдонлар гиперплазияланган стромасида эстродиолнинг юқори даражадаги ҳосиласи, семизлик ва ёғ тўқимасида андростендионнинг эстронга юқори даражада айланиши сабаб бўлади [3, 7, 9]. Ановуляция сабабларидан

катъий назар оқибатда кузатиладиган ўзгаришлар бир хил турда бўлади. Бу ўзгаришларнинг асосий элементи фолликула персистенцияси ёки уларнинг атрезияси ҳисобланиб, натижада циклнинг лютеин фазаси мавжуд бўлмайди [14, 19]. Прогестерон таъсирининг пасайиши шароитида бачадон шиллиқ кавати гиперплазияси ривожланади. Бир неча ҳолатда ЭГП ривожланиши икки фазали фонда, овуляцияли менструация циклида кузатилади (52% гача) [1, 21].

Лютеинизирланган (ЛГ) ва фолликула кўзғатувчи (ФКГ) гормонлар секреция даражаси тебранишининг диапозони жуда кенг бўлиб, турли муаллифлар томонидан изланишлар олиб борилган [14, 22]. Репродуктив ва менопаузаолди даврдаги аёлларда ФСН экскрецияси ошган, ЛГ эса икки турда – ошган ва пасайган бўлади. А.Д.Попон ва унинг ҳаммуаллифлари (1998) тадқиқотларида кўрсатилишича, ЛГ даражаси бола туғиш ёшидаги аёлларда овуляция кўрсаткичларига нисбатан 5% га ортган (ФСГ даражаси 4 мартага ортган). ЛГ нинг ошиши нейро алмашган эндокрин синдромининг намоён бўлиши билан ифодаланган беморларда кузатилди. ФСГ устунлиги билан ФСГ ва ЛГ ўзаро муносабатининг бузилиши овуляциянинг турғун бузилишига олиб келади.

Кўп йиллик тадқиқотлар кўрсатишича, ЭГЖ ривожланишининг асосида гипофиз, ўрта мия ва бош мия пардаси бошқарув механизмлари фаолиятининг бузилиш ётади [14, 16, 19]. Гипоталамус-гипофизар регуляция ўзгариши буйракусти парда фаолияти, асосан унинг гиперфункциясининг бузилиши билан тушунтирилиши мумкин. Бу ерди буйракусти ишлаб чиқарган андроген стероидларининг эндометрийга таъсири бўлиши мумкин (эстрогенда уларнинг периферик конверсия йўли ёки эндометриянинг стероид рецепторларининг тўғри таъсири билан) [9, 15, 21]. Гиперглюкокортикоид ҳолат иммун тизимини бўшаштиради ва ГПК ривожланиши учун шароит яратади [7]. В.М. Дильман (1993) эндокрин бузилишга сабаб бўлган метаболик иммунодепрессия ГПК патогенезида муҳим аҳамият касб этишини исботлаган.

Демак, адабиётда эндометрий саратони ва гиперпластик жараёнлар ривожланишининг патогенетик хавф омиллари асосланган ҳамда кенг ёритилган:

1. Ёғ ва углевод алмашинувининг бузилишига қандли диабет, артериал гипертония, семизликнинг мавжудлиги сабаб бўлади;
2. Аёллар репродуктив ва жинсий, менструал функциясининг бузилиши;
3. Эстроген-прогестаген дори воситаларини қабул қилиш;
4. Қалқонсимон без касалликлари;
5. Жигар ва ўт ҳайдовчи йўллар касалликлари.

30-40% ҳолатда эндокрин ва алмашинув бузилишлари аҳамиятга эга бўлмайди ёки умуман кузатилмайди, эндометрийдаги ўзгаришлар эндометрий атрофияси ва тухумдонлар стромаси фибрози фонида пайдо бўлади.

Цитоплазма рецепторларининг миқдори қондаги шу турдаги гормонлар миқдorigа боғлиқ бўлганидек, бошқа синф стероидлар концентрациясига ҳам боғлиқ бўлади, жумладан, эстрадиол рецепторлари (ЭР) синтези сингари прогестерон рецепторлари (ПР) синтезини ҳам ошади.

Прогестерон нафақат ЭР синтезини камайтиради, балки эстрадиол билан ЭР боғланишини ингибирлайди [13, 15, 19]. Нормдаги ҳайз (менструал) даврида эндометрийда эстрадиол ва прогестерон рецепторларининг миқдори овуляциядан олдинги даврга нисбатан мунтазам равишда ўзгариб туради, прогестерон рецепторларининг максимал даражаси лютеин фазаси ўртасига ва цикл охиригача ЭР ҳамда ПР концентрациясининг минимум ҳолатига секин аста пасайишини таъминлайди [21].

Овуляция олди даврида ПР ва ЭР юқори даражаси қон плазмасида эстрадиол даражасининг ошиши билан тушунтирилади, улар миқдорининг камайиши (асосан цитоплазма фракцияси ҳисобига) ядрога цитоплазма рецепторлари кўчишининг кучайиши ёки ПР синтезига прогестероннинг таъсири билан исботланади. Секретор эндометрийда ўсма жараёнлари мавжуд бўлмаганда прогестерон рецепторлари миқдорининг эстрадиолга

нисбатан устунлиги қайд этилади.

ЭГЖ ташҳиси ривожланишига қўшилган сезиларли ютуқларга қарамай, аввалгидек вазифаси қийин ва мазкур патологияни аниқлашда янги усулларни топиш, мавжудларини такомиллаштириш зарурати бор албатта [10]. Ундан ташқари, турли ёш даврларида ташҳисот алгоритми айрим хусусиятларга эга. Касалликнинг пато- ва морфогенезининг бир хил эмаслиги, ташҳиси, рационал даволаш учун преморбид ҳолати, умумий ва гинекологик анамнез, репродуктив тизимнинг турли бўлимлари ҳолати хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Умуман олганда, ташҳис умумқабул қилинган клиник ва махсус таҳлиллар натижаси, анамнез маълумотларини комплекс баҳолашга асосланади [8, 9, 11, 12, 13, 14].

ЭГЖ ташҳисотида муҳим аҳамиятга ва аниқ ёрдамга эга кичик тос аъзоларини ультратовуш текшируви (УТТ) кўрсатилади [7,19,22].Шунинг учун бу усулнинг имконияти кенг бўлиб, ундан фойдаланиш оғриқсиз, хавфсиз саналади, қўшимча вақт ва маблағ талаб қилмайди, шу билан боғлиқликда ундан кўп фойдаланиш, гормон билан даволаш жараёнида назорат қилиш мумкин [1-7, 14, 19].Демак, Tergarii et. al. (1996) фикрига кўра, трансвагинал датчикдан фойдаланиш билан УТТ қўллашни кўплик истиқболли ўрганиш 70% ҳолатда бачадон деворларини ташҳисий кириб олиш миқдорини камайтиради.

Мавжуд усулнинг альтернативи ҳисобланмай, текширилаётган бемор ёши ва касаллик шаклидан қатъий назар, текширув даври гистероскопик назорат остида алоҳида ташҳисий кириб олиш билан яқунланади, кейинчалик ЭГЖ ташҳисоти учун “олтин стандарт” ҳисобланган бачадон танаси ва бўйнининг шилимшиқ каналини гистологик назорати олиб борилади [2, 19]. Гистероскопиянинг муҳим имконияти гистологик текширув учун материални мақсадли танлаб олиш имкони ва патологиянинг бу турига хос ўзгаришлар визуализацияси ҳисобланади [20, 22]. Шунинг учун гистероскопия нафақат бачадон ичи патологиянинг тахминий ташҳисоти, мақсадли биопсия учун, балки бачадон шиллиқ пардасини олиб ташлаш ва гормон билан даволаш самарадорлигини назорат қилиш учун ҳам муҳимдир [8, 20]. Кўпинча гистероскопия 37% ҳолатда эндометрий полиплари; 29,7% ҳолатда аниқ ЭЖГ; 20,5% ҳолатда ЖКГ; 7,2% ҳолатда пролифератив турдаги ЭЖГ ва 1,1% ҳолатда аденоматоз аниқлайди [11].

Ҳозирги вақтда эстроген рецепторлари (ЭР) ва прогестерон рецепторлари (ПР) аниқлаш муваффақиятли гормонал даволаш учун мажбурий усул сифатида қаралади. Сўнги йилларда хужайраларда формалинда қайд этилган ва парафинга қуйилган ЭР ва ПР аниқлашнинг иммунгисто кимёвий усули ишлаб чиқилган[1].

Прогестерон рецепторлари (ПР) нафақат прогестинлар реакциясининг биринчи зарур бўғини ҳисобланганлигидан эндометриал тўқиманинг молекуляр белгиси сифатида қизиқиш уйғотади ва унинг тегишли дори воситаларига сезувчанлигини аниқлайди, балки эндометрий хужайраларида ПР синтезини эстрогенлар кўзгатади.

Шундай қилиб, ПР мавжудлиги эстроген рецепторлари (ЭР)нинг функционал фаоллиги ҳақида маълумот беради. ЭР нинг прогностик ўрни ҳақида қарама-қарши фикрлар бўлиб, улар қуйидагилардир: айрим муаллифлар ЭР юқори миқдорини касалликнинг яхши прогнози билан боғлайди [18], яна бошқалари эса касаллик прогнози ПР миқдори ва жараённинг ифодаланиш даражаси билан яхши тўғриланади, деб ҳисоблайди [12, 18].

Стероид гормонининг фаол шакли мембрана орқали хужайрага киради, цитоплазмада рецептор билан боғланади ва ҳосил бўлган комплекс ядрога ўтади, у хужайрага ўзига хос жавоб беради, оксил табиатли рецептор иммунгистокимёвий саналади. Айни вақтда иммунгистокимёвий усул қатор муҳим имкониятларга эга. Уларнинг асосийси рецепторларни ифода этувчи морфологик тузилишни аниқлаш имконияти, прогностик ва тахмин қилинган муносабатлар бериш, ёлғон (нотўғри) натижалар олиш имконининг камлиги; ундан ташқари уни амалга ошириш ўта оддий ва арзон эканлигидадир [8].

Гормонларнинг хужайраларга кўп қиррали таъсири хужайра юзаси ва цитоплазмада рецепторларга хос ўзаро таъсир орқали амалга оширилади.

Таъкидланишича, нишон-хужайрада стероидларнинг ҳар қайси синфи учун мос рецеп-

тор тизимлари мавжуд. Рецепторлар микдориконда мос гормонлар микдори сингари бошқа синф стероидларининг концентрациясига боғлиқ. Бу омилларнинг биргаликдаги таъсири маълумотли кимёвий сигналнинг нозик бошқарилишини таъминлайди.

Шубҳасиз, стероид гормонларига рецепторлар синтези қўпол эндоплазматик ретикулумда амалга ошади, кейин эса уларнинг ядрога кириши кузатилади [8].

Шундай қилиб, стероид гормонлари таъсирининг классик икки босқичли модели артефактга асосланади, яъни ҳужайра деструкциясида эркин рецепторларни ядро материаллари билан мўрт боғланиши цитоплазмада рецепторлар отилиб чиқишига олиб келади [8].

Антиген антитана реакциясига асосланган, антиген хусусиятига эга, ҳар хил тузилишда тўқима ва ҳужайраларда жойлашишини аниқлаш ҳамда идентификациянинг иммунгистокимёвий (ИГК) – усули, оммавий иммунфермент (ИФУ) усулида ўзлаштириш таъминли унга визуализация тизими ва диагностик моноклонал антигенни бириктириш орқали исталган кўриниш бериши эътироф этилади [7].

Иммунгистокимё усули диагностик гистопатологияда революция ҳисобланади. Анъанавий парафин кесиш паст йўқотишда тўқималарни яхши сақланишини таъминлайди; шундай қилиб мунтазам олиб борилган тўқималарга диагностик иммунгистокимёни ишлаб чиқиш учун катта куч тавсия қилинади, бу аниқ ташҳис қўйишда катта манба саналади [12-16]. Бундан ташқари даволашга жавоб имконини баҳолаш учун қўлланадиган ўзига хос адъювантлар – клиник, патологоанатомик ва биологик хусусиятларга эга (predictive) омиллар – тахмин қилинган.

Ҳозирги вақтда прогностик режада ташҳислаш усуллариининг қайсидир биридан кам фойдаланилади. Уларни биргаликда комплекс қўллаш прогноз ва даво тактикасини ишлаб чиқишни баҳолашга ёрдам беради [20].

Шундай қилиб, адабиётлар шарҳига мувофиқ, гинекологик касалликлар тузилишида эндометрийнинг гиперпластик жараёни муҳим аҳамиятга эга, у ҳайз кўриш (менструация) нинг бузилишида кузатилади ва саратон (рак)олди ҳолат ҳисобланади, айрим ҳолатларда уни хавфли трансформация ҳолати кузатилади. Бироқ, эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари диагностикаси аввалгидек мураккаб вазифа бўлиб, мазкур патологияни аниқлашда янги усуллар излаб топиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш зарурлиги керак [10, 11].

Бу мазкур патологияда ўз вақтида тактика олиб бориш заруратига сабаб бўлади. Шу билан бирга ЭГЖни даволашда мавжуд консерватив ва жарроҳлик усуллари қўплаб қўшимча самарага эга [6]. Айни вақтда ЭГЖ диагностикаси учун УТТ, гистероскопия, эндометрийни кесишнинг цистологик текшируви каби қўплаб усуллар ишлаб чиқилган, бироқ улар орасида ўта сезувчан, ўзига хос ва амалий аҳамиятга эга бўлгани иммунгистокимёвий усул ҳисобланади, у ЭГЖни ташҳислаш, жарроҳлик ҳамда консерватив даволашда уларнинг самарадорлигини муваффақиятли назорат қилади. Бу муаммоларни ўрганиш замонавий тадқиқотларнинг мақсадларидан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адамян Л.В., Глякин Д.С., Самойлова А.В. [и др.]. Воспалительный процесс в этиологии и патогенезе рака эндометрия // Проблемы репродукции. - 2007- № 1. - С. 21-25.
2. Балтущая О.И. Применение внутриматочной гелий-неоновой лазеротерапии в комплексном лечении пациенток с воспалительными заболеваниями эндометрия: автореф. дис. ... канд. мед. наук: 14.00.01 - Москва, 2000. - 23с.
3. Баринов В.В., Блюменберг А.Г., Богатырев В.Н., Высоцкая И.В. и др. Опухоли женской репродуктивной системы. Под ред. М.И.Давыдова, В.П. Летыгина, В.В. Кузнецова. - М.: ООО «Медицинское информационное агентство», 2007. - 376 с.: табл.
4. Баранов В.Н. Хронические воспалительные заболевания матки и придатков и их отдалённые послед-

- ствия: особенности патогенеза, клинико-морфологическая характеристика, лечение и медицинская реабилитация: автореф. дис. ... док. мед. наук: 14.00.01 - Челябинск, 2002. 44 - 48с.
5. Берпггейн Л.М. Эпидемиология, патогенез и пути профилактики рака эндометрия: стабильность или эволюция? // Практич. онкол. - 2004 - Т. 5. -№1. - С.1-8.
  6. Бочкарева Н.В. Особенности метаболизма и рецепции эстрогенов при гиперпластических процессах и раке эндометрия: автореф. дисс. ... докт. мед. наук. - Томск, 2007. - 45 с.
  7. Быков, В.Л. Функциональная морфология больших гранулярных лимфоцитов эндометрия человека // Морфология. -2001. - Т. 119, №2. -С.70-76.
  8. Быковская О.С. Принципы гормональной коррекции нарушений менструальной функции у больных репродуктивного периода с рецидивирующими дисфункциональными маточными кровотечениями: автореф. дисс.... канд. мед. наук. - М., 2005. - 26 с.
  9. Бенедиктова М.Г., Доброхотова Ю.Э., Задонская Ю.Н. Современные аспекты патогенетически обоснованной фармакологической коррекции гиперпластических процессов в эндометрии // Росс. вест, акуш.-гинекол. -2008. -№1. -С. 47-52.
  10. Вихляева Е.М., Железное Б.И., Запорожан В.Н. Руководство по эндокринной гинекологии. - М.: Медицинское информационное агентство, 2000. - 786 с.
  11. Власов Р.С. Клиническое значение метилирования генов-супрессоров опухолевого роста при патологических процессах эндометрия у женщин репродуктивного возраста: автореф. дис.... канд. мед. наук: 14.00.01-Москва, 2011.
  12. Войташевский К.В. Генетические аспекты гиперпластических процессов эндометрия у женщин в постменопаузе: дисс. ... канд. мед. наук. - М., 2005. - 127 с.
  13. Daura-Oller E., Cabre M., Montero M. et al. Specific gene hypomethylation and cancer: New insights into coding region feature trends // Bioinformation. -2009; 3(8): 340-343.
  14. Eckert L.O., Hawes S.E. Endometritis: The clinical-pathologic syndrome // Am J Obstet Gynecol. - 2002. - Vol 186, №4. - P. 690-695.
  15. Fang JY, Cheng ZH, Chen YX et al. Expression of Dnmt1, demethylase, MeCP2 and methylation of tumor-related genes in human gastric cancer. // World J. Gastroenterol., 2004, 10, 3394-3398;
  16. Fiegl H., Gattlinger C., Widschwendter A. et al. Methylated DNA Collected by Tampons-A New Tool to Detect Endometrial Cancer // Cancer Epidemiology, Biomarkers & Prevention. - 2004; 13: 882.
  17. Fischer C.A., Drillich M.B., Odau S.A. et al. Selected pro-inflammatory factor transcripts in bovine endometrial epithelial cells are regulated during the oestrous cycle and elevated in case of subclinical or clinical endometritis // Reproduction, Fertility and Development. - 2010; 22 (5): 818-829.
  18. Ghabreau L., Roux J.P., Niveleau A. et al. Correlation between the DNA global methylation status and progesterone receptor expression in normal endometrium, endometrioid adenocarcinoma and precursors // Virchows Archiv. - 2004; 445 (2): 129-134.
  19. Glasser S. R., Aplin J. D. The endometrium. Taylor and Francis., 2002.
  20. Haggerty C. L., Ness R. B., Amortegui A. et al. Endometritis does not predict reproductive morbidity after pelvic inflammatory disease // Am. J. Obstet. Gynecol. 2003. Vol. 188. P. 141-148.
  21. Haining R.B., Cameron I.T. Endometritis // Human reproduction. -1991 - Vol 6.-P. 1200-1205.
  22. Heatley M.K. The association between clinical and pathological features in histologically identified chronic endometritis // J. Obstet Gynecol. - 2004; 24 (7): 801-803.

**ЧАҚАЛОҚЛАР НАФАС БУЗИЛИШИ СИНДРОМИ ВА  
ГИАЛИНЛИ МЕМБРАНА КАСАЛЛИГИНИНГ ЭТИОЛОГИЯ,  
ПАТОГЕНЕЗ ВА ПАТОМОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ****Р. И. Исроилов<sup>1</sup>, О. А. Мирзабекова<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Республика патологик анатомия маркази, Тошкент, Ўзбекистон<sup>2</sup>Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон**Таянч сўзлар:** гиалинли мембраналар, респиратор дистресс синдром, чақалоқлар.**Ключевые слова:** гиалиновые мембраны, респираторный дистресс синдром, новорожденные.**Key words:** hyalinic membranes, респираторный дистресс синдром, новорожденные**ЭТИОЛОГИЯ, ПАТОГЕНЕЗ И ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ СИМПТОМЫ  
СИНДРОМА ДЫХАТЕЛЬНОГО РЕСПИРАТОРНОГО РАССТРОЙСТВА  
И ГИАЛИНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ НОВОРОЖДЕННЫХ****Р. И. Исроилов<sup>1</sup>, О. А. Мирзабекова<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Республиканский центр патологической анатомии, Ташкент, Узбекистан<sup>2</sup>Ташкентская Медицинская Академия, Ташкент, Узбекистан**ETIOLOGY, PATHOGENESIS AND PATOMORPHOLOGICAL SYMPTOMS OF RESPIRATORY  
DISORDER SYNDROME AND HYALINIC DISEASE OF NEWBORNS****R. I. Isroilov<sup>1</sup>, O. A. Mirzabekova<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Republican Center for Pathological Anatomy, Tashkent, Uzbekistan<sup>2</sup>Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

Неонатологиянинг умумтан олинган муаммоси, бу – респиратор дистресс синдром (РДС) ва унинг морфологик белгиси сифатида бронхопальмонал дисплазия ва гиалинли мембраналар (ГМ) пайдо бўлиши ҳисобланади. Бу муаммонинг долзарблиги дунёда чала туғилиш ҳолатининг ўсиб боришига боғлиқ. Масалан Россия давлатида 5-10% ташкил қилади, жумладан тана вазни экстремал паст болалар туғилиши 0,2-0,4%да учрайди. Уларнинг яшаб кетиши хорижий муаллифлар маълумотлари бўйича, ўртача 50% бўлиб, агар интенсив терапия қўлланилса 25% гача камаяди. Бундай болаларнинг ўлим сабаби асосан респиратор дистресс синдром ҳисобланади.

Чақалоқларда ўпканинг ГМК биринчи бўлиб 1903 йилда Nochheim томонидан, кейин 1925 йилда Johnson и Meyer, 1931 йилда Faber и Sweet томонидан ўпкани микроскопик текширув натижасида ёзиб қолдирган. 1961 йилда van Breeman и Saupriche томонидан электрон микроскоп ёрдамида гиалинли мембраналар толаларининг ультраструктур тузилиши ва табиати ўрганилган. Олдинги Совет Иттифоқи даврида ГМК морфологик жиҳатдан А.Н. Сержаниной ва К.Ю. Гулькевичем (1963) ёзиб таърифи берилган. Рентгенологик тавсифини А. З. Гингольд ва Н.А. Пановым (1965) берган. Ўпка ГМси биринчи типдаги РДС ҳисобланади ва уни аниқлаш асосан клиник-морфологик белгиларига асосланади.

Чақалоқлар касалланиши кўрсаткичларида респиратор бузилишлар 2-ўринда туради (8,8%) ва кўпинча чала туғилган, ўпкасида морфофункционал етишмаслиги бўлган чақалоқларда кўп учрайди. Умуман олганда чақалоқлар РДС янги туғилган болаларда 6-12% ташкил қилади, тана вазни экстремал паст бўлганларда 0,4-0,5% да учрайди [1,3,5,15,18]. Бу касаллик сабаби чақалоқлар ўпкасида эндоген сурфактантнинг бирламчи етишмаслиги, нафас олиш мускулларининг сустиги ва мустақил нафас олиш қийинлиги ҳисобланади. Бундай чақалоқлар ўпкасида ГМК билан биргаликда бирламчи ателектазлар ҳам учраб туради. Гиалинли мембраналар синдроми пневмопатиянинг энг оғир формаси бўлиб, чақалоқларнинг 39-50%да, чала туғилганларда 15-25%да, кўпроқ ўғил болаларда учрайди.

ГМ касаллиги эрта неонатал даврнинг энг кўп тарқалган касалликларидан бири ҳисобланади. У чақалоқ туғилгандан кейин дарҳол ривожланади, кўпинча чала туғилиш фонида ва клиник жиҳатдан авж олувчи нафас етишмаслиги билан намоён бўлади. Морфологик

жиҳатдан олдин ателектаз ривожланиб, кейин унга ГМ кўшилади. Микроскопик жиҳатдан ГМ ўпканинг респиратор бўшлиқлар ички юзасида тасма ёки ҳалқа кўринишида гиалинсимон, зич, эозинофил модда пайдо бўлганлиги аниқланади [8].

Бутун Дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг 1970 йилдаги қарори асосида чақалоқлар тирик туғилиши гестациянинг 22-ҳафтаси, тана вазни 500 гр ва узунлиги 25 смлиги тасдиқланган [5,15]. Натижада чақалоқлар реанимация бўлимида чақалоқларнинг янги контингенти, яъни туғилганда тана вазни энг (экстремал) паст болалар пайдо бўлди. Натижада янги туғилган чақалоқ гестация ёшига боғлиқ ГМК билан касалланиш пайдо бўлди. ГМ шаклланишида альвеолалар юзаси майдони 22,8-25% га камаяди.

Хорижий илмий адабиётларда “нафас бузилиши синдроми, НБС”, “респираторный дистресс синдром” ва “гиалинли мембрана касаллиги” атамалари синонимлар ҳисобланади. АҚШ неонатология бўйича оммобоп қўлланмаларида бу касаллик ҳар хил номланади: Avery s Diseases of the Newborn (1998) нинг 7-нашрида ГИК, Neonatal-Perenatal Medicine 2002нинг 7-нашрида РДС дейилган [11,20].

Чақалоқларда нафас бузилишининг хавфли омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: гестация даври 35 ҳафтадан кам бўлиши, морфофункционал етилмаган чақалоқлар, ўткир ва суриккали гипоксия ўтказган болалар, қандли диабет, гипотиреози ва бошқа эндокрин касаллиги бўлган оналардан туғилган болалар, кесар кесиш билан туғилиш, йўлдошнинг эрта кўчиши ва қон кетиши, туғма ва наслий касалликлар, туғруқда МНТ шикастланиши. Булардан ташқари чақала туғилганларда нафас тизимининг ўзига хос ўзгаришлари ҳам хавфли омиллар бўлиши мумкин: нафас марказининг етилмаганлиги, нафас йўллариининг торлиги, сурфактант тизимининг сустлиги, қавурғаларнинг кўндаланг жойланиши, қавурғалар оралиғи мушакларнинг чала ривожланиши, ўпка тўқимаси чўзилиш хусусиятининг пастлиги, нафас тезлигининг лабиллиги.

НБС, яъни ГМК нинг аксарият ҳолларда сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин: 1) нафас йўллари обструкцияси – хоаннинг назал ёки назофарингеал атрезияси, бурун шиши, макроглоссия, микрогнатия, ҳиқилдоқ ости стенози, ҳиқилдоқ ўсмалари, ҳиқилдоқ бойламлари фалажи, ларингомалация, трахеомалация, трахея стенози, бронхлар торайиши; 2) ўпка паренхимаси шикастланиши – ГМК, ўпка ателектази, фетал суюқлиги резорбциясининг тутилиши, мекониал аспирация, бошқа аспирацион синдромлар, ҳаво чиқиб кетиши синдроми (пневмоторакс, пневмомедиастинум, пневмоперикард, интерстициал эмфизема), туғма пневмония, ўпкадан қон кетиши, Вильсон-Микити синдроми, чақалоқлар ўпкаси суриккали касаллиги; 3) ривожланиш нуқсонлари – ўпканинг агенезия ва гипоплазияси, ўпка кистаси, туғма эмфизема, кўкрак қафси ўсмаси, диафрагмал чурра; 4) ўпкадан ташқари сабаблар – туғруқдаги асфиксия, юрак туғма нуқсонлари, шок (ўткир юрак-томир етишмаслиги), МНТ туғма нуқсонлари, септицемия, анемия, полицитемия, дорилар таъсири, гипогликемия, метаболик ацидоз, метаболик алкалоз, гипертермия, гипотермия [2,6,10].

Чақалоқлар РДС асосий сабаблари: 1) ўпка тўқимаси чалалигидан II-типдаги альвеолцитлар томонидан сурфактант синтези ва экскрецияси бузилиши; 2) сурфактант структурасининг туғма ҳолда бузилиши; 3) перинатал гипоксия ҳисобига сурфактант парчаланишининг тезлашиши. Ўпка гиалинли мембраналар синдромининг этиопатогенезида иккита назария мавжудлиги айтиб ўтилган. Биринчи назария бўйича ҳомила гипоксияси, туғилган бола вазнининг камлиги, кесар кесиш, онасида қандли диабет мавжудлиги асосий хавфли омиллар ҳисобланади дейилган. Иккинчи назария – ўпка назарияси – бу назария бўйича ўпканинг чала туғилиши сурфактант миқдорининг камлигига сабаб бўлади. Аслида сурфактант ҳомила ичи даврининг 23-ҳафтасида ишлаб чиқарилиб бошланади ва 36-ҳафтасида максимумга етади. Сурфактант босимни фаоллаштирувчи омил бўлиб, ўпка паренхимаси юзаси ва ҳаво ўртасида юзаки босимни камайтиради (электрмикрос). Айрим олимлар таъкидлашича ГМК сабаблари қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:  $\alpha 1$ -антитрипсин,  $\alpha 2$ -макроглобулин етишмаслиги, альвеоляр эпителийнинг гиперсекрецияси, профибринолизинни фаоллаштирувчи омилнинг дефицити, ацидоз оқибатида гемодинамиканинг бузилиши ва кенгайган

қон томирлардан альвеолалар бўшлиғига трасудациянинг кучайиши ва марказий нерв тизими вегетатив қисмининг дистонияси. ГМ механизми қуйидагича тушунтирилади, ДВС оқибатида қонда плазминоген микдорининг камлиги, фибринолизин фаоллигининг пасайиши, тромбоцитопения, фибриноген микдорининг камайиши ўпкада фибрин деградациясига, қоннинг локал ҳолда ивишига олиб келади. ГМ этиологиясида ўпка тўқимасида вирусларнинг мавжудлиги ҳам катта ўрин эгаллайди.

ГМК яна бир сабаби, бу – ўпка тўқимасининг гипоплазияси, яъни барча тўқима тузилмаларининг, жумладан II-типтаги альвеолоцитларнинг сон ва сифат жиҳатидан туғма ҳолда камлиги ҳисобланади. Ўпка гипоплазияси, бу – ўпка структур элементлари: бронхлар, паренхима, қон томирлар, альвеолалар девори тузилмаларининг онтогенезда ривожланмай қолишидир. Адабиёт маълумотлари бўйича ўпка гипоплазиясининг учраш даражаси ўртача 10000 чақалоқлардан 14 тасида учрайди [4,18]. Ҳақиқий ўпка гипоплазияси ҳолатларида ўлим кўрсаткичи 75% ташкил қилади. Ўпка гипоплазияси бош аъзолар туғма нуқсонлари билан бирга келади. Ўпка гипоплазияси келиб чиқиши бўйича бирламчи ва иккиламчи кўринишда бўлади. Бирламчи гипоплазия, бу ўпканинг чин аномалияси бўлиб, жуда кам учрайди. Иккиламчи ўпка гипоплазияси нисбатан кўп учрайди ва унинг сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин: 1) кўкрак қафасининг яхши ривожланмаганлиги, диафрагманинг туғма чурраси, ўпканинг туғма мальформацияси; 2) марказий нерв тизимининг шикастланиши оқибатида нафас олиш ҳаракатларининг бузилиши; 3) ўпкада суюқлик ушлаб қолишининг бузилиши, бу буйрак касалликларида кузатилади; 4) юрак туғма нуқсонлари, ўпка артерияси тизимининг бузилиши.

Ўпка гипоплазияси морфологик жиҳатдан аъзо вазнининг камлиги, нафас йўллари ва альвеолалар хужайравий таркибининг етишмаслиги билан намоён бўлади [6,10,19]. Бу ўзгаришларнинг механизми гестациянинг 16-ҳафтасидаги ўпка ривожланишининг псевдобезли даврининг бузилиши, яъни бронхлар редукцияси, ацинуслар такомил топишининг ўзгариши, ҳамда васкуляризациянинг орқада қолишига боғлиқ. Ундан кейинги даврда ҳам гипоплазия кузатилади, бунга сабаб ацинуслар ташкил топишининг бузилиши ва етилиши ҳисобланади.

Ўпка гипоплазияси морфогенези икки хил кўринишда давом этади [1,15]. Биринчи механизмда ўпка ўсишдан орқада қолиб, чала ривожланганлигича сақланиб қолади. Бу нафас йўллариининг торлиги, эпителийси шаклланишининг орқада қолиши, аэрогематик тўсиқнинг чала ривожланиши билан намоён бўлади. Иккинчи механизмда ўпканинг чала ўсиши, гестация даврига боғлиқ ҳолда ўсмай қолиши кузатилади. Бунда II-типтаги альвеолоцитлар микдори етарли бўлиши мумкин, лекин сурфактант синтези камлигидан функционал етишмаслик кузатилади. Ўпка гипоплазиясининг аниқ кўрсаткичи сифатида ўпка вазнининг тана вазнига нисбати коэффициенти олинади [5,12]. Умумий олганда меёрда ўпка вазни тана вазнининг 1,2% ташкил қилади. Бу коэффициент меёрда 0,018-0,022. Гестациянинг 28-ҳафтасида бу коэффициент 0,015 ни ташкил қилади.

Микроскопик жиҳатдан ўпка гипоплазиясини кўрсатувчи яна бир морфологик белги, бу респиратор бронхиолага туташган бир чизикда жойлашган радиал альвеолалар сони ҳисобланади. Бундай альвеолалар сони гестациянинг 24-27-ҳафтасида –  $2,2 \pm 0,6$ , 28-31-ҳафтада –  $2,6 \pm 0,8$ , 32-35-ҳафтада –  $3,2 \pm 0,9$ , 36-39-ҳафтада –  $3,6 \pm 0,9$ , 40-ҳафтада –  $4,4 \pm 0,9$ , туғилгандан кейинги 1-ҳафталикда –  $5,5 \pm 1,38$ , 5-9-ойликда –  $6,6 \pm 1,68$ , 10-15 ойликда –  $7,0 \pm 1,68$ , 15-22-ойликда –  $7,1 \pm 1,75$ , 28-30-ойликда –  $7,2 \pm 1,42$  тани ташкил қилади.

Ўпка ГМК сабаблари орасида ДВС синдром ҳам катта аҳамиятга эгаллиги айтиб ўтилди (ДВС синдром). Авваламбор ДВС синдромини аниқлаш керак бўлади, лекин бунда бир қатор қийинчиликларга дуч келинади: 1) бу касаллар конидан керакли микдорда қон олиб бўлмайди; 2) бундай болаларда физиологик ҳолда қон ивиш тизими паст бўлади, яъни фибринолизин ва калликреин-кинин тизими паст бўлади; 3) организмда полиглобулия ва гемостаз бузилганлигидан гемостазни аниқлаш қийинлашади. Чақалоқлар илк постнатал даврида гемостази тез бузилади, бунга сабаб тромбоцитопения борлиги. ГМКда ўпкада қон

куйилиш ўчоқларининг пайдо бўлиши, чақалоқларнинг 2-5-кунлик пайтида К-га боғлиқ қон ивйтиш омилларининг чуқур даражада бузилиши ҳисобланади. Бу эса ҳомиладор аёлга ҳар хил муолажалар қилиш оқибатида ривожланади, жумладан антикоагулянтлар ва антибиотиклар қўллаш, киндикни эрта боғлаш, кўкракга кеч олиш ва мальабсорбция синдромининг мавжудлиги.

Чақалоқларда ДВС ўзига хос белгилар билан ривожланади. Асосий омиллар сифатида туғруқдаги жароҳатлар, йўлдошдан узилиб, ўпка орқали қон айланишининг бошланиши, ташқи муҳитдан кўп сонли микроорганизмларнинг таъсири ҳисобланади. Чақалоқлар ДВС сабаблари: йўлдошнинг эрта узилиши; асфиксия ва ацидоз, инфекциялар; қон гуруҳи ва резус омилда фарқнинг бўлиши; РДС; чала туғилиш.

**Патогенез.** Сурфактант етишмас ателектазлар ривожланади, натижада ўпканинг қолдиқ функционал ҳажми, нафас олиш ҳажми, ҳаётий ҳажми камайиб, ўлик анатомик бўшлиқ пайдо бўлади. Натижада ўпка иши тезлашади, қон шунтлашади, ўпка гиповентиляцияси кучаяди. Бунинг фонида альвеола-капилляр мембрана ўтказувчанлиги ошиб, капиллярларда қон димланади, диффуз интерстициал шиш ривожланади, лимфа томирлар чўзилиб кенгайди. Сурфактант етишмаслигининг дастлабки оқибатлари сифатида гипоксемия, гиперкапния, респиратор-метаболик ацидоз ривожланади. Авж олиб борувчи нафас етишмаслиги оқибатида юрак-томир функцияси бузилади, иккиламчи ўпка гипертензияси ривожланиб, фетал қон томирлар орқали қон шунтланади, миокард дисфункцияси, тизимли гипертензия ва микроциркуляция бузилиши кузатилади [3,4,14,17].

Ацидоз ва гипоксия ўпка артерияларини спазмга учратади, альвеоляр тўқимада шиш ривожланади, сурфактант синтези тўхтайтиди. Артериялар спазми томирларда қон босимининг ошишига олиб келиб, қоннинг ўнгдан чапга шунтланиши кузатилади, натижада ўпка капиллярлари девори гипоксик шикастланишга учрайди. Атроф тўқима плазма оқсиллари билан шимилади, жумладан фибриноген ҳам чиқади ва гиалинли мембраналар пайдо бўлади. Натижада ўпка альвеолаларининг нафас олиш юзаси блокланади, ўткир нафас етишмаслиги ривожланади.

ГМ касаллиги ҳам клинисистлар, ҳам патологлар томонидан фаол ўрганилган. Лекин, ушбу мавзу бўйича бир қатор илмий ишлар бўлсада, унинг патогенез ва морфогенези бўйича кўп масалалар очиқ қолмоқда. Узоқ хорижий олимлар томонидан аутопсия материалида сариқ гиалинли мембрана (СГМ) касаллиги 1976 йилда ёзиб қолдирилган [8], лекин рус тилидаги адабиётларда бунга ўхшаш маълумотлар йўқ. Бу касалликда чала туғилган чақалоқлар ўпкаси макроскопик жиҳатдан кесиб кўрилганда оч сариқ тусга кирганлиги аниқланади. Микроскопияда ўпка ҳаво йўллариининг 5-23-генерацияси бўшлиғида, бронхиолалардан альвеолалар бўшлиғигача сариқ ёки самон-сариқ рангли тасмасимон ва ҳалқасимон модда борлиги аниқланади. Клиник жиҳатдан қонда билирубин миқдори ошганлиги кузатилади. Ўпканинг бу касалликда сариқлигини бошқа бир олим [9] ҳам буронхопульмонал касалликни ўрганишда айтиб ўтган, лекин альвеолалар бўшлиғидаги сариқ рангли ГМ борлиги, ҳаво таркибидаги кислородга, боланинг яшаган кунларига, РДС морфологик намоян бўлишига боғлиқлик томони йўқлигини таъкидлашган. Айрим ҳолларда СГМ мавжудлигида сариқлик [8,19], гиперпротеинемия, холестаза ва гипербилирубинемия (8) ривожланишини таъкидлашган. Бошқа олимлар эса сариқликнинг ГМ касаллигига алоқаси йўқ деб таъкидлашган. Ўпка альвеолалари бўшлиғида пайдо бўлган СГМ морфологик жиҳатдан ГМКга ўхшаганлиги учун уни СГМК деб номлаган. Рангсиз ГМ пайдо бўлиши эса бинафша гиалинли мембрана (БГМ) касаллиги деб белгиланган.

Сариқ ГМнинг бутун тафсилотлари ўрганилгандан кейин, аниқланишича у билирубин билан бирикган альбуминдан иборат эканлиги тасдиқланган [8,11].

Turkel S.B., Marr J. R. (12) томонидан 10 йил давомида ретроспектив текширув ўтказиш натижасида бу касалликга статистик баҳо берилган. Бунда 1077 та аутопсия материали ўрганилган, ундан 667 тасида морфологик жиҳатдан бинафша ва сариқ ГМ тасдиқланган. Бинафша ГМ 499 тасида, сариқ ГМ – 168 тасида аниқланган. Натижаларда аниқланишича,

СГМКга нисбатан БГМК билан туғилганларда гестация даври ва тана вазнининг камлиги кузатилган. Аниқландики, чақалоқлар туғилгандан кейин 3-кунгача ГМК кўп учраганлиги, кейинги пик 7-кунга тўғри келганлиги кузатилди. Болалар ўлими бу касалликдан кўрсаткичи 2-3-кунга ва 5-дан 10-кунгача кузатилди. ГМКда гестация даврининг нисбий камлиги жигар гепатоцитлар метаболизми томонидан билирубинни чиқазиши секинлашишдан далолат беради. ГМК чала туғилган чақалоқларда кузатилишида нафас, юрак-томир, нерв ва эндокрин тизимлар аъзоларининг чала ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиш мумкинки, СГМК мавжудлигини қуйидаги меъзонлар асосида тахмин қилиш мумкин: 1) чала туғилиш (27-32 ҳафталарда); 2) туғилганда бола вазни 1000-1500 г бўлиши; 3) туғилгандан кейинги 2-3-кунда боланинг аҳволи ёмонлашиши; 5) гипопроотеинемия, гипербилирубинемия, тромбоцитопения.

СГМК бағишланган йирик бир илмий ишда СГМ нинг боланинг яшаган кунларига боғлиқлиги аниқланди (18). Ҳамда СГМК сариклик ҳолатига ҳам боғлиқлиги тасдиқланган. Лекин ўпкадаги ўткир қон қуйилишлар, гемосидирин қагоцитозлаган макрофаглар мавжудлиги СГМК механизмини тушинишга ёрдам берганлиги кўрсатилган. Кўрсатилишича макрофаглардаги оксидаза ферментининг борлиги, маҳаллий ҳолда эритроцитларни метаболизмга учратиб, билирубин пайдо қилиши мумкин эканлиги ва у ГМга қўшилиб унинг рангини сариқга бўяши мумкинлиги тасдиқланган [3,8,11].

Немец олимлари Miller K. M. Berkel H.D. (11) ўз ишларида бинафша ва сариқ ГМ пайдо бўлиш механизмини ДВС синдромга боғлаб ўрганган, кўрсатилишича, дастлаб ўпкада қон айланиши бузилиб, аэрогематик тўсиқни шикастлайди ва бинафша ГМ пайдо бўлади, кейин билирубин албумин билан қўшилиб, шикастловчи таъсирни кучайтиради. Юқорида кўрсатилган жараёнлар бронхоўпка дисплазияси учун хос деструкцияланган ўзгаришларнинг бир даври ҳисобланади [2,9,11]. Булар ГМКнинг ҳар хил морфологик белгиларини тушинишда ёрдам беради.

ГМ ўпканинг респиратор қисмида некрозланган хужайралар ва қон таркибидан чиққан плазма оксилларидан пайдо бўлади ва кейин альвеолацитларни шикастлайди [11]. Айтиш керакки, ГМ сариқ рангга бўялиши қондаги оксиллар ва билирубин миқдорига боғлиқ. Қачонки, бу ГМ кўз билан кўрилганда сариклиги аниқланса СГМ дейилади. Агар билирубин миқдори нисбатан кам бўлса, ГМ микроскоп остида аниқланади ва бинафша ГМ дейилади.

Ўпка гиалинли мембрана касаллиги ривожланишида сурфактант тизим ҳолатининг аҳамияти катта ҳисобланади. Сурфактант атамаси инглиз сўзлар йиғиндисидан олинган бўлиб, surface active agents (англ.) — поверхностно-активные вещества – юзаки фаол модда дегани (биохимия). Ўпка сурфактант тизими 3 та таркибий қисмдан иборат: 1) хусусий сурфактант, 2) гипофаза – тагида тўшаладиган гидрофил қатлам, 3) хужайрафий таркиб – II-типдаги альвеолацит. Сурфактант, бу - II-типдаги альвеолацит ва клара хужайралари томонидан синтезланадиган юзани қопловчи фаол модда. Унинг 90% ёғлардан: шундан 80% фосфолипидлар (фосфотидилхолин – лецитин) ва 10% нейтрал липидлар; сурфактант курук вазнининг 8% А.В.С протеинлардан иборат. Сурфактант вазифалари: нафас чиқаришда альвеолаларнинг ёпилишига тўсқинлик қилади; ўпка эпителийсини шикастланишдан сақлайди; Грамм + бактерияларга нисбатан бактериоцид таъсир кўрсатади; микроциркуляцияни бошқаради, альвеолалар девори ўтказувчанлигини мустаҳкамлаб, шишнинг олдини олади.

Сурфактант ишлаб чиқарилишининг 2 та йўли мавжуд: эрта синтез – гестациянинг 20-24-ҳафтасида таркибий қисми лецитиндан иборат этаноламиннинг метилланишидан синтезланиш, у гипоксемия, гиперкапния, ацидоз ва гипотермияга чидамли. Кечги синтез – гестациянинг 36-ҳафтасидан бошлаб ривожланадиган фосфатидилхолинли йўл, бунда асос бўлиб I-типдаги лецитин ҳисобланади. Сурфактантнинг яримпарчаланиш даври 10-20 соатни ташкил қилади. Гестациянинг 20-ҳафтасида ўпка тўқимаси гомогенатида сурфактант концентрацияси кам миқдорда ва у ўпка тўқимасида аҳамияти кам. Сурфактант гестациянинг 28-32-ҳафталарда қағоноқ сувида пайдо бўлади, унинг энг юқори миқдор кўрсаткичи

35-хафтада максимумга етади. Сурфактант ишлаб чиқарилиши кўпинча тана ҳароратига ва ўпка перфузиясига боғлиқ. Асфиксия, гипоксемия, ўпка ишемияси, гиповалемия, шок, тананинг совуши сурфактант синтезини секинлаштиради. Интенсив терапияда ўпкада кислороднинг кўпайиши ҳам альвеолар эпителийни шикастлаб, сурфактант синтезига манфий таъсир кўрсатади.

ГМ касаллиги патогенезида ўпка тўқимасининг чала ривожланиши, сурфактант етишмаслиги чала туғилган чақалоқларга хос бўлиб, гипоксия, гипоксемия, гиперкапния, ацидозга олиб келади. Булар эса альвеолалар деворидаги капиллярларни спазмга учратади, сурфактант синтезини секинлаштиради, рН 7,15-7,2 дан тушиб кетса синтез тўхтайдди. Артериялар спазми қон босими ошишига олиб келади ва ўпкада ўнгдан чап томонга шунтланиш ривожланади, натижада капиллярлар девори гипоксик шикастланишга учрайди, қондан плазма оксиллари, жумладан фибриноген чиқиб, альвеолалар бўшлиғида фибрин ва гиалин мембраналар пайдо қилади. Натижада ўткир нафас бузилиши синдроми ривожланади.

Ўпка сурфактант тизими 3та таркибий қисмдан иборат: 1) хусусий сурфактант, 2) гипофаза – тагида тўшаладиган гидрофил қатлам, 3) ҳужайравий таркиб – II-типдаги альвеолацит. Сурфактант, бу - II-типдаги альвеолацит ва Клара ҳужайралари томонидан синтезланадиган юзани қопловчи фаол модда. Унинг 90% ёғлардан: шундан 80% фосфолипидлар (фосфотидилхолин – лецитин) ва 10% нейтрал липидлар; сурфактант қуруқ вазнининг 8% А.В.С протеинлардан иборат. Сурфактант вазифалари: нафас чиқаришда альвеолаларнинг ёпилишига тўсқинлик қилади; ўпка эпителийсини шикастланишдан сақлайди; Грамм + бактерияларга нисбатан бактерицид таъсир кўрсатади; микроциркуляцияни бошқаради, альвеолалар девори ўтказувчанлигини мустаҳкамлаб, шишнинг олдини олади [7,15,20].

Сурфактант синтезини стимуллашчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади: глюкокортикоидлар, тиреоид гормонлар, эстрогенлар, адреналин ва норадреналин. Сурфактант ишлаб чиқарилишининг 2та йўли мавжуд: эрта синтез – гестациянинг 20-24-хафтасида таркибий қисми лецитиндан иборат этаноламиннинг метилланишидан синтезланиш, у гипоксемия, гиперкапния, ацидоз ва гипотермияга чидамли. Кечги синтез – гестациянинг 36-хафтасидан бошлаб ривожланадиган фосфатидилхолинли йўл, бунда асос бўлиб I-типдаги лецитин ҳисобланади. Сурфактантнинг яримпарчаланиш даври 10-20 соатни ташкил қилади. Сурфактантнинг меъра ишлаб туришида бошқа омиллар, жумладан фосфатидилглицерин ва фосфатидилинозитол аҳамияти катта. Сурфактантнинг парчаланиш даври 10-20 соатни ташкил қилади.

ГМ диагнози билан ўлган болалар мурдаси аутопсиясида ўпка тўқ қизил рангли, қаттиқ-эластик консистенцияли, кесими юзасида бир текис донатор кўринишда. Микроскопияда ГМК бошлангандан кейинги 8-12-соатларида альвеолалар оралиғи тўқимасида томирлар тўлақонлиги ва шиш ривожланганлиги аниқланади. Майда-майда қон қуйилиш ўчоқлари мавжудлиги топилади. Аксарият бронхиолалар ва альвеолалар бўшлиғида эозинофил бўялган гиалинли мембраналар аниқланади. Бу билан бирга нафас йўллари ва альвеолалар бўшлиғида ацидофил бўялган лахта-тахта кўринишидаги модда борлиги топилади. Болаларнинг бироз кечики даврда ўлганида, ўпка микроскопиясида альвеолалар деворига жипслашган қўпол кўринишдаги гиалинли мембраналар аниқланади [11,16,19]. ГМ пайдо бўлиши хақидаги дастлабки назария бўйича, у қағонок суви аспирациясидан кейин пайдо бўлади дейилган. Кейинги таълимотлар бўйича, ГМ ўпка қон томирлари ўтказувчанлигининг ошишида, плазморрагия ва шиш ривожланганда кузатилади, гемодинамика бузилишининг авж олиб бориши унинг ҳам кўпайишига сабаб бўлади (6 серикбай 2).

Глуховец Б.И. ва ҳаммуаллифлар (2006) томонидан ўтказилган тадқиқотларда, яъни тана вазни экстремал ҳолда паст туғилган чақалоқларда учраган РДСнинг асосий морфологик кўриниши бўлган гиалинли мембраналарнинг патоморфологик тавсифини гестация даврига, чақалоқларнинг яшаган кунига, йўлдошнинг ялиғланиши, яъни мембранит, плацентит, фолликулитга боғлаб ўрганилган. Натижада жами 122 та тана вазни 500 дан 999 гр,

гестация даври 22-28-ҳафталик, чақалоқларнинг яшаш даври бир неча соатдан 111 соатгача бўлганлар ўпкаси ўрганилган. Улардан 23 таси, яъни 18,9%да ГМК аниқланган. Морфологик жиҳатдан ГМК икки хили аниқланган – типик альвеолалар девори олди мембраналари, иккинчиси ўпканинг ателектазга учраган соҳаларида жойлашган обтурацияловчи мембраналар. Биринчиси ўпканинг кенгайган альвеолалари бўшлиғида кенг миқёсда тўр кўринишидаги майда толали мембраналар кўринишида намоён бўлган. Гиалин мембраналар пайдо бўлиш қонуниятлари чақалоқлар яшаш ҳаётининг давомийлигига боғлиқлиги аниқланди. Бунда, ГМ нисбатан етилган, яшаб кетишга мойил чақалоқларда кўп учради (36,4%), нисбатан етилмаган ва туғилгандан кейинги дастлабки соатларда ўлган болаларда кам учради (9,2%). Ўпкада ривожланган патоморфологик ўзгаришлар ўрганилганда аниқландики, ГМ пайдо бўлиши учун ўпканинг постнатал гиперемияси, веноз тўлақонлиги ва диapedез қон қуйилишлар маълум даражада шароит яратади. Ўпкага қон қуйилишлар 9,2% ҳолатда аниқланди ва бу ҳолат нисбатан етилган чақалоқларда кўпроқ учради. Чақалоқларнинг яшаб қолиш даври узунлашган сари, уларнинг ўпкасига қон қуйилишлар гемасидероз пайдо бўлиши билан тасдиқланди. ГМ учраш даражаси ва намоён бўлишининг белгилари ҳомиладорлик даврининг узунлашишига, чақалоқнинг яшаб қолиш даврининг ҳам узунлашишига ва интенсив терапия ўтказилишига боғлиқлиги аниқланди. Чақалоқларнинг ҳомила даврида қағоноқ суви билан зарарланиши утроб (қорин ичи) даври пневмониясига сабаб бўлиши кузатилди. Ўпкада утроб ичи пневмонияси ривожланишида альвеолалар ичида ГМ пайдо бўлиши кўпайганлиги топилди [4,9,13].

Гиалинли мембраналар морфологик жиҳатдан уч хил кўринишда намоён бўлади: биринчи даври чақалоқ туғилган зоҳати ривожланиб – сийрак палахса тўпламлар кўринишида; иккинчи даври – туғилгандан 6 соат ўтиб, эозинофил зич моддалар пайдо бўлиши, учинчи даври – 3 кун ўтгандан сўнг ГМ фрагментланиши, лизисланиши ва макрофагал реакция ривожланиши билан намоён бўлади [9,18].

Ўпка ГМКда макроскопик жиҳатдан гепатизация шаклига кирганлиги, бинафша рангли, шишган плевра билан ўралган, юзаси лакланган кўринишга кирганлиги кузатилади. Гистологик жиҳатдан ателектаз ўчоқлари мавжудлиги, альвеолаларни қопловчи хужайраларнинг шикастланиши ёки йўқлиги ва бўшлиғида гиалинсимон парадалар пайдо бўлганлиги, унинг орасида десквомацияланган эпителий, қон таначалари ва макрофаглар борлиги аниқланади [8,11].

Ўпка ГМК патологик анатомияси бир қатор олимлар томонидан ёзиб қолдирилган. Бунда ГМК учта даври фарқ қилинади. Биринчи даврида гиалинли мембраналар альвеоляр тўқимада шиш ва плазморрагия асосида унча катта бўлмаган, сийрак эозинофил бўялган тасмалар кўринишида намоён бўлади. Иккинчи даврида – туғруқдан 6 соат ўтгандан кейин ГМ зич эозинофил моддалар кўринишида, альвеолалар ва бронхиолалар юзасини қоплаган, альвеолоцитлар некробиоз ҳолатдалиги кўринишида намоён бўлади. Учунчи даврида – чақалоқларнинг 3 кунлигида ГМ толалари макрофаглар томонидан сўрилиб парчаланганлиги, лизисланганлиги ва альвеолалар бўшлиғи тозаланганлиги аниқланади.

Электрон микроскопда ўрганилганда ГМ толалари донатор ва фибрилляр тузилишга эгаллиги, орасида эпителий хужайралари билан бирга баргсимон таначалар борлиги аниқланади. Альвеолалар юзаси осмиофил модда билан қопланганлиги, альвеолоцитларнинг некротланганлиги, капиллярлар эндотелийси қалинлашганлиги кузатилади. ГМ ҳар хил субстантлардан иборатлиги, жумладан плазма оксиллари, гемоглобин, фибрин, нуклео- ва мукопротеинлардан иборатлиги аниқланади.

Хайвонлар ўпкасида ГМ шаклланишини блеомицин таъсирида Рыжавский Б.Я., Лебедько О.А. (2015) ўрганган. Бунда хайвонларга 1 мг/г миқдорда бир марта блеомицин киритилгандан кейинги 4-кунда оксидатив стресс ривожланиши натижасида ўпка альвеолалари бўшлиғида гиалинли мембраналар пайдо бўлганлиги тасдиқланган. Препарат киритилиши кўпайтирилганда хайвонлар ўпкасида деструктив ўзгаришлар ривожланганлиги: микрокисталар, ателектаз ўчоқлари, интерстициал тўқиманинг қалинлашиши кузатилган. Бу

Ўзгаришлар хайвонларда 14 кунгача сақланганлиги кузатилагн. Бу билан хайвонларда ГМК моделлаштириш мумкинлиги тасдиқланган. Хулоса қилиш мумкинки, чақалоқларда ҳам агар чала туғилган бўлса, туғруқдан кейинги илк кунларида оксидатив стресс ривожланиши мумкин ва у ГМ пайдо бўлишига олиб келади.

Ўринбосаров С.О. ва Надеев А.П. лар орол денгизи ҳудуди аҳолиси орасида перинатал йўқотишнинг нозологик структураси ва перинатал даврда ўлганлар материалида ўпка касалликларининг патоморфологик белгилари ўрганилган. Аутопсия текшируви натижаларида, қачонки асосий касаллик сифатида ўпканинг бирламчи ателектазлари аниқланганда, ўпка макроскопик жиҳатдан ҳавосиз, ҳажми кичиклашган, кўкиш рангга кирган, юзаларининг яссиланганлиги, плевра бўшлиғини тўлдириб турганлиги аниқланди. Плевра вароқлари тоза ва унда кўп сонли майда ўчоқли қон қуйилишлар борлиги кузатилди. Ўпка пайпаслаб кўрилганда хамирсимон-эластик консистенциялиги, кесимида тўқимаси кўкиш-қизил рангга эканлиги ва тўлақонлик кўринишдалиги аниқланди. Микроскопик жиҳатдан, бирламчи ателектаздан ўлганлар ўпкасида ателектаз ўчоқлари полисегментли кўринишда, баъзида бўлакчаларга тарқалганлиги кузатилди. Альвеолалар деворида эластик ва коллаген толалар миқдори камлиги, силлиқ мушак ҳужайралари чала ривожланганлиги аниқланди. Альвеолоцитлар бўкиб катталашганлиги, массив ҳолда десквомацияга учраганлиги ва субэпителлий соҳасида кучли шиш ривожланганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Ўпканинг ГМК РДСнинг энг асосий ва оғир кечувчи формаси ҳисобланади. Чақалоқларда ўпканинг ГМК биринчи бўлиб 1903 йилда Hochheim томонидан, кейин 1925 йилда Johnson и Meyer, 1931 йилда Faber и Sweet томонидан ўпкани микроскопик текширув натижасида ёзиб қолдирган. 1961 йилда van Breeman и Saupriche томонидан электрон микроскоп ёрдамида гиалинли мембраналар толаларининг ультраструктур тузилиши ва табиати ўрганилган. Олдинги Совет Иттифоқи даврида ГМК морфологик жиҳатдан А. Н. Сержаниной и К. Ю. Гулькевичем (1963) ёзиб таърифи берилган.

Чақалоқларнинг барча касалликлари орасида респиратор бузилишлар 2-ўринда туради (8,8%) ва кўпинча чала туғилган, ўпкасида морфофункционал етишмаслиги бўлган чақалоқларда кўп учрайди. РДС янги туғилган болаларда 6-12% ташкил қилади, тана вазни экстремал паст бўлганларда 0,4-0,5%да учрайди (Голубев, 2008 2). Бу касаллик сабаби чақалоқлар ўпкасида эндоген сурфактантнинг бирламчи етишмаслиги, нафас олиш мускулларининг сустлиги ва мустақил нафас олиш қийинлиги ҳисобланади. ГМК учраш даражаси турли давлатларда ҳар хил даражадалиги аниқланган. Россия федерациясида жами неонатал ўлимнинг 18,4% РДС га тўғри келган, кишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан кўп учраши кўрсатилган. Бизда, яъни Ўзбекистон ҳудудларидан Орол денгизи атрофи туманларида кўп учрайди. Масалан ушбу туманларда 2004 йили – 24,0%, 2005 йили – 15,6%, 2006 йили – 17,0%, 2007 йили – 9,5%, 2008 йили – 18,9%ни ташкил қилди.

ГМК хавфли омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: гестация даври 35 ҳафтадан кам бўлиши, морфофункционал етилмаган чақалоқлар, ўтқир ва суринкали гипоксия ўтказган болалар, қандли диабет, гипотиреози ва бошқа эндокрин касаллиги бўлган оналардан туғилган болалар, кесар кесиш билан туғилиш, йўлдошнинг эрта кўчиши ва қон кетиши, туғма ва наслий касалликлар, туғруқда МНТ шикастланиши. ГМК нинг асосий сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин: 1) нафас йўллари обструкцияси; 2) ўпка паренхимаси шикастланиши; 3) ривожланиш нуқсонлари – ўпканинг агенезия ва гипоплазияси, ўпка кистаси, туғма эмфизема, кўкрак қафси ўсмаси, диафрагмал чурра; 4) ўпкадан ташқари сабаблар – туғруқдаги асфиксия, юрак туғма нуқсонлари, шок. Патогенезида асосан сурфактант етишмаса, натижада ўпканинг қолдиқ функционал ҳажми, нафас олиш ҳажми, ҳаётий ҳажми камайиб, ўлик анатомик бўшлиқ пайдо бўлади. Натижада ўпка иши тезлашади, қон шунтлашади, ўпка гиповентиляцияси кучаяди. Бунинг фониди альвеола-капилляр мембрана ўтказувчанлиги ошиб, капиллярларда қон димланади, диффуз интерстициал шиш ривожланади, лимфа томирлар чўзилиб кенгаяди. Сурфактант етишмаслигининг дастлабки оқибатлари сифатида гипоксемия, гиперкапния, респиратор-метаболик ацидоз ривожланади.

Патоморфологик жиҳатдан гиалинли мембраналар уч хил кўринишда намоён бўлади: биринчи даври чақалоқ туғилган зоҳати ривожланиб – сийрак палахса тўплалар кўринишида; иккинчи даври – туғилгандан 6 соат ўтиб, эозинофил зич моддалар пайдо бўлиши, учинчи даври – 3 кун ўтгандан сўнг ГМ фрагментланиши, лизисланиши ва макрофагал реакция ривожланиши билан намоён бўлади (Ардашкин). Ўпка ГМКда макроскопик жиҳатдан гепатизация шаклига кирганлиги, бинафша рангли, шишган плевра билан ўралган, юзаси лакланган кўринишга кирганлиги кузатилади. Гистологик жиҳатдан ателектаз ўчоқлари мавжудлиги, альвеолаларни қопловчи хужайраларнинг шикастланиши ёки йўқлиги ва бўшлиғида гиалинсимон парадалар пайдо бўлганлиги, унинг орасида десквамацияланган эпителий, қон таначалари ва макрофаглар борлиги аниқланади (кл-морф ГМК). Электрон микроскопик жиҳатдан ГМ толалари донадор ва фибрилляр тузилишга эгаллиги, орасида эпителий хужайралари билан бирга баргсимон таначалар борлиги аниқланади. Альвеолалар юзаси осмиофил модда билан қопланганлиги, альвеолитларнинг некрозланганлиги, капиллярлар эндотелийси қалинлашганлиги кузатилади. ГМ ҳар хил субстантлардан иборатлиги, жумладан плазма оксиллари, гемоглобин, фибрин, нуклео- ва мукопротеинлардан иборатлиги аниқланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аряев Н.Л., Котова Н.В. Детская пульмонология. Украина, 2005. С. 134-143.;
2. Байбарина Е. Н., Антонов А. Г., Ленюшкина А. А. Клинические рекомендации по уходу за новорожденными с экстремально низкой массой тела при рождении // *Вопр. практической педиатрии*. 2006; № 4 (1). С. 96—97.;
3. Геппе Н. А., Волков И. К. Перспективы развития и проблемы детской пульмонологии в России // *Пульмонология*, 2007. № 4. С. 6.;
4. Глуховец Б.И., Гайворонский И.В. и др. Патогенетические особенности синдрома дыхательных расстройств у новорожденных с экстремально низкой массой тела // *Педиатрия* 2005., №4. С. 3-5.;
5. Голубев А.М. и др. Клинико-морфологические особенности дыхательных расстройств у недоношенных новорожденных // *Общая реаниматология*, 2008, №3. С. 49-55.;
6. Гребенников В. А., Миленин О. Б., Рюмина И. И. Респираторный дистресс синдром у новорожденных // *Вестн. мед.* 1995. №4. С. 46—47.;
7. Есипов И.К. Респираторный дистресс-синдром // *Педиатрия*. 2003. №2. С. 8-12.;
8. Жакота Д. А. Сравнительная клинико-морфологическая характеристика болезни розовых и желтых гиалиновых мембран // Автореф. дисс. .... канд. мед. наук. Москва, 2007. С. 91.;
9. Жакота Д.А. Болезнь желтых гиалиновых мембран // *Педиатрия*. 2005. № 1. С. 80-82.;
10. Рюмина И.И., Эйгенсон О.Б., Житова Е.П. Особенности течения синдрома дыхательных расстройств у недоношенных детей различного гестационного возраста // *Рос. вест. перинат и педиатр*. 1995. №1. С. 43-45.;
11. Серикбай М.К. и др. Морфологическая характеристика легких при гиалиновых мембранах у глубоко недоношенных новорожденных // *Modern state and ways of development*. 2015. P. 144-151.;
12. Синельникова В. М., Антонов А. Г. Преждевременные роды. Недоношенный ребенок. М.: ГЭОТАР.Медиа; 2006. С. 11—12.;
13. Туманова и др. Респираторный дистресс синдром как причина ранней неонатальной смерти ( по данным Росстата за 2013-2017 гг) // *Неонатология*. 2019. Том 7. № 3. С. 20-26.;
14. Цыпин Л. Е., Ильенко Л. И., Сувальская Н. А. и др. Лечение нарушения дыхания у новорожденных с респираторным дистресс синдромом // *Вестн. Интенс. Терапии*. 2006. №2. С. 45.;
15. Чувакова Т.К., Джаксалыкова К.К. Проблемы новорожденных с низкой массой тела // *Педиатрия и детская хирургия Казахстана*. 2000. №3. С. 12-14.;
16. Шабалов Н.Л. *Неонатология*. М. 2005. С. 509 – 518.;
17. Gortner L., Wauer R. R., Hammer H. et al. Early versus late surfactant treatment in preterm infants of 27 to 32 weeks' gestational age: a multicenter controlled clinical trial. *Pediatrics* 1998. 102 (5). P. 1153—1160.;
18. Greenough A., Milner A. D., Dimitriou G. Synchronized mechanical ventilation for respiratory support in newborn infants. *Cochrane Database of Systematic Reviews* 2002, Issue 2. Art. No.: CD000456. DOI:10.1002/14651858.;
19. Soll R. F., Morley C. J. Prophylactic vs. selective of surfactant for preventing morbidity and mortality in preterm infants. *Cochrane Database Systematic Reviews* 2000, Issue 4. Art. No.: CD000510. DOI:10.1002/14651858.;
20. Stevens T. P., Blennow M., Soll R. F. Early surfactant administration with brief ventilation vs selective surfactant and continued mechanical ventilation for preterm infants with or at risks for respiratory distress syndrome. *The Cochrane Library*, Copyright 2005, The Cochrane Collaboration. V. 1. 2005. P. 356-367.

**ЧАҚАЛОҚЛАР НАФАС БУЗИЛИШИ СИНДРОМИ ВА АТЕЛЕКТАЗНИНГ  
САБАБЛАРИ, ПАТОГЕНЕЗИ, МОРФОГЕНЕЗИ  
ВА ПАТОМОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ****Р. И. Исроилов<sup>1</sup>, З. И. Рузиева<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Республика патологик анатомия маркази, Тошкент, Ўзбекистон<sup>2</sup>Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон**Таянч сўзлар:** ателектаз, респиратор дистресс синдром, чақалоқлар.**Ключевые слова:** ателектаз, респираторный дистресс синдром, новорожденные.**Key words:** atelectasis, респираторный дистресс синдром, новорожденные**СИНДРОМ ДЕТСКОГО РЕСПИРАТОРНОГО РАССТРОЙСТВА И ПРИЧИНЫ, ПАТОГЕНЕЗ,  
МОРФОГЕНЕЗ И ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ СИМПТОМЫ АТЕЛЕКТАЗА****Р. И. Исроилов<sup>1</sup>, З. И. Рузиева<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Республиканский центр патологической анатомии, Ташкент, Узбекистан<sup>2</sup>Ташкентская Медицинская Академия, Ташкент, Узбекистан**SYNDROME OF CHILD RESPIRATORY DISORDER AND CAUSES, PATHOGENESIS,  
MORPHOGENESIS AND PATOMORPHOLOGICAL SYMPTOMS OF ATELECTASIS****R. I. Isroilov<sup>1</sup>, Z. I. Ruzieva<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Republican Center for Pathological Anatomy, Tashkent, Uzbekistan<sup>2</sup>Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

Чақалоқларда нафас олиш тизими касалликлари долзарб муаммолардан асосийси ҳисобланади. Чақалоқлар касалликлари ичида респиратор бузилиш хасталиклари 2-ўринда туради - 8,8%ни ташкил қилади ва аксарият ҳолларда нафас тизими аъзоларининг морфо-функционал хусусиятларига боғлиқ ҳолда чала туғилган чақалоқларда учрайди. Жумладан, чақалоқлар респиратор дистресс-синдроми умумий ҳолда 6-12%на ташкил қилса, чала туғилганларда – 1-1,8%, вазни жуда вазни кам чақалоқларда 0,4-0,5%ни ташкил қилади [2,5,7,12,15]. Ушбу касаллик ривожланишининг асосий сабаби чақалоқлар ўпкасида ички сурфактантнинг етишмаслиги, нафас мускулларининг сустлиги ва ўзи мустақил ҳолда нафас олалмаслик ҳолати ҳисобланади. Хорижий илмий адабиётларда “респиратор дистресс-синдром” ва “гиалин мембрана касаллиги” атамалари синонимлар ҳисобланади [14,17,21]. Чақалоқлар ўпкасида кўпинча бирламчи ателектазлар алоҳида нозологик бирлик кўринишида ривожланади. Бу чақалоқлар ўпкаси касалликларининг клиник дифференциал диагностикаси жуда қийин ҳисобланади.

Патологоанатомик текширувларда чақалоқлар ўлимининг бевосита сабаблари кўринишида респиратор бузилишлардан ателектазлар, шиш-геморрагик ўзгаришлар ва гиалинли мембраналар аниқланади. Чақалоқларда респиратор бузилишлар асосан ҳомиладорликнинг гестация даврига боғлиқ бўлади. Гестация қанчалик кам бўлса, касалликлар ривожланиш даражаси юқори, гестация даври узок бўлса, касалланиш шунчалик кам бўлади [2,9,16,20].

Демак, чала туғилган чақалоқларда респиратор бузилишларнинг асосий морфофункционал формалари сифатида бирламчи ателектазлар ва гиалинли мембраналар учрайди. Асосий хавфли омиллари сифатида интранатал ҳолда қағоноқ суви билан аспирацияланиш, натижада альвеолалар эпителийсининг шикастланиши ва капиллярлар девори ўтказувчанлигининг ошиши ҳисобланади.

Чақалоқлар нафас бузилиши синдроми (НБС), бу – чақалоқлар туғилгандан кейинги дастлабки кунларида ривожланадиган ноинфекцион жараён бўлиб, ўткир нафас етишмаслиги, сурфактант танқислиги, ўпка тизими тўқималарининг чала ривожланганлиги ва бошқа тизимлар иш фаолиятининг бузилиши билан намоён бўлади. НБС ҳам чала туғилган, ҳам етилиб туғилган чақалоқлар касалликлари ва ўлим сабаблари орасида муҳим ҳисобланади [1,3,8,13,17,23].

НБС ривожланишига хавф соладиган омиллар сифатида: гестация даври 35 ҳафтадан

кам даврда туғилиш, морфофункционал етилмасдан туғилиш, ўткир ва сурункали гипоксия, онасида қандли диабет, гипотиреоз ва бошқа эндокрин касалликлар бўлиши, эгизаклик, кесар кесиш билан туғилиш, йўлдошнинг барвақт узилиши, туғма ва генетик касалликлар мавжудлиги, бош мия жароҳати билан туғилиш. Маҳаллий сабабларига: нафас марказининг чалалиги, бронхлар торлиги, сурфактантнинг чалалиги, қавурғалар оралиғи мушагининг етишмаслиги, ўпка тўқимаси эластиклигининг пастлиги, нафас олишнинг тезлиги, брадипноэ.

Чақалоқлар ўпкаси ателектази, бу – туғилгандан кейинги 2 кун давомида бронхо-альвеоляр тўқиманинг ўзига хос тузилиши ва марказий бошқарилишига боғлиқ ҳолда ўпка альвеолаларининг очилмай қолиши ёки қайтадан ёпилиб қолиши ҳисобланади. Ателектазнинг сўзма-сўз таржимаси “тўлиқ очилмаслик” бўлиб, ўпканинг анатомик ҳолатини билдиради. Чақалоқлар ўпкаси ателектази “нафас бузилиши синдромига (НБС) киради. Унинг умумий ҳолдаги учраш даражаси, барча чақалоқларнинг 1% ташкил қилади, чала туғилганларда эса 14%да учрайди [2,3,5,7,12,22].

Педиатрия учун ателектаз муаммосининг долзарблиги, чақалоқлар бир ойлик даврида ўпка альвеоляр тўқимаси пучайиб қолиши сабабларининг кўплигидадир. Ателектазда альвеоляр тўқима нафас олиш юзасининг диффуз ҳолда ва нафас олишда қатнашиб турган қисмининг камайиши кузатилади. Маълумки, ўпка тўқимасида жами 300 млндан ортиқ альвеолалар мавжуд ва улар нафас олишда қонни ксилород билан бойитади.

Ателектаз нафас бузилиши синдроминаинг бир кўриниши бўлиб, неонатал даврда нафас етишмаслигининг асосий сабаби ҳисобланади. Унинг учраш даражаси гестация даври ва тана вазни қанчалик кичик бўлса, шунчалик юқори. Гестациянинг 30-ҳафтасида туғилган чақалоқларнинг ўртача 65%да, агар стероид гормонлар билан профилактика қилинса 35%да, гестациянинг 34-ҳафтасида туғилганларда 25%, профилактика қилинганда 10%да учрайди [Володин Н.Н. и соавт. 2007]. Сурфактант етишмаслигига олиб келадиган барча ҳолатлар НБСнинг хавфли омиллари ҳисобланади. Уларга ўпканинг чала ривожланиши, ҳомила асфиксияси, морфофункционал етишмаслик, ўпка-юрак мослашувининг бузилиши, ўпка гипертензияси, моддалар алмашинуви бузилиши, жумладан: ацидоз, гипопропротеинемия, гипоферментоз, электролитлар бузилиши киради.

Демак, ателектаз яшаб кетиши қийинлашган, нафас йўллариға қағоноқ суви тушган болаларда кўп учрайди. Агар ателектаз тарқоқ бўлса, деярлик барча ҳолатларда ўлим билан тугайди. Ўчоқли ателектазнинг оқибати нисбатан яхши, нимаға деганда вақт ўтиши билан ателектаз ўчоқлари очилиб кетиши мумкин. Лекин, чақалоқ меёрда туғилган бўлсада, унинг ўпка тўқимасига кучли патологик омиллар таъсир кўрсатса, ателектаз иккиламчи кўринишда ривожланади. Массив ателектазда чақалоқларда ташқи нафас бузилиб, ҳансираш ва бурун-лаб учбурчагининг кўкариши билан намоён бўлади. Агар ателектаз қисқа вақт ичида сўрилиб кетмаса ўпкада яллиғланиш ривожланади [4,8,11,19,23].

Чақалоқ туғилганда ҳаво дастлаб ўпкаға тушади. Бунда диафрагма кўкрак қафасида манфий босим пайдо қилади, сурфактант альвеолалар юзасида тарангликни ошириб, уларнинг бужмайишиға йўл қўймайди. Лекин чақалоқ туғилганда ўпкадаги сурфактант миқдори жуда кам бўлади.

Ҳалқаро тасниф бўйича ушбу патологиянинг аҳамиятиға қараб ва тарқоқлигини эътиборға олиб: ўчоқли, тотал ва субтотал ателектазлар фарқ қилинади. Ҳамда: туғма ва орттирилган ателектазлар мавжуд. Туғма формаси чала туғилганларда ўпканинг тўлиқ ривожланмаганлиги, нафас йўллариининг шилимшиқ ва қағоноқ суви билан тўсилишида кузатилади. Туғма ателектаз ривожланиши механизми шундан иборатки, аслида ҳомилада ўпка ҳавосиз пучайган ҳолатда бўлади ва биринчи нафас олишни кутиб туради, баъзида меёрий туғилган чақалоқларда ҳам физиологик ҳолда ателектаз ривожланиши мумкин, лекин у тез орада очилиб кетади.

Ателектаз тарқоқлиги бўйича ҳам таснифланади: агар битта ацинозда ривожланса ацинар ателектаз, бўлакда – бўлакли, сегмента – сегментар, бир бўлакда – бўлакли, барча ўпка

тўқимасида бўлса тотал ателектаз дейилади. Ателектаз баъзида ўпкага қағоноқ суви тушганда, антиалектатик омилнинг камлигида, ўпка туғма нуқсонларида, бош мия жароҳатида ва нафас маркази сустигида кузатилади.

Чақалоқларда бирламчи ателектазнинг сабаблари қуйидагилардир: нафас марказининг сустиги ва қўзғалишининг секинлашиши, респиратор тизимнинг чала ривожланганлиги, ўтказилган гипоксия ёки асфиксия, бош ёки орқа миянинг шикастланиши. Булардан ташқари бирламчи ателектаз сабаби сифатида қағоноқ суви билан аспирацияланиш синдроми ҳам ўрин эгаллайди. Бу синдром асосан бола кечикиб туғилганда ёки чала туғилганда кузатилади ва бола организмда гипоксия, гиперкапния, ацидоз ривожлантириб, нафас марказини қўзғайди, ҳомилада нафас олиш акти бошланади, ичак перисталтикаси кучаяди, меконий қағоноқ сувига тушади ва у нафас йўллари аспирациялайди. Нафас йўллари, яъни трахея, бронхлар, ўпка паренхимаси обструкцияланиб, яллиғланиб ателектазга сабабчи бўлади [2,5,9,15,19,23].

Голубев А.М ва бошқалар (2008) маълумотлари бўйича чала туғилган чақалоқларнинг деярлик барчасида ҳар хил даражадаги респиратор бузилишлар аниқланган. 43,6% чақалоқларда туғилгандан дарҳол ателектаз оқибатида ўткир нафас етишмаслиги аниқланган, 80-100 мин орасида тахипноэ сақланиб қолганлиги, бурун қанотларининг кенгайиши, нафас олишда иштироки ва бутун тананинг цианози кузатилган. 18,2% болаларда туғилгандан кейинг 1 соат ичида ўткир нафас етишмаслиги авж олиб борган. Фақат 10,9% чақалоқларда туғилгандан сўнг 8-24 соат ўтиб респиратор бузилишлар юзага чиқган. Патоморфологик текширишлар кўрсатишича, гестациянинг 24-27 ҳафталигида туғилганларнинг 12,7% бирламчи ателектаз аниқланган. Бунда бронхлар эпителийсининг кўчиб тушганлиги, бўшлиғи кенгайганлиги, альвеолалар йўли кенглиги, альвеолоцитлар яссиланганлиги ва ўпка тўқимасига қон қуйилганлиги кузатилган. Ўпка лимфа томирлари кенгайган, артериялар бўшлиғи бўш, веналар тўлақонли, баъзиларида тромлар пайдо бўлганлиги аниқланади. Ўпканинг чет қисмларида эмфизема ва массив қон қуйилиш ўчоқлари пайдо бўлган.

Иккиламчи ателектаз ривожланиш сабаблари бўйича: обструктив, коллапсли, контракцион – альвеолалар чандик тўқима билан сиқилганда, альвеолаларда сурфактант етишмаслигида ацинар, нафас бузилиши синдромида, жарроҳликдан кейинги, узоқ вақт ётиб қолган касалларда плеврит, перитонит, диафрагманинг фалажланишида ривожланади.

Ателектаз ривожланишида 3 та давр фарқ қилинади: 1) энгил – альвеолалар пучайиши; 2) ўрта оғирликдаги – ўпкада қон айланишининг бузилиши, ўпка шиши оқибатидаги; 3) оғир ателектаз – ўпканинг патологик тўқималар билан қопланиши, яъни пневмосклероз, бронхлар ретенцион кистаси, бронхоэктазлар. Патологик жараённинг тарқоқлигига қараб: бутун ўпка ателектази, бўлак ателектази, сегмент, субсегмент ателектази [4,13,22].

Ателектазнинг қайси бир ўпкада ривожланишига қараб, морфофункционал жиҳатдан турлича кўринишда давом этади. Чап ўпка пастки бўлаги ателектази ўпка бўлаги бронхиоласи обтурацияланганда ривожланади, натижада кўкс оралиғининг пастки қисмидаги аъзоларни, жумладан: юрак, қизилўнгач ва тимусни ўзига тортиб, чўзилтиради. Ўнг ўпка юқори бўлаги ателектази кўкс оралиғининг юқори қисмида жойлашган аъзоларни ўзига тартади. Бунда ўнг ўпка ўрта бўлаги, юқори бўлагининг пастки қисми компенсатор эмфиземага учрайди, баъзи ёрилишидан пневмоторакс ривожланиб асоратланади. Гардишли ёки дискли ателектаз бронхлар дарахтининг диффуз патологияларида қўшни бўлақлар паренхимасининг пучайиши билан намоён бўлади. Бунга сабаб пневмонитлар, фиброзланган альвеолит, саркоидоз ҳисобланади. Ателектазнинг яна бир тури, бу ўрта бўлак синдромидир. Бунда ўнг ўпка ўрта бўлаги бронхи яллиғланишли касалликлар ёки сил оқибатида лимфа тугунлар катталашиб бронхни сиқади ва у обтурацияланади, натижада ателектаз ривожланади [6,8,10,16].

Обтурацион ателектазнинг патогенези шундаки, бронх бўшлиғи ўсма, ёт танача, қусиш маҳсулоти, балғам ва қон билан тўсилганда, альвеоляр тўқимада дистелектаз ўчоғини пайдо қилади. Бунда ҳаво бронх девори орқали ўпка тўқимаси қон томирларига

сўрилиб, тўлақонлик каби лимфа ва қон айланишининг бузилиши жараёнларини кўзғатади ва 3 кун давомида тўсиқ очилмаса оғир асоратларга олиб келади.

Узоқ вақт ётиб қолган касалларда функционал ателектаз ривожланиши мумкин. У диафрагма ҳаракати сусайишига ва нафас марказининг сустранишига боғлиқ ҳолда ривожланади. Бунда ўпкада гипопневматоз, альвеолаларнинг ҳаво билан кўзғалишининг бузилишидан дискли кўринишидаги ателектазга олиб келади.

Бош мия жароҳатланишида ўпканинг шикастланишидан ривожланадиган НБС, яъни ателектаз кўпинча ўлим билан тугайди. Унинг патогенезини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун ўпка тўқимасида риводланадиган патоморфологик ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиш керак бўлади [Голубев А.М. ва бошқалар, 2005]. Бунда ривожланадиган НБСнинг 3та даври фарқ қилинади. 1) дастлабки экссудатив даври, бу биринчи 5 кун давомида ривожланади ва морфологик жиҳатдан альвеолоцитларнинг шикастланиши, ўпка шиши, гиалинли мембраналар ва фибрин пайдо бўлиши, сурфактант тизимининг сусайиши кузатилади. 2) фибропролиферация даврида (6-10 кунлар) ўпкада шишнинг сўрилиши, моноклеарлар миграцияси, коллаген синтезлайдиган фибробластлар пролиферацияси ривожланади. 3) фиброзланиш даври, бу 10 кундан кейин кузатилади [17,19,21].

Туғма ателектаз морфологик жиҳатдан кўпинча ўлик туғилган чақалоқлар иккала ўпкасида ҳам ривожланган бўлади ва улар ўлчам жиҳатдан кичик, кесганда ғирчиллаб овоз чиқаради ва сувда чўқади. Чақалоқларда туғма ателектаз жойланиши кўпинча иккала ўпканинг ҳам I, II, IX, X сегментларида, чап ўпканинг IV ва V-сегментларида учрайди, унга сабаб бу сегментларнинг дифференциалланиш даражасига боғлиқ. Бронхлар ва альвеолалар бўшлиғида одатда қағоноқ суви, шилимшиқ модда ва қон борлиги аниқланади. Альвеолалар ички юзасида гиалин мембраналар пайдо бўлганлиги кузатилади.

Макроскопик жиҳатдан ўпканинг ателектазга учраган соҳалари гўштга ўхшайди, ўпка бўлақлари одатдаги ўлчамларидан анча кичик, атрофидаги соғ тўқимага нисбатан кулранглиги, бироз чўкиб турганлиги билан фарқ қилади. Агар ателектаз ўчоқлари майда-майда бўлса, инфаркт ўчоғини эслатувчи тўқ қизил рангда бўлади. Обтурацион ателектазда 2-3 кун ўтиб ўпкада яллиғланиш ривожланганлиги кузатилади. Натижада альвеолалар бўшлиғи макрофаглар, нейтрофиллар, кўчиб тушган альвеолоцитлар билан тўлади. 7-14 кун ўтса альтератив-пролифератив жараёнлар авж олиб ателектатик пневмонияга айланади. Унинг оқибатида пневмосклероз, бронхоэктазлар ва бронхларнинг ретенцион кистага айланиши кузатилади. Струков А.И. ва Фирсов В.Д. маълумотлари бўйича узоқ вақт ўтгандан кейин ателектаз ўчоқларида реэрация ривожланиши мумкин. Лекин, кўпинча ателектаз ўрнида бириктирувчи тўқима ўсиб, склерозланиш пайдо бўлишидан ўпканинг томирлар тизими қайта тикланишга учрайди. Дистензион ателектазлар кўпинча ўпканинг орқа-базал сегментларида ривожланиб, морфологик жиҳатдан альвеолаларнинг қисман пучайиши ва атрофидаги патоморфологик ўзгаришлар турли даражада ривожланади [2,9,22].

Чақалоқлар ўпкасида сурфактант етишмаслиги НБС этиологик омили ҳисобланади. Замонавий тадқиқотлар кўрсатишича етилиб туғилган чақалоқларда альвеолалар хужайраларидан ташқаридаги сурфактант миқдори 100 мг/кг ташкил қилади, чала туғилган НБС ривожланган чақалоқларда эса бу кўтсатгич 1-15 мг/кг гача тушиб кетади. Ўпка сурфактанти II-типдаги альвеолацитлар томонидан синтезланади ва у фосфолипидлардан ҳамда 4та протеинлардан (SP-A, B, C и D) иборат. Бу оксиллар кучли гидрофоб хусусиятга эга бўлиб, сурфактант фосфолипидлари билан мустаҳкам бирикади. Баъзида бу оксиллар опсонинлар ва зифасини бажариб, хемотаксис ва фагоцитозни фаоллаштиради. Сурфактант ўз таркибида плазмалоген ва холестерол ушлайди, улар липидларнинг юзаки фаол хусусиятини кучайтиради. Сурфактант ишлаб чиқарилганда ҳар хил физик формаларда бўлади: ламелляр, везикуляр ва тубуляр. Ламелляр тузилмалар пайдо бўлиши учун сурфактантга SP-A, B, C протеинлар керак бўлади. Тубуляр тузилмалар эса кальций ионлари ёрдамида амалга ошади [3,18,20].

Сурфактант ишлаб чиқарилишининг 2та йўли мавжуд. Биринчи йўл гестациянинг 20-

24 ва 33-35 ҳафталарида метилтрансфераза иштирокида амалга ошади. Бу тизим гипоксия, ацидоз ва гипотермия таъсирида секинлашади. Иккинчи йўл фосфохолинтрансфераза иштирокида бажарилиб, нисбатан эффектли ва гипоксемияга, ацидозга чидамли йўл ҳисобланади ва у гестациянинг 35-36-ҳафтасида бажарилади. Демак, гестациянинг 36-ҳафтасигача туғилган чақалоқларда сурфактант етишмаслиги мавжуд бўлади. Яна бир хулоса, гестация даври қанчалик кам бўлса, НБС шунчалик кўп кузатилади, 24-25-ҳафталикда туғилганларнинг 92% НБС ривожланиши мумкин

Замонавий тушунчалар бўйича, НБС патогенезида иккита жараён ётади: 1) ўпка фетал суяқлиги резорбциясининг секинлашиши ва 2) альвеола-капилляр тўсиқ ўтказувчанлигининг ошиши. Ўпканинг фетал суяқлиги эпителий хужайралари томонидан энергияга боғлиқ хлорли насос орқали ишлаб чиқарилади. Бу суяқлик туғруқдан олдин ишлаб чиқарилиши секинлашиб, альвеолалар бўшлиғида резорбцияланади. Чала туғилганларда эса бу суяқликнинг резорбцияси секинлашади. Бронхлар ичида қолиб кетган ўпка суяқлиги тикинлар пайдо қилиб, бронхларни деструкцияга учратади [5,8,18].

Аслида альвеоляр мембрана ва уни қоплаган эпителий мустаҳкам чегара ҳисобланади. Унинг заҳарли моддалар билан шикастланишида плазма оксиллари, жумладан фибриноген ҳам альвеола бўшлиғига чиқади. Бу феномен чала туғилганлардаги “ўпкадан оксиллар чиқиши” дейилади [15]. Аниқланганки, меёрда чақалоқларнинг ҳар 3 соатлик ҳаётида қондан альвеолалар бўшлиғига 2% альбумин чиқиб туради. Агар сурфактант кам бўлса қон таркибидан оксилларнинг альвеолалар бўшлиғига чиқиши кўпаяди [18]. Бу сурфактант ингибиторлари чала туғилганлар альвеолалари бўшлиғида пайдо бўлиб, чақалоқлар ҳаётининг биринчи 24-48 соатида НБС ва нафас етишмаслиги ривожлантиради. НБС дан гиалин мембраналари пайдо бўлиши плазма оксиллари фибриноген ва альбуминларнинг альвеолалар бўшлиғида коагуляцияланишидан, нобуд бўлган эпителийлар ва сурфактант таркиби билан кўшилишидан пайдо бўлади [16].

Юқоридаги кўрсатилганлардан ташқари, НБСнинг ателектаз, гиалин мембраналар ва интерстициал шиш каби патологияларида ўпканинг мулойимлигини (комплайенс – податливость) камайтиради бу эса нафас олинганда альвеолалар ичидаги босим ошишидан девори юпкалашади, Бу жараён сурфактант етишмаслиги билан биргаликда ателектаз ривожланишига сабаб бўлади. Натижада ўпка тўқимасида гиперкапния ривожланиб, ўпка тўқимаси қон томирларини спазмга учратади ва ўпка артерияси тизимида ўнг-чап қон айланиш доиралари шунтлашади, ўпкада ишемия ривожланади, НБС оғирлашади, агар узоқ вақт давом этса ўпканинг сурункали касалликларига ўтади [15].

Ўпка кучли шикастланган бўлсада репарация жараёни 48-соатга келиб бошланади. НБС сўрилиб бошланиб, альвеолалар ичидаги трансудат абсорбцияга учрайди, меёрий газ алмашинуви тикланади. Туғилгандан кейин 1-2-кунги ўлган болалар ўпкасида осмиофил бўялган пластинкали сурфактант таначалари бўлмайди, агар бола 4-кун ва ундан кейин нобуд бўлса, уларнинг ўпкасида бу таначалар, яъни сурфактант депоси аниқланади. Ўпкадаги гиалин мембраналар ҳам 5-7-кунда макрофаглар томонидан фагоцитозланиб, йўқолади. НБСнинг оғир формаларида альвеолалар девори ўтказувчанлиги сақланиб қолиб, интерстициал фиброз ривожланади.

Юқорида кўрсатилган, чала туғилган чақалоқлар ўпкасидаги морфологик ва биокимёвий етишмаслик албатта функционал етишмаслик билан намоён бўлади. Бунда асосий клиник белгилар сифатида минутига 60 мартагача етадиган нафас олишининг тезлашиши кузатилади. Чала туғилганларда нафас олишининг марказий бошқарувининг бузилиши апноэ ва ўзгарувчан нафас олиш билан намоён бўлади. Апноэ приступлари деярлик барча чақалоқларда кузатилади. Чала туғилган чақалоқлардаги апноэ механизми ўпка вентиляцияси реакцияси пасайишидан ва  $CO_2$  га сезувчанликнинг бузилишидан иборат.

Хулоса қилиш мумкинки, чала туғилган чақалоқлар касалланиши ва ўлим кўрсаткичида респиратор бузилишлар асосий ўрин эгаллайди. Чақалоқларда ўпка касалликларининг кўплиги, уларнинг гестация даврига ва тана вазнининг камлигига боғлиқ. Бу

масалаларни ечиш учун, авваламбор чақалоклар морфология, биокимё, физиология ва патофизиологиясини чуқурроқ ўрганиш талаб қилинади. Ва бу билимларни мунтазам равишда янгилаб туриш керак бўлади. Клиник таъобат асосчиси, терапевтлар мактабининг яратувчиси С.П. Боткин айтганидек “Амалий таъобат таббий фанлар билан бир қаторга қўйилганда эди, ундаги текшириш, кузатиш, даволаш ҳаракатлари таббийлаштирилганда бериладиган хулоса ҳақиқий илмий маълумотларга асосланган бўлар эди”. Ушбу жумладан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, касалликларни, айниқса чақалокларда аниқлаш ва даволашда патофизиологик ёндошув танланиши яхши натижа беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Банкалари Э. Легкие новорожденных / под ред. Р. Полина; пер. с англ. под ред. Д.Ю. Овсянникова. М., 2015. 672 с.;
2. Белоусова Н. А. Морфологическая характеристика легких у плодов и новорожденных с экстремально низкой массой тела при респираторном дистресс-синдроме: диссертация // Автореф. дисс. .... канд. мед. наук. Санкт-Петербург, 2006. С. 9-19.;
3. Вауэр Р. Сурфактант в неонатологии. Профилактика и лечение ре-спираторного дистресс-синдрома новорожденных. М., 2011. 96 с.;
4. Гарстукова, Л.Г. Наглядная гистология (общая и частная). М.: Мед. информ. агентство, 2008. 204 с.;
5. Гельфанд Б.Р. Острый респираторный дистресс синдром/ М. Литерра, 2007. – 232 с.
6. Н. Ю. Новиков, А. А. Биркун (первый), Е. Н. Нестеров. Проблемы диагностики острого респираторного дистресс-синдрома Украинський пульмонологічний журнал. 2012, № 3, С. 47-52.;
7. Овсянников Д.Ю. Европейский консенсус по респираторному дистресс-синдрому новорожденных пересмотра 2013 года. ГОУ ВПО Российский университет дружбы народов, Москва. 2014, С. 47-52.;
8. Овсянников Д.Ю., Кравчук Д.А., Николаева Д.Ю. Клиническая патофизиология органов дыхания недоношенных детей 2018 Том 6, №3. С.15-18.;
9. Орынбасаров Серик Орынбасарович. Патоморфологическая характеристика легких плаценты и их химический состав у плодов, новорожденных в перинатальном периоде в регионе Приаралья: // Автореф. дисс. .... канд. мед. наук. Новосибирск, 2015. С. 24.;
10. Серикбай М.К., Алшериева У.А., Анаятова Б.Ж. Первичные ателектазы ателектазы легких у недоношенных новорожденных //Научный взгляд в будущее: Институт морехозяйства и предпринимательства (Одесса). 2017. Т.2, №7. С. 94-99.;
11. Спирин, А. В.Патоморфология респираторного дистресс-синдрома взрослых, ассоциированного с беременностью.// Авто-реф. дисс. ... канд. мед. наук. Челябинск, 2008. С. 20.;
12. Algert C.S., Bowen J.R., Lain S.L., Allen H.D. et al. Pregnancy exposures and risk of childhood asthma admission in a population birth cohort // *Pediatr. Allergy Immunol.* 2011. Vol. 22. P. 836–842.;
13. Brehm J.M., Acosta-Perez E., Klei L., Roeder K. et al. Vitamin D insufficiency and severe asthma exacerbations in Puerto Rican children // *Am. J. Respir. Crit. Care Med.* 2012. Vol. 186. P. 140–146.;
14. Carbonell-Estrany X., Quero J., Bustos G. et al. Rehospitalisation because of respiratory syncytial virus infection in premature infants younger than 33 weeks of gestation: a prospective study // *Pediatr. Infect. Dis. J.* 2000. Vol. 19. P. 592–597.;
15. Checchia P.A., Nalysnyk L., Fernandes A.W. et al. Mortality and morbidity among infants at high risk for severe respiratory syncytial virus infection receiving prophylaxis with palivizumab: systematic literature review and metaanalysis // *Pediatr. Crit. Care Med.* 2011. Vol. 12, N 5. P. 580–588.;
16. Civelek E., Cakir B., Orhan F., Yuksel H. et al. Risk factors for current wheezing and its phenotypes among elementary school children // *Pediatr. Pulmonol.* 2011. Vol. 46. P. 166–174.;
17. Collier C.H., Risnes K., Norwitz E.R., Bracken M.B. et al. Maternal infection in pregnancy and risk of asthma in offspring // *Matern. Child Health J.* 2013. Vol. 17. P. 1940–1950.;
18. Huang L., Chen Q., Zhao Y., Wang W. et al. Is elective cesarean section associated with a higher risk of asthma? A meta-analysis // *J. Asthma*, 2015. Vol. 52, N 1. P. 16–25.;
19. Getahun D., Strickland D., Zeiger R.S., Fassett M.J. et al. Effect of chorioamnionitis on early childhood asthma // *Arch. Pediatr. Adolesc. Med.* 2010. Vol. 164. P. 187–192.;
20. Goyal N.K., Fiks A.G., Lorch S.A. Association of late-preterm birth with asthma in young children: practice-based study // *Pediatrics.* 2011. Vol. 128. P. 830–838.
21. Resch B., Resch E., Muller W. Should respiratory care in preterm infants include prophylaxis against respiratory syncytial virus infection? The case in favor // *Paediatr. Respir. Rev.* 2013. Vol. 14. P. 130–136.;
22. Simon A., Amman R.A., Wilkesmann A. et al. Respiratory syncytial virus infection in 406 hospitalised infants premature infants: results from a prospective German multi center database // *Eur. J. Pediatr.* 2007. Vol. 166. P. 1273–1283.;
23. Stevens T.P., Sinkin R.A., Hall C.B. et al. Respiratory syncytial virus and premature infants born at 32 weeks' gestation or earlier: hospitalization and economic implications of prophylaxis // *Arch. Pediatr. Adolesc. Med.* 2000. Vol. 154. P. 55–61.;

**ЎСМИРЛАР ДИСТИМИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШ ТАҲЛИЛИ****Ч. А. Кучимова, Н. И. Ходжаева**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** дистимия, тузилиш, ўсмирлик, депрессия, вариант, кечиши, астения, ваҳима.**Ключевые слова:** дистимия, структура, юношеский, депрессия, вариант, течение, астения, тревога.**Key words:** dysthymia, structure, juvenile, depression, option, flow, asthenia, anxiety.

Ўсмирлик даврида юзага келадиган дистимияни чуқур ўрганишнинг сабаби шундаки, бу касаллик деярли кўп тарқалган ва бу патологияни эрта босқичларда аниқлаш қийинчилик туғдиради. Ўсмирлардаги дистимияга эрта ташхис қўйиш қийинлиги, суицидал хавф, прогностик баҳолаш, давоси ва профилактикасининг долзарблиги сабабли, бу патология чет эл ва ўзимизнинг адабиётларда кенг ёритилган.

**АНАЛИЗ СТРУКТУРЫ ЮНОШЕСКИХ ДИСТИМИЙ****Ч. А. Кучимова, Н. И. Ходжаева**

Самаркандский Государственный медицинский институт, Самарканд, Узбекистан

Настоятельная необходимость углубленного изучения проблемы дистимий, манифестирующих в юношеском возрасте, определяется, прежде всего, чрезвычайной распространенностью этих расстройств, трудностями распознавания этой патологии на ранних стадиях заболеваний. Об актуальности ранней диагностики, суицидальных рисков, прогностической оценки, лечения и профилактики юношеских дистимий свидетельствуют опубликованные на современном этапе информации как в зарубежной, так и в отечественной научной литературе.

**STRUCTURAL ANALYSIS OF JUVENILE DYSTHYMIA****Ch. A. Kuchimova, N. I. Hodjaeva**

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

The urgent need for an in-depth study of the problem of dysthymias manifesting in adolescence is determined. First of all, by the extreme prevalence of these disorders, by the difficulties in recognizing this pathology in the early stages of the disease. The relevance of early diagnosis, suicidal risk, prognostic assessment, treatment and prevention of juvenile dysthymia is confirmed by the information published at the present stage in both foreign and domestic scientific literature.

Ўсмирлар дистимиясининг нозологик ва синдромологик муаммолари тўлиқ ўрганилмаганлиги, адекват терапиясини танлаш тактикаси қийинлиги, бу патология психопатологик чуқур таҳлил қилиниб, ўрганилмаганлигидан дарак беради. Шунинг учун бу патологияга характерли бўлган клиник-патогенитик қонуниятларни ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб этади. Бундан ташқари ўсмирлардаги дистимиянинг клиник манзарасининг атипиклиги ва ўзига хос ифодаланганлиги, бу патологияни хато баҳолашга ва ҳатто бу ҳолатни инкор этишга олиб келади.

**Тадқиқот мақсади:** Тадқиқот мақсади шундан иборатки, ўсмирлардаги дистимиянинг муаммолари ва бу ҳолатни клиник манзарасининг полиморфлиги ва атипияси ёритилади.

**Материал ва текширув усуллари:** Тадқиқот учун 86 нафар ўсмир беморлар олинади ва бу беморлар қуйидаги мезонларга қараб танлаб олинди: депрессиянинг нопсихотик даражада бўлиши; касаллик ўсмирлик даврида бошланиши (16 дан 19 ёшгача); кузатув давомийлиги икки йилдан кам бўлмаган даврда бўлиши; Тадқиқот материали учун қўйидаги ҳолатлар бўлиши истисно этилади: текширилувчи беморларда марказий асаб тизимининг органик касалликлари бўлмаслиги, сурункали алкоголизм, токсикомания, оғир соматик касалликлар, психофаол моддаларнинг қабул қилиш натижасида келиб чиқадиган руҳият ва ҳулқ-атвор бузилишлари, наркомания, аклий заифлик, қупол дифецитар шизофрения белгилари, психотик бузилишлар. Дистимиянинг ифодаланганлиги ва руҳий ҳолатни динамикада баҳолаш, клиник кўзатувларга ва баҳоловчи шкалалардан фойдаланишга асосланади.

**Тадқиқот муҳокамаси:** Ўтказилган тадқиқот асосида ўсмирлардаги дистимиянинг бир қатор кўзга яққол ташланган психопатологик хусусиятлари аниқланди. Уларга қуйидагилар киради: клиник манзарасидаги кўзга яққол ташланган полиморфизм, фрагмен-

